

РЕСПУБЛИКА МАЊИВИЯТ ВА МАЊИФАТ МАРКАЗИ

Мансур МУСАЕВ

**МИССИОНЕРЛИК ВА
ПРОЗЕЛИТИЗМНИНГ ЖАМИЯТ
БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИДИ**

**Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2021**

УЎК: 94(575.1)

КБК: 82.3(5Ў)

Мазкур монографияда миссионерлик ва прозелитизмнинг жамиятга таҳдиди ҳақидаги назарий ва эмтирик даиллар атрофлича таҳлил қилинган. Бугунги қунда дунёда кечаётган мураккаб глобал трансформация инсон қалби ва онгини забт этишга интилаётган ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи миссионерлик ва прозелитизм таҳдиidlари ва уни олдини олиш ва бартараф этиш билан алоқадор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда. Замонавий ахборот мағкуравий таъсир ўтказишнинг турли хил сиёсий қучлар миссионерлик ва прозелитизмдан ўз манфаати ва мақсадлари йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишишмоқда.

Монография докторантлар, илмий тадқиқотчилар ва маънавият тарғиботчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ф.Равшанов – Ўзбекистон ҳалқаро Ислом Академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси профессори, сиёсий фанлари доктори

Тақризчилар:

М.Куронов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор.

М.Муҳаммадсидиқов – Ўзбекистон Ҳалқаро ислом академияси Ҳалқаро муносабатлар кафедраси профессори, сиёсий фанлари доктори

Мазкур монография Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 16 апрелдаги 7-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган

ISBN 978-9943-6084-9-8

© Мансур МУСАЕВ, 2021

© «MUMTOZ SO‘Z», 2021

ЭЪТИҚОДГА ТАҲДИД ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚИ

Инсоният ҳаёти ҳеч қачон бир текис кечмаган. Жуда катта тарихий тараққиёт босқичлари, тамаддун ҳодисалари ва тафаккурдаги туб бурилишлар билан бирга кишилик жамиятида барқарорликка путур етказиш, одамлар ҳаётига таҳдид қилиш, уларнинг онги ва тафаккурига жиддий зарба бериш ҳолатлари ҳам юз бериб турган. Хусусан, XX аср ва ундан кейинги давр ғоявий қўпорувчилик, одамлар эътиқодига қарши мафкуравий таъсир ўтказиш орқали қайси-дир даражадаги манфаатлар тўқнашуви тобора авж олмоқда. Глобал моҳият касб этаётган ахборот алмашинуви чегара билмас ғоявий ва эътиқодий зарба беришлар инсоният тараққиётига таҳдид солмоқда. Ана шундай ғоявий қўпорувчилик ва эътиқодий таҳдид ҳодисаларидан бири миссионерлик ва прозелитизмдир. Бу масала бир қарашда ижтимоий фанларда, хусусан, сиёsatшунослиқда маълум даражада ўрганилган, тегишли назарий ва фундаментал тадқиқотлар амалга оширилгандай кўринади. Бироқ масаланинг ўта таҳдидли ва долзарб томони шундаки, инсоният тараққиёти қанчалик илгариласа ва одамлар тафаккури кенгайиб борса, турли бузғунчи ғоялар ва эътиқодий таҳдидларининг ҳам янгидан-янги усуллари, услублари, шакллари ва уларни амалга оширишга қаратилган механизми пайдо бўлаверади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб миссионерлик ва прозелитизм муаммоси ҳеч қачон ўз моҳиятини йўқотмайди, ҳамиша долзарблиқ касб этади, деган қатъий хуносага келиш мумкин.

Ёш тадқиқотчи Мансур Мусаев ушбу масала юзасидан анча вақтдан буён изланишлар олиб боради. Ушбу мавзуга доир эллиқдан ортиқ илмий мақолалари: “*Опыт Узбекистана в обеспечении межконфессионального диалога и религиозной терпимости*” (*American Journal of Science and Technologies. США No.1. (21), January-June, 2016 VOLUME III “Princeton University Press” 2016*), “Сотрудничество ислама и

христианства в Узбекистане на пути обеспечения религиозной толерантности” (Қозоғистон. Алмати. Отан тарихы (Ш.Ш.Валиханов атындағы Тарих және этнология институты). 2015 год № 1), “Обеспечение религиозной и межэтнической толерантности фактор обеспечения безопасности и устойчивости” (East European Scientific Journal (Warsaw, Poland). VOLUME 1/11 (51)2019), “К вопросу о деятельности миссионерских организаций в условиях глобализации” (Вопросы политологии. Научный журнал. Россия. Выпуск 2(54) Том. 10. 2020) ҳорижий ва маҳаллий нашрлар “Диний бағрикенглик ва конфессиялараро хамжиҳатликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси” (Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари журнали. 2018 йил. №4), Ўзбекистон шароитида прозелитизм таҳдидини бартараф этишининг сиёсий-хуқуқий механизмлари (Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия ҳарбий-техник институти ахборотномаси. 2019 йил. №1), Замонавий ахборот маконида миссионерлик таҳдиди (Таълим, фан ва инновация журнали. 2019 йил. №2), Глобал иқтисодий таназзул жараёнларида миссионерлик-нинг намоён бўлиши (Ўзбекистон халқаро Ислом академияси “Ислом зиёси” журнали. 2019 йил. №2), Миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий муносабатларга таъсири (Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари журнали. 2019 йил. №2), Прозелитизм ҳаракати ва унинг ғоявий-мафқуравий экспанцияси (Бухоро давлат илмий ахборотномаси. 2019 йил. №3), Миссионерлик ва прозелитизм – мафқуравий интервенциянинг янги қўриниши сифатида (Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали. Тошкент. 2020. №1 сон)да чоп этилди. Қатор халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилди. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди. Ана шу бир неча йиллик илмий тадқиқот самараси сифатида мазкур монография дунёга келди.

Монографиянинг биринчи боби амалдаги қоидаларга мувофиқ, илмий муаммонинг назарий-методологик асосла-

рини ўрганишга қаратилган. Унда миссионерлик ва прозелитизм тушунчаларининг сиёсий котегориал жиҳатлари назарий жиҳатдан ўрганилади. Унинг маънавий, ғоявий, сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлиш хусусиятлари, шакллари ва усуллари чуқур тадқиқ этилади. Шунингдек, бундай мудҳиш ва ғайриинсоний миссияларга қарши курашишнинг замонавий механизмлари етарли даражада ўрганилган.

Маълумки, ҳар қандай ғоявий ва сиёсий ҳаракатлар қайсиdir манфаат асосида қурилади ва у ўзини ўзи шакллантириб, қудратли кучга айланади. Жумладан, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари ҳам ўзига хос сиёсий мақсадларга эгаки, буни назарда тутмаслик мумкин эмас. Ваҳланки, ҳар қандай сиёсий мақсад сиёсий манфаат асосида қурилади ва унинг оқибати нималарга олиб бориши мумкинлигини фан ўз вақтида ўрганиши, асосланган илмий тавсияларни ишлаб чиқмоғи зарур. Монография муаллифи айни ана шу масалага жиддий эътибор беради. Жумладан, миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий муносабатларга таъсири, ҳозирги даврда прозенлитизм ғояларининг таҳдидига қарши кураша оладиган ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда таъсирчан ва самарадор механизмини ишлаб чиқишига жиддий таклифларни ўртага ташлайди.

Маълумки, ғоявий кураш ва эътиқодий таҳдид, жумладан, одамларнинг маълум эътиқодидан айириб, бошқа эътиқодларга ва ақидаларга даъват этиш, глобал муаммога айланган. Бундай хавфли ва инсоният тараққиётига зид ҳодисалардан Ўзбекистон ҳам ҳоли эмас. Монография муаллифи М.Мусаев масаланинг айни ана у жиҳатига жиддий эътибор беради. Умумдунёвий муаммони назарий ва амалий жиҳатдан қиёсий таҳлил этар экан, Ўзбекистонда юз бераётган жараёнларни ундан ажralмаган ҳолда тадқиқ этади. Бу муаллифнинг ўзига хос илмий ютуғидан, тадқиқот объектининг ич-ичига кириб борганидан, мазкур жа-

раённи синчковлик ва зукколик билан кузатиб борганидан далолат беради.

Монографиянинг учинчи бобида Ўзбекистонда миссионерликнинг олдини олиш ҳаракатлари маҳаллий шароитда прозелитизм ҳаракати хавфини бартараф этиш йўллари ҳамда унинг сиёсий-ҳуқуқий механизmlари ҳақида чуқур фикр юритади. Уни назарий жиҳатдан таҳлил қилади, амалий жиҳатдан илмий асосланган холоса ва тавсияларни ишлаб чиқади.

Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг ўзига ҳос ютуқларидан бири тадқиқ этилаётган жараён оқибатини, пировард натижасини башорат қилишдир. Муаллиф илмий прогнозлашнинг ана шу қоидасига жиддий амал қилади ва асосли фикрларни илгари суради. Ўзбекистонда миссионерлик ва прозелитизм таҳдидини бартараф қилишнинг истиқболдаги вазифалари аниқланади. Бу эса мазкур монографиянинг илмий заруратини, назарий жиҳатдан эҳтиёжга айланганини ва амалий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатади.

Муаллиф ҳақида икки оғиз сўз. Мансур Мусаевни анча йилдан буён биламан. Маълум муддат бирга ишладик. Унинг тадқиқот оламига, илмий изланишлар дунёсига кириши бироз қийин кечди. Бироқ қатъият билан аниқ мақсадни кўзлаб иш тутди. Катта мақсад билан яшаш ва кўзланган мақсадни амалга оширишда ўзига куч-кувват излаган одам аниқ натижага эришишини Мансур мисолида кўрдим. Ана шу жараёнда у инсон сифатида ўзини ўзи камолотга етказди. Интеллектуал имкониятларини, ақлий салоҳиятини, жамоа билан ишлаш кўниумасини ва хизмат вазифаси талабларини чуқур тушуниб, унга ҳамиша тайёр туриш сингари инсоний фазилатлар эволюциясини бошдан кечирди. Олим сифатида илмий салоҳияти анча ошди. Хусусан, ўз соҳаси, тадқиқот йўналиши бўйича Марказий Осиёда саноқли изланувчилардан бирига айланди. Мазкур монография бунга яққол мисол бўла олади.

*Нарзулла Жўраев,
сиёсий фанлар доктори, профессор*

КИРИШ

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари инсоният хавфсизлиги ва мамлакатлар барқарорлигини таъминлаш билан алоқадор муаммоларни янада долзарблаштирмоқда. Тобора авж олиб бораётган маънавий ҳуружлар, ёт ғоя ва мағкуралар таъсирида инсон қалби ва онгини забт этишга ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Айниқса, миссионерлик ва прозелитизмга йўналтирилган ҳаракатлар нафақат инсонларнинг эътиқодига, балки турли дин, миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигига раҳна солаётганини, сиёсий таъсир доирасига олишнинг воситасига айланиб қолаётганини инкор этиб бўлмайди.

Жаҳонда ҳар бир халқ, миллат ва элатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсирини ўтказиш, бекарор ҳаракатларнинг авж олишига қаратилган сиёсий-мағкуравий фаолиятини ташкилий тизим, таҳдидли жараён сифатида назарий ва амалий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш долзарб масаладир. Бу эса замонавий миссионерлик ва прозелитизм мақсадларининг асл моҳиятини сиёсий фанлар доирасида назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, амалий ҳаётда унга қарши курашнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир соҳада илмий-амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш заруратини оширади. Бундай ҳаракатларнинг бирор мамлакатда содир этилаётган ижтимоий муаммоларни халқаро миқёсда ҳал этишга интилиб, мустақил тараққиёт ва барқарорликка интилаётган давлатларни пароканда қилиш орқали таъсир доираларига олишни мақсад қилишгани ҳам буни тасдиқлади.

Ўзбекистонда жамият хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли миллат ва элатларнинг бирдамлигини, диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қара-

тилмоқда. Ижтимоий-сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг ижтимоий-сиёсий оқибатларини ўрганиш, аҳолининг диний маърифати, сиёсий ва хуқуқий маданиятини янада ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг турли қатламлари ўртасида бундай ҳаракатларининг асосий мақсади турли халқ, миллат ёки элатларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсир ўтказиш эканини тушунтириш, профилактик ишларни самарали йўлга қўйиш, турли шаклдаги низоли ҳаракатларни авж олишига қаратилган вайронкор ғоялардан огоҳлантиришда намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг таҳди迪 билан боғлиқ муаммолар, уларни бартараф этиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5416 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2017 йил 15 июндаги «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжумандаги сўзлаган нутқи, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласи.

Тадқиқот давомида қўйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

- «миссионерлик» ва «прозелитизм» ғояларининг турлари, таснифлари, мезонлари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, сиёсий категориал асослари тизимли тартибда очиб берилган;
- миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг маънавий-сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлишининг деструктив, манипулятив, эсхатологик хусусиятлари, уларга қарши курашнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари асослаб берилган;
- миссионерлик ва прозелитизм ички структураси, сиёсий нуқтаи-назардан туркумлаштириш тамойиллари, унинг мафкуравий интервенциянинг нозик шакли сифатида очиб берилган;
- миссионерлик ва прозелитизм ғояларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири юзасидан ташкилий парадигмадаги ўзгаришлар тизими, умумтамаддун ва миллий муносабатлардаги барқарорликни издан чиқарувчи объектив ва субъектив омиллари ёритилган.

Бугун дунёда миссионерлик ва прозелитизмнинг янгидан-янги хусусиятлари пайдо бўлмоқда. Инсоният тараққиёти тобора юксалгани сайин унга таҳдидлар, ғоявий таъсир кўрсатувчи кучлар ҳам кўпайиб бормоқда. Демак, ушбу тадқиқот иши муаммонинг якуни эмас. Биз кейинги ишларимизда ушбу масалани замонавий муаммо сифатидаги янги қирраларини, уни асосий омилларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

I боб. МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ МОХИЯТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Инсон ижтимоий фаолиятининг энг қадимги шакллари сифатида сиёсат ва дин муҳим ўзгаришларни амалга оширувчи тизимга айланиб борган. Шунинг учун ҳам дастлаб миссионерлар, фақат диний эътиқод тарқатиш билан шуғулланмаганлар, балки улар турли сиёсий мақсадларни амалга оширишга интилганлар. Халқлар, миллатларнинг диний, маънавий қадриятлари ва ҳаёт йўналишларига таъсир кўрсатиш баробарида билиб-билмай жойларда сиёсий ҳукмрон доиралар мақсадларини қўллаб-қувватлаш, дин билан бирга ёт ғоялар ва сиёсатга қарамликни одамлар онгига сингдиришга уринганлар.

Дин одамларнинг онгига таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулларидан биридир. Шунинг учун давлат ҳокимияти ҳар доим ўз халқини яхшироқ бошқариш учун ўз манфаатлари йўлида динлардан фойдаланишга ҳаракат қилган. Диний таълимотлар эса ҳар қандай жамият маданиятига катта таъсир кўрсатган. Чунки айнан диний таълим дунёдаги кўплаб мамлакатларда маданиятнинг марказий мавқеини эгаллайди. Сабаби диний таълим жамиятнинг муайян маънавий-ахлоқий ҳаёти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Миссионерлар таълим, тиббиёт, нодавлат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, бу йўлда оммавий нашрлар, телерадио, интернет ва ОАВларининг бошқа ижтимоий тармоқлари имкониятларидан самарали фойдаланишга интилмоқдалар. Бу эса уларга хорижий мамлакатларда ҳам ўз мавқеларини мустаҳкамлашга шарт-шароит яратмоқда. Миссионерларга хос

бўлган одамлар онгини манипуляция қилиш қобилияти бундай сиёсий мақсадларни амалга оширишда қўл келмоқда.

Мамлакатимиздаги баъзи хорижий нодавлат ва диний ташкилотларнинг фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор хорижий давлатлар таълим каналларидан ёш авлод орасида узоқ муддатли истиқболни яратишга ҳаракатлар ҳам кузатилмоқда. Шу боисдан ҳам бундай ҳаракатларнинг олдини олиш бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни шу сабабдан мазкур бобда «миссионерлик» ва «прозелитизм» тушунчаларининг таърифи, тарихий ва замонавий таснифларини тузиш асосида назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш, «миссионерлик» ва «прозелитизм»нинг ички структураси ва унда татбиқ этилган сиёсий ва стратегик моҳиятга эга технологияларни туркумлаштириш тамойилларини аниқлаш ҳамда ҳозирги даврда миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашнинг негизлари ва сиёсий оқибатлари, мазкур ғояларга қарши курашдаги имкониятлар, ғоявий-сиёсий тарбия воситалири ҳамда уларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришнинг устувор жиҳатларини очиб беришга эътибор қаратилган.

1.1. «Миссионерлик» ва «прозелитизм» тушунчаларининг сиёсий категориал таҳлили

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳавфсизлигига раҳна солишга ҳаракат қилаётган диний-экстремистик, фундаменталистик, террористик, радикал ва миссионер оқимлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда бевосита ёшларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунки миллат ва мамлакатнинг кела-

жаги бўлган ёшлар тез таъсирланиш, шунингдек шу таъсирга мослашган янги авлодни яратиш хусусиятларига эга.

Миссионерларнинг ёшларга бўлган эътибори уларнинг диний эътиқод воситасида дунёга бўлган муносабати, бу орқали мавжуд сиёсий ва маданий тизимни ўзгартириш билан белгиланади. Ҳозирги кунда миссионерлик дунё миқёсида диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, тероризм, гиёҳвандлик сингари глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. “Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, – деб таъкидлайди Ислом Каримов, – глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин”¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳонда фаолият кўрсатаётган турли ижтимоий-сиёсий кучлар маҳсус хизматларнинг молиявий маблағлари ёрдамида ривожланаётган, айниқса, катта иқтисодий ва энергетик имкониятларга эга бўлган мамлакатларда, хусусан Ўзбекистонда, маънавий бошбошдоқликни вужудга келтиришга интилаётган кучлар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Жумладан, “Бирлашиш черкови”, “Оқ биродарлик”, “Иегово гувоҳлари”, “АУМ-Синрикё”, “Саентологик черков”, “Ад-вентэс” каби диний секталар ва миссионерлик ҳаракатлари Марказий Осиё давлатлари ичida ҳар томонлама катта нуфузга эга Ўзбекистонда ўз ўчоқларини яратишга интилишмоқда. Умуман бугунги кунда МДҲ ҳудудида 45 дан ортиқ ана шундай секталар фаолият кўрсатмоқда.² Ўзбекистонда диний тарғиботчилик, миссионерлик ва проzelитизм каби салбий ҳисобланган оқибатларига “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” қонун

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. Б.111.

² <http://pravoslavie.uz/> Prosverit/ Apologet/ Sekty 0205/htm.

билин тўсиқ қўйилган бўлсада, бироқ бу оқимларнинг мамлакатимиз ҳудудига қонунда қайд этилмаган турли йўллар билан кириб келиш хавфи мавжудлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугунги мураккаб кўринишдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сабаб “динда ҳаддан ошиш”, “миссионерлар” фаолиятининг кучайиб бораётганлиги ҳам бу масалани сиёсий фанлар нуқтаи-назардан ўрганиш қанчалик долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатиб турибди. Миссионерлик ҳаракати ҳақида фикр юритганда аввало бу сўзнинг ўзагини ташкил этган “миссия” ва “миссионер” сўзларининг маъно ва мазмунига тўхталиб ўтишимиз ўринли бўлади.

“Миссия” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “missio” атамасидан пайдо бўлган “миссон” сўзи ўзбек тилида “вазифа”, “хуқуқ”, “юбориш”, “вазифа топшириш”, “жўнатмоқ” деган маъноларни англатади¹. Хорижлик олимлар бу сўзга турлича изоҳ берганлар. Жумладан, “миссия” сўзи “вазифа”, “топшириқ”, “аниқ мақсадга йўналтирилган”, “кимгадир ва нимагадир жавобгарлик бурчини адо этиш”, “доимгидек дипломатик вакил”, “бир давлатнинг маҳсус мақсад ва вазифалари юзасидан ўзга давлатга юборилган вакил” деган маъноларни, шу билан бирга “черков ва диний уюшмага тегишли бўлган миссионерлик ташкилоти” каби тушунчаларни англатиши кўпроқ таъкидланган².

Сиёсатшунос олим Н.Қ.Жўраев миссионерлик катериясининг ўзагини ташкил этган “миссио” ва “миссионер” сўzlари маъно ва мазмунига тўхталар экан, “миссио” сўзи лотин тилидан “юбориш”, “вазифа топшириш”, “жўнатмоқ” маъноларини билдириши, миссионерлик ўз моҳиятига кў-

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2003. 6 – жилд. – Б. 26.

² Федоров.В. Православная миссиология на пороге третьего тысячелетия. azbyka.ru/.../fedorov_pravoslavnaya_missiologiya_na_poroge_tretiego_tysyacheletiya-all.shtml.

ра, бирон-бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида ўзининг диний қарашларини тарғиб этишни англатса, прозелитизм юононча “proselitizm” сўзидан, “келгинди, бир жойдан бошқа жойга кўчувчи”, “ўзининг диний эътиқодидан бошқасига ўтувчи” деган маънолар билан бир қаторда, “тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш” деган маъноларни англатишини таъкидлайди¹.

Биринчи изоҳда миссия ва миссионерлик диний ва сиёсий, иккинчи изоҳда эса бунга прозелитизмни қўшиб, асосан диний мазмунига кўра изоҳланади. Айтиш жоизки, миссия ва миссионерлик илк пайдо бўлган замонларида ёқ диний ва сиёсий мақсадларга хизмат кўрсатиш фаолияти сифатида юзага келган.

Бинобарин, ҳозирги кунда глобаллашув жараёнида инсон онги, қалби ва руҳиятини забт этиш (экспанция)га ҳаракат қилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг олдини олиш ва бартараф этишда, асосан ахборот-психологок хавфсизликни таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Н.Жўраев миссионерлик ва прозелитизм таҳдидидан ахборот-психологок хавфсизликни таъминлашда уларнинг инсон руҳиятига таъсир ўтказишга қаратилган ғоялардан ҳимояланишга алоҳида урғу бериб ўтган². Бизнингча, биринчидан, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари ғоялари улар томонидан сир тутилиб, фақат уларнинг ўзларига маълум ва биз бу ғояларни фақатгина тахмин қилишимиз мумкин. Иккинчидан, бугун биз уларнинг ҳаракатни амалга ошириш технологиялари ва ва индивидуал амалий натижаларига кўпроқ дуч келмоқдамиз. Ама-

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 422.

² Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 422.

лий ҳаракатлар ғоявий мақсадларнинг кичик бир қисми бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бинобарин инсонларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш вазифа, уни бошқариш ғоя, инсон шахси даражасидаги салбий оқибатлар, шахсият ва интеллектуал таназзул, бошқалар иродасига бўйсуниш, индивидуалликнинг йўқолиши ва унинг ўзга мазмун билан тўлдирилиши, тараққиётдан тўхташ, моддий йўқотишлар, инсонларнинг ҳаёти, маънавий дунёқараши ва соғлигига нисбатан салбий ҳолатларни келтириб чиқиш ва бошқалар эса технология сифатида қаралиши лозим бўлади. Шу тариқа миссионерлик аввало, давлатлар ва сиёсий кучларнинг геосиёсий режаларига хизмат қилувчи сиёсий қурол вазифасини ўтаётганлиги ойдинлашади.

Файласуф олим С.Отамуродов ҳам “миссионерлик”ни – табшир, мубаширлик – бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб этишни англатади¹, деб таърифлайди ва миссионерликни миллий маънавий ривожлантириш фаолиятига зид ҳаракат сифатида баҳолайди. С.Отамуродов “Миссионерлик аслида, ташқаридан у ёки бу давлатга кириб келиб, унга ташқи хавф-хатар сифатида қараш кераклиги, у миллий маънавиятнинг ичидан емиришга қаратилган фаолият эканлигини таъкидлаб ўтади². С.Отамуродов қарашлари миссионерлик бирлашган диний ва сиёсий груп ғоялари сифатида муайян ҳудудга соҳалар фаолиятига мосланиб, қисмларга бўлинниб татбиқ этилиши билан боғлиқ фикримизни тасдиқлайди. Олиб борган тадқиқотимиздан маълум бўладики, бугунги кунда аксарият миссионерлик ташкилотлари турли хил хайрия уюшмалари ниқоби остида “беғараз” ёрдам кўрсатувчи

¹ Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. Тошкент: Ўзбекистон, 2013. Б.297.

² Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 422.

муассасалар сифатида намоён бўлмоқда. Фикримизча, миссионерлик фаолиятларидан кўзланган асосий ғоя сиёсий бўлиб, ҳудуд сиёсий ва маданий тизимиға қаратилади. Хусусан, миссионерликнинг асосий мақсади сиёсий бўлганиги боис жамият ва мамлакат учун ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан хатарли ва ташвишли эканлигини англаш лозим. Миссионерлик диний ва маданий адоват қўзғатиш орқали миллий, ирқий, диний, сиёсий ва ҳуқуқий зиддиятларни вужудга келтиришга замин яратмоқда. Шу тариқа мамлакат барқарорлигига таҳдид солиш орқали ҳукумат бошқарувида сепаратизмни шакллантирумоқда.

Социолог олим М.Бекмуродов миссионерликни англатган мазмунига кўра Н.Жўраев каби изоҳлайди. М.Бекмуродов фикрига кўра, миссионерлик ва прозелизм ҳаракатлари оқибатида ўзининг динини устун қўйиш орқали миллий ва диний низолар тобора кучаймоқда. Миссионерлик дунё миқёсида фуқароларнинг эътиқодига рахна солиш орқали тинчлик ва барқарорликнинг издан чиқишида асосий омил вазифасини ўтаётганлиги намоён бўлмоқда¹. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелизм тўғрисида сиёсатшунос олим Ф.Равшановнинг фикрлари ҳам эътиборга моликдир. Ф.Равшанов “миссионерлик фаолиятига марказлари четда бўлган сиёсий вазифали диний ташкилотнинг кўп босқичли амалиёти” сифатида эътибор қаратади. Унга кўра миссионерликни унинг амалдаги хатти-ҳаракатини Ўзбекистонда ўз таъсирини шакллантиришдан манфаатдор бўлган сиёсий гуруҳлар мақсад ва манфаатлари

¹ Бекмуродов М. Миссионерлик ва прозелизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўкув-услубий семинарлар бўйича материllлар тўплами. Ўзбекистон мустакил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб.кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. – Тошкент, 2012. Б. 253-262.

билин қиёслаб ўрганиш орқали таҳлил қилиш лозим¹. Дарҳақиқат, миссионерлик фаолияти аслан қандай ғояга хизмат қилиши ва қандай ташкилотнинг вазифасини бажа-раётганлиги бир қарашдаги оддий диний эътиқодга тарғиб қилиш ёки қўмаклашиш амалиётида кўзга ташланмайди. Бундай фаолиятнинг тизимли амалга оширилиши оқибатида келиб чиққан натижаларни эса вақти келганда бартараф этиб бўлмайди.

Миссионер – бирор диний ташкилот томонидан ўз динига тарғиб қилиш учун муайян ҳудудга юборилган шахс сифатида ўзига сингдирилган диний қарашларни тарқатиш, улар воситасида зиммасига юкланган ўзи билиб-бilmagan maxsus vazifalarни amalga oshiruvchi shahsdir. Миссионер ўз фаолияти жараёнида юзлаб инсонларни ўз динига жалб этар экан, бугунги кунда бир бутун тарзда бирор бир эътиқод вакиллари орасида ҳам ўз диндошлирини шакллантиришга интиладилар. Миссионер ҳаракатлари самарали бўлганда охир-оқибатда бу интилишлар ўша жойларда прозелит гуруҳ, прозелит майдон, прозелит ҳудудларни вужудга келтириш билан якун топади. Миссионер ўз диний тарғиботи билан қолавериши мумкин, аммо бу гуруҳ, майдон ва ҳудуд билан навбатдаги ишлар кўп ҳолларда сиёсий ташкилотлар мақсадлари билан давом эттирилади. Шу маънода гарчи динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик виждан эркинлиги қонуни билан кафолатлансада, унинг вақти келиб сиёсий аҳамият касб этишини олдини олиш хавфсизлик масаласи ҳисобланади. Ф.Равшановнинг таъкидлашича, миссиянинг “юборилувчи” маъносидан келиб чиқилса, муайян диний эътиқод устивор бўлган ҳудуд аҳолисига шу эътиқод вакиллари томонидан олиб бориладиган тушунтиришлар ёки тарғибот миссио-

¹ Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. - Тошкент: Маънавият, 2013. Б.19.

нерлик ҳисобланмайди, чунки унда амалда мавжуд бўлган диний эътиқод, ижтимоий маданият ва қадриятлар тизими ўзгармайди, кейинчалик эса хорижий сиёсий, иқтисодий ва бошқа таъсирларга тушиб қолиш каби хавф-хатарлар кузатилмайди¹. Таъкидлаш ўринлики, амалдаги диний эътиқод бўйича олиб бориладиган тушунтиришлар, тарғиботлар эътиқод билан бир қаторда миллий маънавият, ахлоқ, турмуш тарзи, охир оқибатда ижтимоий келишилган иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий масалалар, муносабатларга мувофиқлиги жиҳатидан прогрессив, миссионерлик тарғиботлари эса ўз мазмунига кўра регрессив аҳамият касб этади.

Файласуф олим А.Очилдиев “миссия”ни тушунча сифатида юқорида қайд этилганлари каби изоҳласада, миссионерликни “белгиланган вазифани ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуи” сифатида таърифлайди². А.Очилдиев тўғри тушунгани каби бугунги кунда миссионерлик ҳаракатлари учун “белгиланган вазифа” нафакат эътиқод тарғиботи, балки бир жиҳатдан мазкур миссия вазифа олган сиёсий ёки маҳфий ташкилотларнинг мақсадлари, бошқа бир жиҳатдан эса мавжуд ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва бошқа муносабатларни издан чиқариш шакллари сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Сиёсатшунос олим Ш.Пахрутдиновнинг қарашлари ҳам бу ўринда муҳим аҳамиятга эгадир. У миссионерлик ва прозелитизм билан фаол шуғулланаётган ғарбона ютуқлар оғушидаги христианлик замирида вужудга келган турлитуман секталар фаолияти муайян ҳудуд аҳолисининг чуқур тарихга хос бўлган анъанавий яшаш усулини инкор этиш

¹ Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. - Тошкент: Маънавият, 2013. – Б.21.

² Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2009. – Б. 53-54.

натижасида гўёки ривожланган давлатлар ҳаёт тарзига ўтишни даъват этиш ҳамда онига сингдириш, буни ўз яшаш услуби, тафаккурини ҳурмат қилувчилар қалбига мажбуран киритиш, жаҳонда содир бўлаётган жараёнлардан четга чиқишга интилаётган ва чиққан аҳоли тоифасидан тарафдорлар сонини қўпайтириш, сектада раҳбариятни ишларини шубҳасиз амалга ошириш, жамотчилик онги ва тафаккурини биринчи ўринга қўйиш, миллат, миллий илдиз ва тарихий хотиралардан батамом узоқлашган одамлардан ўз тарафдорларини тўплаш ва тарбиялаш, бегумон қурбон бўлишга тайёрлаш ҳисси, миссионерлик ва прозелитизм мағкураси йўлида онгсиз ва ҳар қандай қабиҳ воситаларни оқлаш, ўз навбатида давлат ва жамият ҳаётидаги салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига замин яратоётганлигини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бир қаторда Ш.Пахрутдинов ўз фикрида, “сектантизм ва экстремизм сиёсийлашиш даражаси нуқтаи-назаридан бири иккичисидан фарқ қиласи, сектантлар сиёсий жараёнларга радикал тарзда аралашмайдилар ва сиёсий интилишларни очиқ дастурда эълон қилишмайди, сектантлар яширин фаолият олиб борса, экстремистлар ошкора террорчилик йўлини танлаб олишган”¹ – дея таъкидлаб ўтади. Ш.Пахрутдинов миссионерликнинг махфий сиёсий мақсадли ўта ҳавфли ташкилот сифатидаги моҳиятини ўринли таъкидлайди, зеро, халқаро муносабатлардаги соҳалараро келишувлардан муайён сиёсий гуруҳларнинг асл мақсадларини қисман англаш мумкин, радикал оқимларнинг мақсадлари ошкора кўриниб туради. Аммо миссионерликнинг мақсадлари ҳақиқатан секин-аста емирувчи хатар сифатида намоён бўлади. Шунингдек, тарихчи олим Э.Ибрагимов миссионерликни “асосан христианликка хос ибора” сифатида изоҳласа,

¹ Пахрутдинов. Ш. Тахдид-ҳалокатли куч. – Тошкент: Академија, 2001. Б. 66.

файласуф олим О.О.Юсупов, “миссионерлик – бу бошқа диний эътиқодга эга бўлган аҳолини ўз динига оғдириб олиш бўйича диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга оширилаётган фаолият, прозелит – бу ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтган одам”, – дея таъкидлаб ўтган. Аммо миссионерлик бугун “асосан” христианликка хос ибора ҳам ҳодиса ҳам эмас, гарчи миссионерлик христианликда диндорнинг бурчи сифатида таъкидланган бўлсада, у бугун дунёнинг кўплаб динларида, жумладан синтоизм, даосизм, буддавийлик, ҳиндийлик каби эътиқодларида мавжуддир. Шунингдек, миссионерлик фақат диний оғдирувчи фаолият дейиш ҳам бир томонлама қарашни ифодалайди.

Миссионерлик, ўз навбатида, бир диний гуруҳ орқали инсонларни ишонч-эътиқоди, маданияти ва муносабатларини ўзгартиришга қаратилган сиёсий ҳаракат шаклини ҳам ифодалайди. Фаолиятида миссионер ўзининг диний қарашларини ўз юртидаги ёки ўзга юртдаги ғайри динлар орасида тарқатиш борасида черков ташкилотлари томонидан йўналтирилган маҳсус ва маҳфий вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миссионерлик диний ташкилотнинг ўзи фаолият кўрсатиб турган мамлакат ва халқлар ҳудудидан ташқарида, ғайридин халқлар ҳудудлари сиёсий мавқеълари ва имкониятларини ўzlари хизмат қилаётган сиёсий гурухлар мақсадларига бўйсундириб боришга йўналтирилган сиёсий ҳаракатидир. Миссионер ушбу ҳаракатларни амалга оширувчи диний ниқобдаги сиёсий шахсдир. Зоро миссионерлар ўз фаолияти ўzlари мансуб бўлган давлатлар сиёсий мавқеларидан, улар билан келишилган турли шакллардаги кўмаклардан фойдаланишаётгани бугунги кунда сир бўлмай қолди.

Юртимизда фаолият олиб бораётган миссионерларнинг асосий қисмини насронийлик дини ниқобидаги турли секталар ташкил қилғанлиги учун ушбу тадқиқот ишида биз насроний миссионерлари ҳақида фикр юритамиз. Агар алоҳида ажратиб кўрсатилмаса, бундан буён «миссионер» сўзи насронийлик дини ниқобидаги миссионерлик секталарига нисбатан ишлатилади. Бу турдаги миссионерларнинг асосий мақсадлари худди бошқа миссионерлар каби турли йўл ва усуллар билан ўз сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кенгайтиришдан иборатdir. Уларнинг мақсадлари асосан уч нуқтада жамланади: Халқларни насронийлаштириш. Шу орқали уларни иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан Ғарб давлатлари таъсир доирасига олиш; Халқларда ўз динига нисбатан шубҳа уйғотиш, уларни ўз динидан чиқариш ва динсиз қолдириш; Қадимдан насроний бўлғанларни ўз динларида мустаҳкамроқ туришга чорлаш ва улар сафини «янги насронийлар» билан тўлдириш;

Прозелитизм билан шуғилланувчи шахсларга нисбатан доимо нафрат билан қаралишининг сабаби, аввало, унинг таъсирида инсонлар ўзларининг аждодлари эътиқод қилған азалий динларидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга ундашидадир. Прозелитизм тушунчasi ҳам мана шу ундашнинг турлари шакллари, усуллари, технологиялари ва механизмларини ўзида бирлаштирувчи маънога эга. Прозелитлар ёки прозелит тарғиботчилар асосан миссионерлар фаолияти натижасида пайдо бўладилар. Лекин прозелитчи (прозелитист) тушунчasi миссионерга нисбатан эмас, миссионер томонидан ўз динига киритилган ва диний тарғиботга йўналтирилган шахсга нисбатан қўлланилади. Прозелитизм тарафдорлари ўз мақсадига эришиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиб, ўзларининг

даний адабиётларини тарқатиш, ўз ғояларини тарғибот ва ташвиқот қилишга бевосита эътибор қаратади. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизмнинг мазкур омиллари кўп ҳолларда моддий, молиявий, маънавий ёки маърифий кўмак руҳида ташкил этилиб, аксарият ҳолларда охир-оқибатда тажовузкор кўринишни ўзида намоён этишини англаш лозим.

Ў.Ҳасанбоев ўз тадқиқотларида прозелитизм атамасига қуидагича изоҳ бериб ўтган: “Прозелитизм (грекча. “proseltos”, яъни эътиқодни қабул қилган одам) – муайян дин вакиллари томонидан бошқа динга эътиқод қилувчилар ёки даҳрийларни ўз динига киритишига қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Прозелитизм “proseltos” атамаси библияниң Қадимги Аҳд қисмида узоқ вақт хорижий юртда шаклланган одамга нисбатан ишлатилган. Янги Аҳдда эса прозелит сифатида миллати яхудий бўлмаган, лекин яхудийлик динини қабул қилган деб эътироф этилган.

Прозелитизм атамаси XVII асрда француз тилида пайдо бўлиб, бир одамнинг иккинчи одамга ҳийла, найранг билан таъсир ўтказишини англатувчи салбий маъно касб этди¹. Бизнинг назаримизда миссионерлик ва прозелитизм фаолияти аксарият ҳолатларда (XIX асрга қадар) христианликда протестант ва католик ҳаракати сифатида намоён бўлади. XIX асрдан бошлаб бу ҳаракат праваславларда ҳам, бошқа динларда ҳам кенг авж олган.

Шунингдек, тадқиқотчи А.Тулепов томонидан билдирилган миссионерлик ва прозелитизм тўғрисидаги фикрлари диққатга моликдир. А.Тулепов “миссионерлик одатда черков томонидан ҳукумат ёрдамида бошқа диндаги кишиларни ташвиқот қилиб, христиан динига киритиш учун

¹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: даний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа босмахонаси. -2014. Б.379.

юборилган тарғиботчи. Тарихда ғарб давлатлари томонидан колония ва қарам давлатларга юборилган христиан тарғиботчилариидир¹, – деган маъноларни англатишини таъкидлаб ўтади. Лекин миссионерлик ҳозир фақат христианлик динига мансуб эмас. Бинобарин, мазкур ҳаракатлардан аксарият йирик давлатлар ўзларининг сиёсий мақсадларини ўзга давлатларга ўтказиш ёки ўзга давлатга нисбатан таъсир ўтказишда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратади. Замонавий дунё ҳамжамиятига алоқадор парадокс шундаки, бир томондан одамларни диний эътиқодига кўра ажратиш анча чекинган, турли эътиқод вакиллари аралаш яшаётган бўлсада, иккинчи томондан уларнинг зимдан қарши кураши ривожланаётганлиги ва бу жараёнда миссионерларнинг катта ҳиссаси кузатилади.

Христианлик тарқалишининг дастлабки замонларида Худо томонидан ўғил, ота ва ўғил томонидан Муқаддас Рухнинг юборилганига асосаланган илоҳий бурч ифода этиларди. Худо, ўғил ва Муқаддас Рух учлигига асосланган учлик таълимотини ифодалаш учун черков томонидан расман диний тарғиботларни амалга ошириш учун тайинланган шахсни англатувчи «misyon» (миссия) атамаси XVI асрдан бошлаб христианликнинг чизвитлар оқими томонидан илк бор қўлланилган. XVI асрда Ignatius Loyola томонидан христиан динига эътиқод қилувчи дин вакилларидан ташкил этилган мустамлака ҳудудларига черков ходимларини юборишни ифодалаш мақсадида миссия ва миссионерлик тушунчалари қўлланилган. Мазкур тушунчалар христиан миссионерлари томонидан мустамлака ҳудудларни энг аввало маънавий ва маърифий нуқтаи назардан забт этишда фойдаланилган. Ўз навбатида, католик черкови томонидан

¹ Тулепов А. Ислом ва ақидапарст оқимлар. Ўқув кулланма.– Тошкент: Мовороуннахр, 2014. Б.401-402.

христианликни маҳаллий аҳоли орасида ёйиш мақсадида маҳсус вазифа ва топшириқларни бажарувчи черков ходимлари “миссионер”, улар ташриф буюраётган ҳудудлар “миссия ҳудудлари” дея номланган. Зеро, христианликда миссионерлик илоҳиёт асослари ҳамда қарашларини ўрганувчи фан “миссия теологияси”, миссионерлик фаолиятларни илмий жиҳатидан ўрганувчи илм соҳаси эса “миссиология”,¹ деб номланади.

Бугунги кунда, ривожланган Farb давлатларида миссиология таълими асосида фаолият кўрсатаётган бир қатор университетлар мавжуд. Ҳозирда, ушбу университетларда христиан миссионерлигига миссия ва миссионерлик тушунчаларидан бошқа тушунчаларни ҳам қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай фарқли тушунчаларни қўллашнинг асосий мақсади “миссия” ва “миссионерлик” тушунчаларининг христианлик тарқалмаган халқлар онгигда салбий таассурот қолдиришидир. Айниқса, мазкур халқларнинг ўтмишдаги тажрибаларида ривожланган қудратли давлатлар ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишида бевосита миссионерликтан фойдаланишган. Бинобарин, миссионерлик – гегемонлик ва мустамлакани, босқинчилик оқибатида кучли давлатларнинг кучсиз давлатларга нисбатан ўзининг сиёсий босимини амалга оширишни ифода этган. Шу ўринда, христианликда миссионерлик қаторида “диний миссия” тушунчаси кўп бора ишлатилишини таъкидлаш ўринлидир.

Диний миссия: 1) черков талқинида – элчилик топшириқларини топшириш, муайян динни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш; 2) миссионерлар қароргоҳи ҳудудида черков, кичик бутхона ёки масjid, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат жойлашган

¹ Шиносий Г. Миссионерлик. Анқара, 2007. Б.9.

бўлади¹. Шунга кўра айтиш мумкинки, диний миссия черков ва диний ташкилотлар томонидан бевосита йўналтирилган вазифаларни, давлатнинг элчилик топшириқлари ни ҳамда христианликни турли халқлар ва ўзга дин вакиллари орасида тарқатувчи ташкилотдир. Ўз навбатида, диний миссия ўз фаолиятини такомиллаштириш вазифасини олган миссионерлар қароргоҳидаги диний ташкилот маркази ролини бажаради.

Ҳозирда, турли минтақаларда бир қатор халқаро христиан миссиялари фаолият кўрсатиб келаяпди. Бутунжаҳон халқаро христиан миссияси 1910 йилдан эътиборан Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида ташкил этилган. Бугунги кунга келиб дунёда юздан ортиқ диний миссиялар фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида ҳам диний ташкилот, ҳам махфий идора, ҳам сиёсий ташкилотларга хизмат кўрсатадилар.

Миссияларнинг ғоявий, сиёсий ва стратегик мақсадларини эса фақат махфий ёки сиёсий ташкилотлар ғоялари, сиёсати ва стратегиясига мувофиқ амалиёти орқалигина аниқлаштириш имкони бўлади. Айтиш керакки, мазкур миссиялар фаолиятини ривожлантириш мақсадида уларни моддий, маънавий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, мутахассис миссионер кадрлар билан таъминлаш алоҳида эътиборга моликдир. Христианликнинг З йўналишидаги барча оқимлар диний уюшма фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкилотнинг матбааси учун тегишли моддий маблағлар билан таъминланади. Хусусан, ўз ғоялари тарғиботи ва ташвиқоти учун

¹ Бекмуродов М. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув – услугубий семинарлар бўйича материиллар тўплами. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. – Тошкент, 2012. Б.253.

журналлар чоп этилиши бугун ҳамма ўрганиб қолган ҳодисадир. Аввало, миссиялар фаолиятида муайян худудларда яшовчи маҳаллий аҳоли вакилларининг тарихи, маданияти, маънавияти, урф-одатлари, қадриятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз барқарорлигига нисбатан хавф солишга интилаётган ёт оқимлар таъсиридан огоҳ бўлиш, аввало ёшларимизни баркамол авлод этиб тарбиялашда, халқимиз фаровонлигини ва юртимиз тинчилигини асраш ҳамда ватанимиз равнақини таъминлаш келгусида давлатимиз истиқболи учун замин яратади. Зоро, тинчлик ва барқарорликка рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш, мазкур ҳаракатларни ўз вақтида бартараф этиш бугун ҳар бир фуқаро, жамоат ва давлат ташкилоти фаолиятида муҳим масалалардан биридир.

1.2. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг маънавий-сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлиш хусусиятлари

Бугунги кунга келиб миссионерлик ва прозелитизм геосиёsat назариясига кўра экспанциянинг бир тури сифатида намоён бўляпди. Айниқса, XXI асрга келиб миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари фаолияти кучайган мафкура полигонлари тобора кўпаймоқда. Мазкур ҳаракатларни олдин олиш ва бартараф этиш кўпгина ҳудудларнинг долзарб муаммолари қаторига киради. Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида: *Дунёда терро-*

ризм таҳдиidlари айниқса, сўнгги йилларда қучайиб бораётганни уларга қарши асосан қуч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат бераётганлигини кўп ҳолларда таҳдиidlарни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганлигини халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этиши¹ни айтиб ўтган эди. Бинобарин, сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ғоявий ва мафкуравий курашнинг кучайиши миллат ёки халқлар тарихий қадриятлари, бугунги ҳаёти ва келажакдаги тақдири мавқеини белгилашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Жараён нуқтаи назаридан аввал маънавий кейин сиёсий ва сўнг иқтисодий-ҳуқуқий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари мафкуравий интервенциянинг нозик ҳамда нисбатан арzon шаклида аллақачон айrim давлатлар амалиётига айланиб бўлди. Бугун миссионерлик ва прозелитизм баъзи геосиёсий кучларнинг хавфли қуроли бўлиб, сиёсий ва иқтисодий таъсир доираси кўринишида ифодаланаётган замонавий мустамлакачилик ёки вассалликни ташкил этишнинг энг олдинги қаторларидан жой олади. Сиёсий доиралар ўзларининг геосиёсий мақсадларини кўзлаб, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаришда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларидан бевосита фойдаланишмоқда. Буларнинг барчаси миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини сиёсий-функционал нуқтаи назардан таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

Миссионерлик методикаси замирига эътибор қаратилса, пухта ўйланган режалар асосида, ўз фаолиятини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланиши ойдинлашади. Мазкур ҳаракатлар стратегиясида муайян мамлакатларда “очарчилик, қашшоқлик”, “инсон ҳуқуқларини поймол этилиши”, “миллий низоларни бартараф этиш”, “гуманитар ҳалокатни олдини олиш”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “илғор маданий одатларга ўргатиш” ниқоби остидаги амалга оширилаётган мақсадли фаолиятни англаш керак бўлади. Миссионерлар ўз фаолияти жараёнида мазкур вазиятдан фойдаланган ҳолда муайян ҳудуддаги аҳолини ўзларининг динларига ўтказиш орқали сиёсий мақсадларга тайёрлашга ҳаракат қилишади. Миссионер фаолияти давомида юзлаб инсонларни ўз динига жалб этса, унинг ҳосиласи бўлган прозелит эса қисқа давр мобайнида кўплаб инсонларни ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга эришади. Натижалар ҳаракат амалга оширилаётган давлатлар аҳолиси ва улар ҳаёт тарзининг бой ёки камбағал, ёпиқ ёки очик, сиёсий режими кучли ёки кучсиз, эътиқоди тартибли ёки тартибсиз, маданияти ва миллати асосан бир хил ёки аралаш, эканлиги каби белгиларга кўра турлича бўлиши мумкин. Кузатишларимизга кўра миссионерлик ҳаракатлари стратегияси мазкур белгиларнинг гурухлашган ёки алоҳида шаклларда намоён бўлишига кўра тузилади. Прозелитизм замирига эътибор қаратилса, мазкур ҳаракат тарафдорлари ўз мақсадига эришиш учун турли усул ва воситалардан, айниқса, ОАВ орқали жамоат жойларида, концерт заллари ва стадионларда тадбирлар уюштириб, диний адабиётларини тарқатиш орқали ўзларининг диний тарғибот ва ташвиқотларини олиб боришлирага юқорида қайд этилган белгиларнинг иккинчи қисмига асосан ёндашувларини кўриш мумкин. Зикр этил-

ган белгиларнинг биринчи қисми устивор бўлганда эса, тарғиботлар асосан оммавий ахборот воситалари, айниқса бугунги кунда оммавийлашган электрон ижтимоий тармоқлар ва ҳаракат ташкил этилган мамлакат вакилларини хорижий базаларга жалб этиш воситасида амалга оширилади.

Миссионерликнинг бундай сиёсий мазмундаги ҳаракатлари аксарият ҳолларда манипулятив ва мавжуд сиёсий режимдан имкон излашга ундаш кўринишда намоён бўлади. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари аввало, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини издан чиқариши, давлат бошқарувида тартибсизлик ва парокандаликни вужудга келтириши, мамлакатда бир-бирига қарама-қарши гурӯҳларни шакллантириш орқали, миллатлараро, динлараро зиддиятларни тўғдириб, давлат миқёсида айрмачиликни келтириб чиқараётганлиги билан характерлидир.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари динларнинг аксариятида мавжуд бўлиб кейинги вақтларда улар ўртасида рақобат кучайгани кузатилади. Бу рақобатни ҳатто бир диннинг турли оқимлари ўртасида кузатилаётгани сиёсий манфаатдор гурӯҳлар фаолиятининг нақадар жадаллашганидан ҳам дарак беради. Масалан, христианликнинг католик, проваслав, ва протестант йўналишлари ўртасида муайян ҳудудларда миссиялар ташкил этиш масаласида ҳозирги вақтда кузатилаётган ўткир рақобатни шунчаки диний тарғиботнинг ўзи деб бўлмайди.

Жараён миссия маркази мансуб бўлган давлатларнинг ўша ҳудудга тегишли сиёсий муносабатларига мувофиқлиги билан ойдинлашади ва миссиянинг манфаатдор давлат сиёсати билан келишилган ҳаракат эканлигини исботлайди. Шунингдек, алоқадор давлатнинг ўша ҳудуд бўйича олиб бораётган сиёсатига мувофиқ равишда миссия

ҳаракатлари гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиши ҳам унинг сиёсий гурухлар манфаатларига бўйсундирилганидан дарак беради. Россиядаги “Rodonej” газетасида проваслав муаллифи томонидан илгари сурилган фикрга кўра, проваслав черковлари ўз фаолиятини Римда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши таъкидланган. Проваслав пасторларининг фаол тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланиши миссионерликнинг келажаги сифатида диний мактабларда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг давомийлигини таъминлаш учун илоҳиёт таълимотини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишга урғу бериб ўтилган. Мазкур миссияни Европанинг қоқ марказларидан бирида ташкил этишга уриниш сабабларидан бири бизнингча бугун Марказий Европа мамлакатларида православ, хусусан рус миллатига қарши сиёсий кайфиятнинг ҳар қачонгидан ошганиги билан ҳам белгиланади.

Бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатини яхши англаган айrim давлатлар ўз навбатида диний тарғиботларни ҳеч қандай афишаларсиз, bemalol ўз манфаатлари йўлида амалга ошириш мақсадида ўзларининг миссионерлик фаолиятларини керакли томонга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шунингдек, айrim ривожланган етакчи давлатларнинг миссионерлик ҳаракатидан кўзлаган асосий мақсади давлатнинг сиёсий режаларини амалга оширишда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати вакилларига асосий иттифоқдош ҳамкорлар сифатида фаолият олиб боришимоқда.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини замонавий нуқтаи назардан ташкил қилиш билан боғлиқ турлича ёндашувлар мавжуд. Бу борада, Россия РАЦИРСнинг президенти А.Л.Дворкин ўзининг тадқиқотларида ноқонуний равища фаолият олиб бораётган тоталитар секталарнинг

ташкил этилиши ва қўллаб-қувватланишларига доир қарашларида таъкидлаб ўтади¹. Унга кўра секталарнинг аксарияти муайян шахслар билан боғлиқ бўлиб, маҳсус хизматлар томонидан молиялаштирилади. Айниқса Шарқий Европа ҳудудларига ёпирилаётган секталарнинг мақсадларида Ғарбий Европа ва АҚШ сиёсий мақсадларини bemalol кузатиш мумкин. Айни вақтда бу секталар шу минтақалар эмас, умуман ўзга минтақалар диний миссияларини йўналтириш каби мураккаб стратегия асосида амалга оширади, оқибатда сиёсий мансублик изларини беркитишга эришилади. А.Л.Дворкин охир-оқибатда бунга сиёсий кучлар мувозанатини ўзгартириш ёки дунёни қайтадан бўлиб олишнинг янги шаклларидан бири сифатида қараш керак деган хulosага келади. Бугунги кун Россия ва Ғарб муносабатларидан келиб чиқсак ҳар икки томон ўзга ҳудудда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда миссионерликдан ҳам унумли фойдаланишга уринаётгани ойдинлашади.

Шу билан бир қаторда, Россиялик тадқиқотчи П.Н.Милюков ўзининг илмий изланишларида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан фаол шуғулланаётган тоталитар секталар фаолияти ҳақида тўхталар экан, энг аввало, у “ҳақиқий рус одами ҳеч қачон сектант бўла олмаслигини”, сектантликнинг ўзи эса “хориждан келган ёт ўсимта” эканлиги тўғрисидаги ғояларни ўзида акс этувчи черков-миссионерлик концепциясининг салбий томонлари тўғрисидаги фикрларга эътибор қаратади.

Россиядаги Кришнани англаш жамияти марказининг Президенти Бхакти Вигъяна Госвамининг миссионерлик ва прозелитизм тўғрисидаги фикрига кўра, прозелитизмнинг моҳияти – бошқаларни ўз динига оғдириш учун турли хил

¹ Дворкин А. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. - 813 с.

усулар; зўравонлик, ёлғон ва пора бериш орқали ўзга диндаги фуқарони эътиқод қилаётган динидан чиқариб, ўз динига ўтказиш каби тажовузкор ёндашувдан бошқа нарса эмас¹. Мазкур омил, ўзга диндаги фуқаро эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш ҳамда диний, ирқий, миллий низоларнинг авж олишига, натижада муайян минтақа ва давлатлар миқёсида фуқаролар ўртасидаги ўзаро бирдамлика птур етишига ҳамда жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлини издан чиқишига олиб келаётганини инкор қилиб бўлмайди. Қизиғи шундаки, демократия қоидалари ва виждан эркинлиги қонунларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши сектант фаолиятга кенг йўл очиб, уларнинг ўз фаолиятларини ривожлантириш мақсадларида яратаБтган технологияларига мазкур қоида ва қонунларда чекловлар мавжуд эмас. Бундан сиёсий доиралар ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Украиналик тадқиқотчи М.Мороз миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари тўғрисида алоҳида тўхвалиб, “Иегова гувоҳлари” сектасини “бизнинг ашаддий душманимиз, миллийликнинг ишончли жосуслари”² – деб атайди. Унинг фикрига кўра “Иегова гувоҳлари” оқимиға қўшилган украиналиклар миллий қадриятларга бутунлай бефарқ бўлиб қолишишмоқда. Айниқса, мамлакат миқёсида мазкур оқим таъсирига тушган ёшларни ҳарбий тайёргарлик ва қўшин сафида хизмат қилишдан бош тортиши кўпайиб бормоқда.

Секта таълимотида давлат байрамлари ва рамзларини тан олмаслик, сайлов жараёнларида иштирок этмаслик, давлат вазифаларига қасамёд қилмаслик тарғиб этилади.

¹ Религиозные лидеры России высказались о разнице между проповедью и прозелитизмом // Мир религий. URL: <http://www.religio.ru/news/12903.html>.

² Евменов Д. История создания и учение общества Сторожевой башни (канд. дисс., дек. 1998) // <http://www.cdrm.ru/iegova/issl/evm.htm>.

Шунингдек, секта таълимотида унинг аъзолари учун, ҳар қандай билим ва маълумотларга эга бўлиш мумкин эмас. Сабаби секта аъзоларининг дунёвий билим ва маълумотларга эга бўлишлари ўз навбатида секта фаолиятига нисбатан сектантлар орасида шубҳа ва гумонлар уйғотиши, энг асосийси, унинг фаолиятига мансуб бўлмаган ҳар қандай билим ва маълумотлар оқим аъзолари қўзини кўр қилиб қўйиши, онгини заҳарлаши ҳамда гўёки муқаддас ёзувни ўрганишга бўлган кучини сусайтириши мумкин. Бундай ёндашув секта таълимотининг сиёсий вазифалар билан қанчалар нозик ва чуқур боғланганлигини яна бир карра исботлайди. Аммо бу ҳолатда сектани сиёсий нуқтаи назардан айблашнинг қонунан имкони йўқ.

Шу тариқа, иегова таълимотини ўрганишга бошқа ишлар халақит берса, секта аъзоларига ўз фаолиятлари жараёнида бундай ишлар билан шуғулланишлари қатъян ман этилади. Айниқса, секта таълимотида “бу таълимот ҳар қандай нарсадан устун” эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. АҚШнинг Калифорния университети психологи, профессор Маргарет Зингер томонидан миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларига нисбатан билдирилган фикрларига кўра, миссионерлик ҳаракати орқали аввало, бир диний груп воситасида инсонларнинг ишонч ва эътиқодини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуасини ифодаланади. Миссионерлик жараёнида миссионер ўзининг диний қарашларини ўз ютидаги ёки хорижий юртлардаги бошқа динга эътиқод қилувчи халқлар орасида кенг ёйиш ҳамда тарқатиш борасидаги черков ташкилотлари томонидан бевосита йўналтирилган маҳсус топшириқ ва вазифаларни амалга оширишини англатса, прозелитизм, ўз моҳиятига кўра, тўғридан тўғри бирон бир динга эътиқод қилувчи фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга дин-

ни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлар мазмунини билдиради.

М.Зингернинг таъкидлашича, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини амалга ошираётган тоталитар секталар томонидан олиб борилаётган диний тарғиботлар, диний ибодатларни жозибадорлиги шундаки, улар диний тарғибот ва ибодатларни ўта соддалаштирилган тарзда маҳаллий аҳоли вакилларининг қадриятлари, ҳаётий тамоилиларга мос равишда, умумийлик ва ҳаётий қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида фуқаролар билан олиб бораётган фаолияти жараёнида уларга жамият ҳаётида ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, моддий аҳволларини яхшилаш мақсадида юқори миқдордаги маош асосида ишлар таклиф этиш, шахсий ҳаётида омад кулиб боқиши каби эътирофларни таклиф қилиш ғоялари илгари сурилади¹. Аммо, мазкур ҳаракатлар тўғрисида билдирилган фикрларга зид бўлган фикрлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу ҳақда протестант миссиологиясининг асосчиси Густав Варнек (1832–1910), “Миссионерлик – “черков ҳаётининг қонуни”. Христиан дунёсида миссионерлик илоҳий вазифа тарзда шаклланганлигини” алоҳида изоҳлайди. Ўз навбатида, бутун христианлик ўзида миссионерликни намоён этиб, “черковнинг асосий вазифаси дунёни евангелизация қилишдир”², дея таъкидлайди.

Хозирги кунда дунё миқёсидаги таниқли миссионерлар қаторида эътироф этилаётган, инжилшунос Билли Грехим фикрича, миссионерлик асосан, ОАВ воситалари: радио, телевидение соҳаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўзга

¹ Singer M.T. Cults in our Midst / M.T. Singer & J. Lalich. - San Francisco : Jossey-Bass Publishers, 1995. - 381 р.

² Werner Raupp: Warneck, Gustav. In: Wilhelm Kyhlmann u.a. (Hrsg.): Killy. Literaturlexikon. Autoren und Werke des deutschsprachigen Kulturraumes. 2., vollst. ьberarb. Auflage. Band 12. Berlin/Boston 2011, S. 147–148.

мамлакатлардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазиятларни ўзгартириш мақсадида, ривожланган ғарб давлатлардаги “оммавий маданият”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “юқори турмуш тарзи”, “ғарб мамлакатлари урф-одатлари ва маданиятини тарғиб этиш” каби усуллардан кенг фойдаланишга алоҳида урғу бермоқда. Таъсир кўрсатишнинг асосий воситалари – китоблар, кинофильмлар, телевидение, радио, интернет, ОАВ агентликлари ва нашрлари ҳисобланади¹. Айниқса, аксарият миссионерлик ташкилотлари ўз динини сингдиришда аввало, Исога садоқат ва муҳаббат уйғотишига алоҳида эътибор қаратишади. Миссионерлик ва прозелитизм ўз фаолияти жараёнида черковлар ташкил этиш, диний тарғиботларни амалга ошириш, Библияни таржима қилиш, диний материалларни ёзишга бевосита эътибор қаратади.

Миссионерлар ўзларига садоқат руҳида тарбия топган инсонларни қашшоқлик, касаллик каби муаммолардан халос этиш каби усуллардан фойдаланишига бевосита йўналтираётганлиги уларнинг замонавий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шу тариқа, мазкур ҳаракатлар замирида гўёки, табиий оғатлар ва пулсизликдан заарар кўрган инсонларга “беғараз” ёрдам кўрсатиш асосий мақсади ҳисобланади. Ўз навбатида, миссионерлар гўёки, ўзларини “инсонпарвар” ҳомийлар сифатида намоён этиб, мактаблар ва касалхоналарда фаолият кўрсатишига интилишмоқда, мазкур усуллар орқали ўз тарафдорларини кўпайтираётганлиги намоён бўлмоқда. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизм замирида, муайян мамлакатдаги жамият ва давлат ҳаётидаги сиёсий, маънавий, маданий, иқтисодий ва бошқа алоқаларни амалга ошириш муҳим

¹ Бекпўлатов Ҳ, Мамадалиев Р. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши курашнинг айрим масалалари. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2016. №1 Б.14.

омиллардан бирига айланди. Мазкур алоқалар орқали тарғиботлар анча устунлик руҳида ташкил этилиши, ҳаттоқи, самарадорлиги жиҳатидан ҳарбий салоҳиятдан ҳам кучли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Белорус тадқиқотчиси Ю.П.Зуев яҳудий иудаизмини қабул қилган маъжусийлар прозелитлар дея номланиши Инжилда таъкидланганлигига изоҳ бериб ўтади¹. Бунда у прозелит сўзи маъносига аҳамият қаратиб, наслан яҳудий бўлган иудаистларни ҳақиқий диндор, наслан бўлмаганларни эса сохта деб қараш одат бўлганлиги, бинобарин христиан оиласида тўғилган христианларни биринчи дараҷали ва ўз динидан кечиб, христианликни қабул қилганларни иккинчи даражали деб қараш мавжудлигини таъкидлайди. Бунда “иккинчи даражали” христианларга хиёнаткорлар сифатида қараш маъноси ҳам мавжуд бўлиб, у кенг миқёсда мазмун касб этади.

Глобаллашув даврида миссионерлик ва прозелитизмнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида диний секталарнинг халқаро миқёсда нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомида фаолият юритаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирги кунда айrim давлатлар муайян ҳудудда ўз таъсир доирасини кучайтириш мақсадида миссионерликни ҳимоя қилиш орқали ўзининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш намоён бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг салбий оқибатлари тўғрисида Кениянинг биринчи бош вазири Жомо Кенятта (1889-1978) томонидан билдирилган фикр ҳам эътиборга моликдир. Бу хақда, Жомо Кенятта “христианлик Африкага келганида африкаликларнинг ерлари, христианларнинг эса инжиллари бор эди. Христианлар бизга кўзларимизни юмиб дуо-ибодат қили-

¹ Зуев Ю.П. История Религия. Минск: Книжный дом, 2007. Б.692

шимиз кераклигини ўргатдилар. Кўзларимизни очганимизда улар бизнинг ерларимизни, биз эса уларнинг инжилларини олган эдик”¹ – дея таъкидлайди.

Патрик Джонстаун, Девид Баррет, кичик Джорж Отислар Ўрта Шарқ ва Осиёнинг Япониягача бўлган ҳудудларида христианликни тарғиб этишда бир қатор усул ва услубларни қўллашга бевосита эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар². Айниқса, Патрик Джонстаун ўзининг “Дунё операцияси” асарида мазкур ҳудудларда яшовчи аҳолининг диний қарашлари, турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миссионерликка таалуқли бўлган маълумотларни батафсил изоҳлаб ўтади³. Унинг фикрича, миссионерликни дунё миқёсида кенг амалга оширишда аввало, истиқболли режалар сифатида ўқувчи ва талаба ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, миссионерлик ташкилотларининг бир қатор услублари воситасида турли ижтимоий муассасалар никобидаги фаолияти натижасида ишсизлар, талабалар, черковлар қошидаги иш топиш, чет тилини ўрганишга кўмаклашиш муассасаларига келганлар уларнинг таъсир доирасига тушаётганлиги ташвишлидир. Шу тариқа, аксарият ёшлар миссионерлик ташкилотларининг бевосита кўмаги асосида иш топиш, савдо юритиш, хорижга “меҳмон”га чиқиш ёки малака ошириш, черков ҳисобидан таълим олиш, армия чақирувидан қутулишга уриниш каби ҳолатлар мисолида миссионерлик тузоғига илинмоқда.

¹ Шиносий Г. Миссионерлик. Анқара, 2007. Б.100.

² Дворкин А. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. 816 с.

³ Чернышев В.М. Сектоведение. Часть 3. Методы и формы вовлечения в деструктивные культуры. Москва: Общество любителей православной литературы. Изд. святителя Льва, папы Римского 2010. 464 с.

Д.Баррет эса “Бутунжаҳон христиан энциклопедияси”да Ўрта Шарқ ва Осиёning айrim минтақаларида яшовчи 1800 та йирик этник гурӯҳлар орасида христианликни тарғиб этиш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади¹. Д.Баррет мазкур минтақадаги йирик давлатлар геосиёсий манфаатларини инобатга олган ҳолда христианликдаги секталарини ислом ва буддавийлик дини вакиллари ҳудудларида кўпайтириш мақсадида улар ўртасида низолар ва курашларни авж олдириш лозимлигини алоҳида қайд этади². Шу тариқа, турли дин ва конфессиялар орасидаги низоларни вужудга келтиришда миссионерлик ҳаракатлари муҳим рол ўйнайди. Шакллантирилган прозелит ҳудудлар эса ўзга давлат сиёсий манфаатларини амалга оширишнинг ўчоқ майдонига айлантирилади. Бугун Миср, Яман, Ливия, Сурия, бир қатор Африка, Яқин Шарқ давлатлари ҳудудларида юзага келган низоларда миссионерларнинг мавжуд давлат сиёсатидан норозилик кайфиятини уйғотишига қаратилган ҳаракатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти “четдан туриб ақл ўргатиш” шаклида амалга оширилди. Зеро, қонли тўқнашувлар ва жангларда, “Ислом давлати” жангарилари таркибида исломга мутлақо алоқаси бўлмаган, ўзга дин ва секталар вакилларининг иштирок этиши, гўёки адолат курашчилариiga ҳайриҳоҳлик кўрсатилиши мисолида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати ўрни келганда қанчалар разилона иш тутиши мумкинлигини исботлайди. Мазкур ҳаракатларнинг оқибатлари эса бугунги кунда нафақат инсонларнинг эътиқодига, балки турли дин, миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигини издан чиқаришда ҳали ҳам давом этмоқда. Низоларнинг

¹ Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Тошкент. Тошкент Ислом университети нашриёти, 2009. – Б. 81.

² Ўша жойда.

миллий, диний, ирқий, миңтақавий, давлатлааро даражаларда кенгайиши аслида ана шу күзга ташланмайдиган ҳаракатлар натижасидир.

Олиб борилган тадқиқотдан маълум бўладики, мамлакатда амалдаги хукуматга қарши норози кайфиятда бўлган аҳоли қатламини аниқлаш ёки шакллантириш диний миссиянинг асосий сиёсий мақсадларидан бири сифатида белгиланди. Айниқса, давлатнинг заиф томонларини ўрганиш, диний адабиётларни маҳаллий аҳоли вакилларига тушунарли бўлган тилларга таржима қилиш, миссиянинг моддий жиҳатдан етарли маблағлар билан таъминлашга эътибор қаратилади. Ўз навбатида, диний ташкилотлар томонидан кўнгилли ҳомийларни топишга интилаётган миссионерлик самарали фаолият қўрсатишга ҳаракат қилишади. Миссионерликнинг бу борадаги самарадорлигининг муҳим жиҳати сифатида муайян минтақларда фаолият қўрсатаётган монастирлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, белгиланган ҳудудларда ташкил этилган идоралардаги роҳиблар ҳаёт тарзини амалда муайян иш ёки касб эгалари сифатида ташкил этиб, маҳаллий аҳоли анъаналирига хос равища яшашади ва ғояларини ана шу яшаш тарзига сингдирган ҳолда тарғиб қилишга интилишади. Мазкур шахслар фаолиятида идорадан олинган вазифага кўра белгиланган ҳудудларда яшовчи маҳаллий халқ тарихи, урф-одатлари, маданияти, маънавиятини пухта ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Идоралар ўзининг тизимли фаолияти натижасида муайян ҳудуддаги аҳоли билан яқин алоқа ўрнатишга интилишни ўзларининг асосий мақсадлари ҳисоблайдилар. Келажакдаги фаолиятнинг замини мана шундан бошланади.

Миссионерлар ўзларининг ташкилий фаолиятлари орқали ҳукумат идораларининг диққат эътиборини жалб эт-

масликка алоҳида эътибор қаратишади. Ҳозирда бу хусусан, миссиянинг ташкилий тузилмалардан ташқари маҳаллий аҳоли вакилларининг хонадонлари орқали фаолият кўрсатиш ҳолатларида намоён бўлмоқда. Ўз навбатида маҳаллий аҳоли тилини ўрганиш, ҳаёт тарзига мослашишга интилаётган маҳфий вакиллар қисқа вақтда маҳаллий аҳоли вакиллари билан ўзаро яқин алоқалар ўрнатиши асосий мақсади ҳисобланди. Мазкур усуллар орқали миссионерлар ўз фикри – ғоялари ва диний эътиқодларини сингдиришда устамонлик билан фойдаланаётганлиги кузатилмоқда.

Ўтмишдан маълумки, аксарият давлатлар босқинчилик урушлари орқали давлат мустамлакаларини барпо этиш ҳамда мустаҳкамлашда миссионерликдан ғоявий экспансия сифатида фойдаланишган. Маълумки, ўрта асрларда Испания ва Португалия мустамлакачилари америкалик ҳиндуларни ўз динига ўтказишда уларнинг онги ва қалбини ўзгартиришга асосий эътибор қаратишган. Шу тариқа католиклар “Америка миссияси” сиёсатини амалга оширган эдилар. Америка маъжусий ҳиндуларини христиан динига ўтказиш католик миссионерларининг диний вазифаси, уларни хорижий сиёсий босим остида яшашга ўргатиш ўзлари мансуб давлатга кўрсатган хизматлари эди. М.Р.Рудник шу каби ўрта асрлар миссионерлик фаолиятини таҳлил қиласа экан, “Миссионерлар маҳаллий халқларнинг ўз маданиятини ичидан ўзгартириш билан бир қаторда, уни йўқ қилишга ҳаракат қилишди”¹-дея таъкидлаган эди. Американи “ўзлаштириш” жараёнларида Рим католик черкови томонидан ҳиндуларни христиан динига ўтказишда зўрлик ва мажбурий равишда чўқинтириш маросимлари жорий этилган. Мабодо ҳиндулар христианликка ўтишни

¹ Милтон Л. Рудник. История евангельского христианства. – <http://svitlo.by.ru/istoria/ewang/ewang4.html>

рад этса, уларга қарши католик черковининг инквизиция (черков суди, лотинча “тергов”) гулханлари алангаси ва мустамлакачи ҳокимият ҳарбий кучлари қирғин солиб турган. Католик черкови вакиллари христианликни қабул қилган ҳиндуларни доимий равишда ўз назоратларида ушлаб туришган. Мустамлакачилик сиёсати таъсири остида фаолият қўрсатган миссионерлик ҳаракатлари бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқарган эди. Жумладан, ҳиндуларга ёввойи одамлар сифатида қараш, улар турмуш тарзи ва қадриятларини менсимаслик, ерга эгалик ҳуқуқларини назар-писанд қиласлиқ, маданиятдан ортда деб қараш ва ниҳоят христианликни қабул қилганларини ҳам иккинчи даражали, яъни сохта христианлар – прозелитлар сифатида қабул қилиш. Айтиш жоизки, давлатларнинг муайян ҳудудда қозонган сиёсий, иқтисодий ёки ҳарбий мавқеидан келиб чиқиб, динга мажбуран ёки тарғибот, алдов воситасида киритишга доир турли услублар қўлланилган. Бу ҳам миссионерликнинг аслан сиёсий боғланган ҳаракат эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, христиан оламида, хусусан, протестантликда миссионерлик фаолияти “ички” ва “ташқи” миссияларга бўлинади. Бунинг сабаби христианликнинг ҳар учала оқими жуда кўплаб вакилларининг аралаш тарзда ҳаёт кечиришидир. Ўз навбатида, “ички” миссия фаолияти замирига эътибор қаратилса, миссионерлар ўз мамлакати аҳолиси орасида ўзининг динини тарғиб этишади. Протестант ғояларини тарғиб этишда ўз черковларида тарғибот ишларини янада кучлироқ давом эттиришга алоҳида эътибор қаратишади. “Ташқи” миссия стратегиясида миссионерлар хорижий мамлакатларда фаолият қўрсатиши тушунилади. Тажрибали миссионерлар муайян мамлакатдаги аҳолининг тили, дини, маданияти ҳамда

қадриятларини пухта ўрганиш орқали керакли вазиятда ўта сезгир бўлишга интилишади, турли тоифадаги инсонлар орасида ўзларини ўта ҳушёр тутишга алоҳида эътибор қаратишади.

Миссионерликнинг фаолият самарадорлигини оширишга нафақат диний идоралар, балки катта нуфузга эга сиёsat арбоблари ҳам эътибор қаратиб келади. Миссионерлар асосан, давлат ва жамият миқёсидаги энг муҳим фаолият соҳалари: таълим, тиббиёт, хайрия, ижтимоий муносабатларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Давлат мактаблари, жамоат ташкилотлари, касалхоналардаги фаолиятлари айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Бугунги кунда протестантизм йўналиши таркибида фаолият кўрсатаётган янги диний ташкилотлар миссионерлик ҳаракатини бутунжаҳон бирдамлигига эришиш мақсадида келиб чиққанлигини эътироф этишади. “Протестант ташкилотлари интерконфессионализм принципини тез-тез ўртага ташлаш орқали барча оқим ва черковларни бирлаштириш ғоясини илгари сўришади”². Мазкур ғоя 1933 йилда амалга татбиқ этилган бўлиб, ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. Бинобарин, сиёsatдаги трансмиллий давлатни яратиш ғоясининг мавжудлиги албатта давлатлар миқёсида трансконфессионализм ғояси бўлишига замин яратади. Зоро, трансчегаралаш инсонларнинг эркин эътиқод ҳуқуқи ва эркинлигини чегаралайди. Трансдавлат ғояси дунёқарашни бир томонга йўналтирган ҳолда фуқароларни виждан эркинлиги ҳуқуқидан маҳрум этади. Мазкур қарашиб рус тадқиқотчиси Николай Бердяев фикрларида

¹ Колесниченко Ю.В. Политические аспекты миссионерства в российском обществе в переходный период: на примере Приморского края. Диссертация ... канд. политических наук: 23.00.02. - Владивосток, 2008. - 213 с.

² Бердяев Н.А. О самоубийстве: Психологический этюд. - Москва: Изд-во МГУ, 1992. 24 с.

ҳам ўз тасдиғини топади. У “интерконфессионилизм ер юзида тан олиниши мүмкин, лекин интерконфессионистик христианлик бу христианликдан фарқ қиласы. У бу ҳаёт реалликларига жавоб берілмайды”¹ – дея, таъкидлаган әди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мүмкін-ки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларида аввал маңнавий таъсир ва кейин сиёсий қамраб олиш жараён-ларига катта аҳамият берилади. Маңнавий таъсир күрса-тишнинг биринчи режага чиқишини ҳар бир мамлакатда әътиқод масаласида ўзига хос ёзилган ёки ёзилмаган қо-нуналар, қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар борлиги билан белгилаш мүмкин. Маңнавиятни шакллантирувчи ва бошқарувчи ушбу омилларни енгіб ўтмай туриб, муайян инсоний бирликни бирор сиёсий мақсад ёки ғояга хизмат қилдириш мажбурлашни келтириб чиқаради. Мажбурлаш эса куч ишлатиш ва зўрлик воситаларини талаб қиласы, инсон онги ва қалбини эгаллаш, уни белгиланған ғоялар ва сиёсатга бўйсунувчи одамга айлантиришда бу муваффа-қиятли чора бўла олмайди. Чунки мажбурлаш маңнавиятга зид ҳодиса ҳисобланади. Қолаверса глобаллашув жараён-лари миссионерлик ҳаракатлари учун ғоятда кенг имко-ниятларни очиб берди. Ушбу шароитда мазкур ҳаракатлар миллий, диний, динлараро зиддиятларни келтириб чиқа-риш, тинч ва осуда ҳаётга таҳдид солиш, нафақат жамиятда балки мамлакат миқёсида сепаратизмни келтириб чиқа-ришга интилаётганлиги ҳар бир кишидан бу борада жид-дий фикрлашни тақозо этади.

¹ Бердяев Н.А. О самоубийстве: Психологический этюд. 24 с.

1.3. Ҳозирги даврда миссионерлик ва прозелитизм миссияларига қарши курашишнинг сиёсий-концептуал жиҳатлари

XIX асрдан бошлаб христианликни ёйишда миссионерлик ташкилотлари ижтимоий соҳа йўналишлари асосида фаолият кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан, ижтимоий гуманитар миссия замирида хорижий давлатнинг “беғараз” ёрдам кўрсатиши ниқоби остида ўзга мамлакатларга суқилиб кириш ва давлатнинг ички ишларига бевосита аралашиб даражасида фаолият олиб бориш миссияларнинг анъанавий фаолиятига айланиб боряпди. Мазкур ҳаракатларнинг муайян мамлакатларда “очарчилик, қашшоқлик”, “инсон ҳуқуқларини поймол этилиши”, “миллий низоларни бартараф этиш”, “гуманитар ҳалокатни олдини олиш” ниқоби остидаги мақсадли режалар асосида фаолият кўрсатиш стратегиясини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Гуманитар миссия ўз мақсадини тизимли ташкил этиш мақсадида гўёки “тинчлиқпарвар” кучлар ниқоби остида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ҳаракатлар халқаро нодавлат ташкилотлари мақомида эътиборини муайян мамлакат ва ҳудуд миқёсида яшовчи аҳолини моддий турмуш шароитини тиклашга қаратади. Албатта, асл ғоя ва мақсадлар ҳақида миссионерлик ташкилотлари одатда расман маълумот бермайдилар, аксинча, масалан “бизнинг мақсадимиз – камбағалликни умуман йўқ қилиш” деган даъволарни илгари сурадилар. Аслида эса ишлар “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” шиори остида ташкил қилинади. Зеро, ҳозирги давр воқеалар ривожи ва мантиғи шундай хулосаларга олиб келади¹. Ижтимоий тарзда ташкил этилган миссия мақсадлари зоҳирлан қуйидаги кабиларни

¹ Лесков Л.В. Вестник Московского университета. Серия 7.Философия. №3, 2001. Б.42.

ўз ичига олади: “зиддиятли ҳудудларга озиқ-овқат, доридармон каби кундалик әхтиёж маҳсулотлари ҳамда тиббий ёрдам кўрсатувчиларни жўнаташ”, “жабрланган аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш”, “мактаблар ва бошқа ўқув масканларини ташкил этиш”, “коммуникация тизимларини қайта тиклаш ҳамда бартараф этиш”¹.

Гуманитар миссия таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, бизнесни юритиш ва ривожлантиришда гўёки, “беғараз” ёрдам кўрсатиш ниқоби асосида амалга оширилади. Шу тариқа, миссионерлар ижтимоий соҳага оид хизмат кўрсатувчи мутахассислар қиёфасида намоён бўла бошлаган. Христианлик таълимоти асосида тайёрланган миссионерлар илгари кўпроқ доктор, ўқитувчи кўринишида юборилган бўлса, техник тараққиёт глобаллашуви кучайган бугунги замонда касб турлари сайёҳ, спортчи, инвестор, бизнесмен, халқаро ташкилотлар хизматчиси, савдо ходими, ҳатто әлчилик ходими сифатида юборилиш ҳолатларига қадар кенгайиб, “хизмат вазифаси”ни ўташ мақсадида муайян ҳудудларга маҳсус топшириқ ва вазифаларни бажаришга йўналтирилмоқда. Илгари миссионерлар ҳукмрон сиёsat билан бир қаторда ўз дингларига киритиш йўлидан ҳам борган бўлсалар, бугун фаолиятларида динга киритиш эмас, муайян ҳудуд ва минтақада яшовчи аҳолининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мантиқан олганда, энди динга тарғиб қилиш чуқур аҳамиятга эга эмас, сиёсий вазифани бажариш асосий заруриятдир. Зоро, миссионерлик ташкилотларини ёлловчи сиёсий ва иқтисодий “ҳоммийлар”нинг талаблари ҳаммасини ҳал қиласи.

Бу ҳолатларда аслида миссионерни аниқлаш масаласи ҳам мурак-

¹ Конь Р. М. Введение в сектоведение. Нижегородская Духовная семинария, 2008. 496 с.

каб масала бўлиб қолади. “Мазкур режаларини амалга оширишда тарғибот ва ташвиғот ишларини тизимли равишда ташкил этиш мақсадида тадқиқот марказларини шакллантиришга бевосита эътибор қаратишмоқда”¹.

Глобаллашув шароитида, миссионерлар гўёки “ғамхўр”, “беғараз ёрдам” берувчи, “иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратувчи” нодавлат нотижорат ташкилотлар мақомида фаолият кўрсатиши аксарият ҳолатларда уларнинг фаолиятини ниқоблашга замин яратмоқда. Хорижий мамлакатларда миссионерлар томонидан очилган таълим муассасалари тезда маҳаллий таълим тизими билан ўзаро алоқа ўрнатиш орқали, диний ва умумий таълим бериш жараёнини тизимли равишда ташкил этмоқда. Бунда диний ғояларни дунёвий ва хусусан ҳуқуқий фанлар таркибида сингдириш айниқса кенг эътибор касб этаяпdi. Буни ибодат омилиниң сусайиши, дунёвий ҳаёт меъёрларининг кенгайиб бориши диний меъёрларни дунёвийлаштириш, яъни қонунлар шаклига ўтказишнинг кучайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур мактаблар кадрларнинг савияси, ўқув жиҳозлари ва таълим услуби жиҳатидан маҳаллий мактаблардан устунлиги жиҳатидан эътибор қозонган.

Миссионерлик стратегиясида ушбу мактаблар орқали келажакда ўз манфаатларига мос “кадрлар тайёрлашга” асосий эътибор қаратилганлигини англаш лозим. Шу тариқа, миссионерлик тассаруфидаги мактабларда таҳсил олган ўқувчи ҳамда талабаларни келажакда давлат бошқаруви соҳасидаги энг нуфузли мансабларига жойлашувига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, миссионерлар ташкил этган мактабларда татбиқ этилган ўқув дастурлари диний моҳиятни сезилмас даражада

¹ Очилдиев А, Нажмиддинов Ж. Миссионерлик моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. - Б. 106.

чуқур сингдирилган дунёвий қарашлар таркибида ифодалайдики, бу умумий дунёқараши шакллантириш – ўқув жараёнларида умуман шубҳа туғдирмайди ва натижада гүёки илғор дунёқараашга эга бўлган, моҳиятан эса миссионерлик ғоялари таъсирида ҳаёт ва фаолиятини ташкил этадиган кадрлар шакллантирилади. Уларнинг юқори лавозимларни эгаллаши эса миссионерлар учун яна бир ижобий қадамдир.

Миссионерлар кенг эътибор қаратадиган тармоқлар ичида муҳтож оилалар, мактаб интернати, мактабгача тарбия муассасалари, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, ногиронлар, ўрта, ўрта-махсус ҳамда олий таълим муассасалари ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, ижтимоий миссия стратегиясида зоҳиран “безгараз” ёрдам кўрсатиш орқали фуқароларни жамиятда ўз ўрнини топиши, оилавий муаммоларни бартараф этиши, инсонларга тинчлик ва қувонч улашиш масалалари қамраб олинади. Шу тариқа, жамият дунёқарашига фаровон ҳаёт ва турмуш тарзинининг миссия ботиний таълимотидаги сиёсий стратегик ғояларни сингдириш техника кенг ривожланган ҳозирги замондаги хавфсизлик нуқтаи назаридан чуқур эътибор қаратадиган масаладир.

Ҳозирги дунёда ижтимоий институтларни шакллантириш кўп жиҳатлардан эркинлашган. Бинобарин, уларнинг ижтимоий асосда шаклланадиган молиявий тизимлари, захиралари ҳам етарли назорат қилинмайди. Шунга кўра диний секталар ижтимоий институтлар, ўз навбатида ижтимоий институтлар диний секталарга ҳомийлик қилиши, сохта инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш баҳонисида муайян мамлакатларда ўз таъсир доирасини кенгайтириш-

га интилиши ҳолатлари кўп қайд этилади¹. Бу борада миссионерлар шифохона, саноат корхоналар, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўз фаолиятларини тўсиқларсиз кенгайтираётгани сезиларли даражага етди. Хусусан, ижтимоий гуманитар ёрдам кўрсатиш ниқоби остида фаоллик қилаётган секталар ҳақида фикр юритганда Мунитлар ташкилоти алоҳида ўрин тутади².

Мунитлар фаолияти ижтимоий тузилманинг таълим соҳасида сезиларли намоён бўлмоқда. Бу борада, мунитлар фаолиятини ўзида акс эттирган “Менинг оламим ва мен” дарслиги асосида диний ҳаракат ғоялари, тамойилларини тарғиб ва ташвиқига эътибор қаратиш керак³. Мазкур дарслиқда мунитлар дини “бирлашиб дини” сифатида тан олинганлиги алоҳида эътироф этилади. Мазкур фанни ўқитиш учун маҳсус ўқитувчиларни жалб этиш мақсадида дам олиш масканларида “текин” йўлланмаларни жорий этишган. Зоро, мунитлар ўз ғояларини аввало, ўқитувчиларга сингдириш орқали келажак авлод ёшларга бевосита таъсир ўтказишни ўзларининг асосий мақсадлари қаторида кўришади. Шу тариқа, аксарият миссионерлик ташкилотлари ўзларининг ғояларини сингдиришда таълимтарбия тизимиға боғлиқ ҳолда тизимли равишда фаолият кўрсатишмоқда. Натижада, таълим тизими босқичлари ўр-

¹ Ибрагимов Э. Ватан маъсулияти муқаддас бурч. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар ва усуллар. ЎзР.ИИВ ЖИЭТББ. - Тошкент: Нур полиграф, 2007. Б.69

² Конь Р. М. Введение в сектоведение. Нижегородская Духовная семинария 2008. 496 с.

³ Мой мир и я. Путь любви. М. Станеки-Коэвоски, У. Хейнс, Л. Бжиска, под ред. проф. Б. П. Битинасэ. МФО. 1994; Мой мири я. Путь к единению. М. Станеки-Козвоски, У. Хейнс, Д. Фелленц-Усами, под ред. проф. Б.П.Битинаса. МФО. 1994; Мой мир и я. Путь к единению: Пособие для учителя. М. Станеки-Козвоски, У. Хейнс, Д. Фелленц-Усами, под ред. проф. Б. П. Битинэса. МФО. 1993; Мой мир и я. Путь любви. Пособие для родителей. Сост. М. Станеки-Козвоски, под ред. проф. Б. Л. Битинэса. МФО. 1994; Мой мир и я. Путь любви. Руководство для учителя. М. Станеки-Козвоски, У. Хейнс, под ред. проф. Б. П. Битинаса. МФО. 1994.

тасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоя ва қарашларни сингдириш босқичма-босқич амалга ошириш таъминланади ва охир-оқибатда дунёқараш шакллантирилади.

Шунингдек, “айрим” нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан таълим грантлари таъсис этиш қўпайиб бормоқдаки, улар асосида “иқтидорли ёшлар”ни танлаш орқали ўз мақсадларини амалга ошириш янги имкониятлар сифатида ривожланаяпди. Хусусан, ушбу “грант” соҳибларидан мамлакатлари тўғрисидаги кенг маълумот олиш орқали ўша ҳудудларда манфаатларини стратегик режалаштиришга эътибор қаратишмоқда. Буларнинг барчasi миссионерлик ташкилотларининг фақат диний-маънавий таъсири эмас, балки муайян ҳудуднинг муайян авлодини ўзлали мансуб ҳукмрон сиёsat мақсад ва манфаатларига мослаштириб бориш, уни барча ерда тарғиб этувчи ва қўллаб-қувватловчиларини шакллантиришдек туб ғояларини ойдинлаштиради. Сиёsatшунос олим Ф.Равшанов таъкидлагани каби “хорижнинг нуфузли таълим муассасасида таълим олган, яхши муомала кўрган талаба ана шу мамлакатга ҳамиша хайриҳоҳ бўлиб қолиши кўп исботланган”¹.

Миссионерлар хорижий ўлкаларга турли хизмат соҳалари никобидаги мутахассислар қўринишида ташриф буюраётганлигини бугун инкор этиб бўлмайди. Айрим, мамлакатларда ҳукм суроётган ижтимоий муаммолар, зилзила, тошқин, эпидемия, очарчилик кабиларни бартараф этишда кўмаклашиш бўйича ташкил этилган халқаро ташкилотлар таркибида ҳам миссионерлик вазиятга мос равишда фоалият олиб бораётганлигини таъкидлаш ўринли. Шунингдек, миссионерлар ижтимоий тадбирларни тез-тез ўтказишига алоҳида эътибор қаратадилар. Мазкур ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳудуд ижти-

¹ Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. - Тошкент: Маънавият, 2013. -Б.22.

моий онгига ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тассавурларни шакллантиришдир.

Бугунги кунда фаол тарзда миссионерлик билан шуғилланаётган “Пятидесятниклар” ёки “Тўлиқ инжил христианлари”, “Еттинчи кун адвентистлари”, “Иегова гувоҳлари”, “Баптистлар” ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг қайғу-аламлари, муаммоларини бартараф этишда “беғараз” хайрия ёрдамлари кўрсатишга эътибор қаратишади¹. Аслида, бу “беғараз” ёрдам орқали жамият ҳаётида ўзларига хайрхоҳ бўлган фуқароларни кўпайтириш асосий мақсад ҳисобланади. Инсоният равнақи, дунёда тинчлик ўрнатиш, муҳтож бечораларга ёрдам бериш баҳонасида кўрсатилаётган “беғараз” ёрдамлар замирида аксарият ҳолларда ўзларининг ғаразли мақсадлари ётади.

Шунингдек, “саҳий”, “гуманитар” ёрдамлар “айрим” сиёсий марказлар қўмагидаги миссионерлик ташкилотлари у ёки бу мамлакатда диний мувозанатни издан чиқариш орқали “адолатпарварлик” байроғи остида ўзларнинг таъсир доираларини кенгайтиришга интилишини кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, сўралмай туриб гуманитар миссия юбориш аксарият ҳолатларда “беғараз” ёрдам кўрсатиш орқали мустақил давлатларнинг ички сиёсатига очиқдан очиқ аралашувининг яширин ҳолатидир. Бундай мақсадли арашувлар тажовузкор босқинчиликнинг инсонпарварлик кўринишида намоён бўлишини англаатади.

Миссионерлик ташкилотларининг ойдинлашаётган ҳаракатларида “ноанъанавий даволаш” усулларини қўллаш орқали христианликни тарғиб этиш ҳолатлари ҳам кенг

¹ Дворкин А. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. 816 с.

таҳдидли амалиётлардан биридир¹. “Ноанъанавий даволаш” усули билан шуғилланаётган миссионерлик ташкилотлари ўз фаолиятларини ниқоблаш мақсадида гўёки, Исо Масиҳнинг фаолиятини давом эттиришаётганлиги, буни Исо Фаластинда христианликни тарғиб этишда амалга оширганлиги, унинг инсонларни азоб-уқубатлардан ҳалос этиш, ўликларни тирилтириш, bemor (кўзи кўр, тутқаноқ, шол касалликлари билан касалланган)ларни даволаш орқали христианликни тарғиб қилганлиги, охир-оқибатда бу ўзлари хайриҳоҳ диний оқим қадриятларига мослигини таъкидлашади. Бу тажрибалар авваллари асосан христиан мамлакатларида кенг кузатилган, эндиликда эса мусулмон мамлакатларида ҳам кенг ёйилмоқда.

“Халқаро христиан оромгоҳлари” ассоциациясига МДҲ-нинг 7 мамлакатидан 177 та оромгоҳ аъзо бўлган. Қозоғистондаги “Хосил ўриб олиш черкови”нинг “Нива” оромгоҳида сўнги беш йил давомида уч мингдан зиёд бола дам олган. Уларнинг кўпчилиги ота-онаси йўқ ёки кам таъминланган оиласарнинг фарзандлариdir. Дастур шундай усталик билан ишлаб чиқилганки, мавсум охирига бориб оромгоҳда дам олган бола христианликни қабул қилмай иложи йўқ. Шу ва шунга ўхшаш услублар билан ўз сафларини кенгайтириб борадилар. Агар бу рақамлар ой сайин ўсиб борса, минтақамиизда уларнинг хайриҳоҳлари кўпайиб, натижада келажакда мамлакат тинчлиги ва фуқаролар тинчлиги учун хавф туғдириши ва хаёлимизга келмаган катта нохуш муаммоларни келтириб чиқариши мумкин².

¹ Дворкин А. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. 816 с.

² <https://xutba.uz/2017/08/11/%D0%BC%D0%B8%D1%81%D1%81%D0%B8%D0%BE%D0%BD%D0%BB%D1%80%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B4%D0%B0%D0%BD%D0%BE%D0%B3%D0%BE%D2%B3-%D0%B1%D1%9E%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3/>

Бугунги кунда “Еттинчи кун адвентистлари” сектаси дунё миқёсида ижтимоий “бекараз” ёрдам кўрсатувчи фаол иштирок этаётган сектадир¹. Мазкур сектанинг 1956 йилда ташкил этилган ADRA (Adventist Development and Relief Agency – Адвентистларнинг бекараз ёрдам ва тараққиёт агентлиги) номли ташкилоти ўзининг дунё миқёсида 125 та минтақавий бўлимлари орқали ижтимоий хизматлар кўрсатишга бевосита йўналтирилган. Агентликнинг МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий маркази 1992 йил Москвада ўзининг дастлабки фаолиятини бошлаган бўлса, 1998 йил Қозоғистонда ўз ваколатхонасини ташкил этган. Мазкур агентлик томонидан 2006 йил Тожикистонга, 2008 йил Қирғизистон ва Жанубий Осетияда бир қатор хайрия тадбирлари уюштирилган. Агентлик Марказий Осиёда амалга оширилган барча хайрия тадбирларини бевосита АҚШ ҳукумати топшириғига кўра амалга ошириб келганини аниқланган. Мазкур агентликнинг фаолиятидаги “бекараз” ёрдам кўрсатиш замирида сиёсий тарафдорликни ривожлантириш ғояси илгари сурилаётганлиги кузатилиди. “Еттинчи кун адвентистлари” сектаси христианликни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш мақсадида бевосита тиббий соҳа имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишади. Мутахассислар томонидан ташкилот ўзининг жаҳон миқёсида фаолият кўрсатаётган 160 та касалхоналари орқали инсонларга ўзларининг “бепул” хизматини “бекараз” ёрдам асосида кўрсатаётганлиги аниқлаган². Шу тариқа, аксарият миссионерлик ташкилотлари тиббий соҳа имкониятларидан фойдаланиб, айрим мамлакатлар-

¹ Дворкин А. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. 816 с.

² Дворкин Александр. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. - 457 с.

даги жамият ҳаётига “беғараз” кўмагида ошкора кўринишда:

- аввало черковга ҳамда ибодатга қатнайдиган фуқароларнинг ўзаро манфаатларни кўзлаб, bemорлар учун керакли бўлган дори-дармон маҳсулотларни ҳарид қилишда ўзларини моддий ёрдамини кўрсатиш;
- жамият ҳаётида ночор аҳволга тушган гиёҳвандлик гирдобига мубтало бўлган фуқароларни даволаш, маҳаллий аҳоли орасида меҳрга муҳтож бўлган шахслар, ногиронларга ҳар хил совға саломлар ҳадя этиш, уларга озиқовқат маҳсулотларини “хайр-саҳоват” асосида етказиш;
- гиёҳванд, ичкиликка ружу қўйган ёки қамоқхонадан озодликка чиққан шахсларни соғлом турмуш тарзига қайтариш орқали намоён бўлади.

Бундай кўмаклашишдан маҳаллий аҳоли деярли ғараз мақсадларни пайқамайди. Бугунги кунда тиббий соҳа имкониятларидан кенг миқёсида фойдаланаётган секталар қаторига Сайенталогия сектасини киритиш мумкин. Ҳозирда дунё миқёсида Сайенталогия диний ташкилоти тассаруфидаги “Сайенталогия черкови диний ташкилоти”, “Дианетика маркази” психолого-терапевтический центр маркази ҳамда “Нарканон” тиббий амалиёт марказлари каби муассасалари фаолият кўрсатишмоқда¹. Россиялик мутахассисларнинг хуносаларига кўра, сайентологларнинг “Нарканон” тиббий маркази сохта тиббий амалиёт асосида фаолият олиб бораётганлиги аниқланган. Ушбу марказда олиб борилаётган “ноанъанавий даволаш” усули орқали даволаш жараёнида гўёки, гиёҳвандларни ва ичкиликка ружу қўйган bemорларни даволаш мумкинлиги тўғрисидаги даъволарни илгари суришади. Ўтказилаётган даволаш усули орқали bemорларга юқори миқдордаги кимёвий доривор воситаларни

¹ Hubbard L Ron. All About Radiation. L A., 1989.

инсон организмида қўллаш натижасида кўплаб беморлар-нинг ҳаётдан бевақт кўз юмишаётгани таъкидланмоқда¹.

Секта асосчиси Л.Р.Хаббард томонидан 1950 йилда нашр этилган “Дианетика” китоби ушбу услубни амалга оширишга замин яратган. Сайентологлар “Дианетика” сўзини “ақл орқали” даволаш усули эканлигини таъкидлашади. Мазкур даволаш усулига кўра, ҳар қандай шароитда ҳам bemorlarни даволаш орқали соғайишини кафолатланиши илгари сурлади. Натижада, ушбу “даволаш усули” орқали жуда кўплаб fuқарolарни сектa ўз тўзоғига илинтираётганлиги ачинарли ҳолдир. Россия РАЦИРС (Россия антисектант ҳаракатлари) нинг президенти А.Л.Дворкин-нинг фикрига кўра, сайентология сектаси нафақат Россиядаги балки, дунёдаги энг хавфли тоталитар сектa сифатида шавқатсиз, раҳимсиз, моддий мақсадларга йўналтирилган миллатлараро йирик корпорация сифатида фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди².

Сектa жамият ва давлат манфаатларига доимо таҳдид соловчи терроризм, қотиллик, ноқонуний гиёхванд моддалар ва қурол-яроғларни сотиш каби қабиҳ жиноятларни амалга оширувчи ташкилот сифатида намоён бўла бошлиган. Мазкур сектa ўзининг разведка, контразведка, хавфсизлик, ахлоқий суд, жазо хизматларига эга бўлган халқаро махфий ташкилотдир. Сектa мафкураси ва таълимотини ҳимоя қилиши ваколати “Денгиз ташкилоти” деб номланадиган махсус хизмат вакиллари томонидан амалга оширилади³. Мутахассилар фикрига кўра, ушбу сектанинг шатб-

¹ Кэрролл Р.Т. Энциклопедия заблуждений: собрание невероятных фактов, удивительных открытий и опасных поверий. - Москва.: Издательский дом «Вильямс», 2005. - 672 с.

² Дворкин А. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Издание 3-е, переработанное и дополненное. Нижний Новгород: Христианская библиотека, 2012. - 457 с.

³ Религии и секты в современной России: Краткий справочник. Новосибирск, 1997.

квартираси АҚШнинг Флорида штатида жойлашган. Мазкур секта ҳозирги кунга келиб, дунёнинг 107 та мамлакатда ўз фаолиятини олиб боради. Ташкилот ўзининг 2318 та миссияларни амалга оширувчи 13000 та бўлимларига эга. Россия РАЦИРС (Россия антисектант ҳаракатлари)нинг президенти А.Л.Дворкиннинг фикрига кўра, сайентология сектаси нафақат Россияда балки, дунёдаги энг хавфли тоталитар секта сифатида шавқатсиз, раҳимсиз, моддий мақсадларга йўналтирилган миллатлараро йирик корпарация сифатида фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди¹.

Ҳозирги кунга келиб аксарият тоталитар секталар томонидан амалга оширилаётган миссионерлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш тўғрисида жиддий фикрлашни тақозо этилмоқда. Зоро, мазкур ҳаракатлар натижасида муайян мамлакатларда яшовчи фуқароларининг ижтимоий фаоллигининг сустлашуви оқибатида, инсонларнинг онгига дунёқарашида ўзгариш ҳолатлари кузатилмоқда. Миссионерлик оқибатида дунё миқёсида ижтимоий-сиёсий тўқнашувларининг диний тус олиши, “ноанънавий даволаш”ни турли шаклларининг тарқалиши бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқаряпдики, мазкур ҳолат, инсон ҳайти ва соғлигига нисбатан бевосита хавф туғдиради. Натижада, жамият ва давлат миқёсида, айниқса ёшлар орасида руҳий ва маънавий таназзул ҳолатлари вужудга келиши учун замин яратилмоқда. Миссионерликнинг ўзига хос жиҳати, халқаро миқёсда нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомида фаолият кўрсатишdir. Миссионерлик ташкилотлари интернет тармоқлари орқали молиявий маблағларни bemalol у ёки бу мамлакатга ўтказишга ҳара-

¹ Дворкин А. Канд. богословия, докт. Философии. Куда приводит “трансцендентальная медитация”. <http://iriney.vinchi.ru/sects/sientol/news066.htm>

кат қилаётганлиги ташвишилдири. Бу омиллар муайян минтақа ҳамда мамлакат миқёсида коррупцияни кучайтириш, сиёсий, иқтисодий вазиятни мувозанатдан чиқариш, сохта инсонпарварлик ёрдами ниқоби остида ўзларининг таъсир доирасини кенгайтириш мақсадларини ифодалайди. Хусусан, йирик давлатлар томонидан бойликларнинг кучиз мамлакатлардан кучли мамлакатларга ўтиши натижасида содир бўлаётгани, бунга кучли мамлакатлар миллий давлатларни кучизлантириш яъни уларга узоқ муддатли қарз бериш эвазига иқтисодий тузоққа тушириш, миллий ва табиий ресурсларни сотиб олиш ва хусусийлаштириш орқали эришаётганлиги намоён бўлмоқда¹. Бир қатор халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомидаги тоталитар секталар стратегиясидаги фаолият кенг қўламли асосга таянади. Ривожланган давлатларининг стратегиясида муайян минтақа ва ҳудудда геосиёсий жиҳатдан ўз манфаатлари сари интилишининг биринчи қадамларини “иқтисодий ёрдам” кўрсатиш баҳонасида иқтисодий жиҳатдан заиф давлатларни ўз сиёсий таъсир доирасига ўтказишга ҳаракат қилаётган кучли давлатлар мақсадни миссионерлик ҳаракатлари орқали амалга ошириётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳақда фикр юритганда дунё миқёсида халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида фаолиятида кўрсатаётган “Сорос Жамғармаси – очиқ жамияти” фаолиятига эътибор қаратиш лозим. Мазкур жамғарма ўз фаолиятида асосан, таълим, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, ислоҳотларга кўмаклашиш орқали очиқ жамиятни шакллантиришга қаратилган кенг қўламдаги ташаббусларини амалга ошири-

¹ Перкинс Джон. Новая исповедь экономического убийцы/ Джон Перкинс ; [пер. с англ. - М. Чомахидзе-Доронина]. - Москва: Претекст, 2016. - 268 с.

моқда¹. Мутахассислар фикрига кура, “Сорос Жамғармаси очиқ жамияти” раҳбари Ж.Сорос ўзининг фаолиятини “саҳоватпеша”, “ҳомий”, “инсонпарвар”, “ёпиқ жамиятларни”-ни эркинлаштириш йўлида тиббиёт, экология, фан ва таълим соҳаларида “инсонпарвалик” лойҳаларини амалга оширувчи “шахс” сифатида намоён бўлган. Аммо, Ж.Сорос аксарият мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими-даги айрим нозик жиҳатлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчи “молиявий чайқовчи”, “ишбилармон” товламчи инсон эканлигини намоён этган. Зеро, жамиятнинг фаолияти натижасида дунёнинг бир қатор мамлакатлари: Англия, Россия, Малайзия, Беларус, Грузия каби давлатларнинг иқтисодий салоҳиятига жиддий зарар етказилган. Ҳозирда, дунёдаги кўплаб давлатларида мазкур ташкилотнинг фаолияти қонунан таъқиқланган. Шу тариқа, иқтисодий ёрдам бериш баҳонасида етакчи давлатлар томонидан дунё моддий заҳираларини аниқлашга бўлган ҳаракатлар кузатилмоқда. Мазкур омилларнинг тизимли режалар асосида фаолият кўрсатиши аввало, ушбу заҳира-ларни тўлиқ эгаллаш ва назорат қилинишида ўз аксини топади. Мутахассислар иқтисодий миссия фаолиятини ўрганиш жараёнида ушбу фаолиятни амалга оширишда миссионерларнинг ўрни катта эканлигини таъкидлашади².

Ривожланган давлатлар миссионерлик ташкилотлари орқали хорижий давлатлардаги ички “иқтисодий муаммолар”ни бартараф этишда бевосита иштирок этишади. Миссионерлик стратегиясида фуқароларни жамият ва давлат миқёсидаги “иқтисодий муаммолар”ни бартараф этишда

¹ Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти / Қ.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси,Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – 2007. Б.566.

² Чернышев В. Сектоведение кн.1-2. Киев: Издательство имени святителя Льва, 2006-2008. 1192 с.

иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда миссионерлар моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишнинг турли хил усулларидан усталик билан фойдаланишмоқда. Ушбу режларини амалга оширишда “мехрибонлик уйлари”, “қўзи ожизлар жамияти”, “қариялар уйлари”га “беғараз” хайрия ёрдами кўрсатаётганлиги улар амалиётининг ошкора кўринишларидир. Шу тариқа, айrim сиёсий марказлар моддий, молиявий ёрдам кўрсатишга миссионерлик ва диний уюшмаларни йўналтирмоқда. “Соядаги” иқтисодий тузилмаларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали диний ташкилотларнинг тижоратлаштириш ва такомиллаштирилиши амалга оширилади. Миссионерлик хориждан йўналтирилаётган “беғараз” ёрдам туфайли давлат ва жамият миқёсида ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламлари қўламини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Турли тижорат ва иқтисодий ташкилотлар, мактаблар ва университетлар, ижтимоий ёрдам муассасалари миссионерлар учун ҳимояланиш объектлари сифатида хизмат қиласи.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётни турли йўллар билан таназзулга учратиш орқали ҳукуматни кучсизлантириш ва заифлашган ҳокимиятни осонлик билан ағдариш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Айrim қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатини дунёниг айrim минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган кучларнинг келиши билан боғлиқ миссолларда кўриш қийин эмас”¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 116.

Озарбайжонда протестант черковлари тассаруфидаги “Хвали Ибодатхонаси” дунёда миллатлараро ҳаётни ривожлантириш мақсадида Озарбайжонга 2 миллион доллар миқдоридаги иқтисодий “беғараз” ёрдам кўрсатган¹. Мазкур иқтисодий ёрдам туфайли, протестант ташкилотлари Озарбайжонда “Шарқдаги Юлдуз” миссиясини ўзида акс эттирган христиан евангел черковларини ташкил этиш, яъни прозелит полигон яратишни мақсад қилишгани аниқланган.

Миссионерлик ташкилотлари иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали йирик капитал ва ер мулкларини ўз тасарруфларига олишга, шу тариқа, ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишида бевосита иштирок этишга уринадилар. Бу ҳақда, хорижлик тадқиқотчи Дж. Гэлбрейт “Осиё ва Океания давлатлари иқтисодий танглик туфайли шундай давларни бошидан кечирди, улар АҚШ ҳукумати томонидан кўрсатилган “беғараз” ёрдам эвазига АҚШнинг савдо-иктисодий таъсирига тушиб қолди”²- дея таъкидлаган эди. Бундан айрим давлатларнинг иқтисодий ёрдам бериш баҳонасида сиёсий шартларини бажаришга, заиф давлатларни ўз сиёсий таъсир доирасига ўтказишига мажбур қилишлари англашилади.

Хуллас, глобаллашув шаротида миссионерликнинг сиёсий миссияси замирида, айрим мамлакатларда яшовчи фуқароларнинг “демократик сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларининг поймол этилишини олдини олиш”ни сиёсий жиҳатдан қўллаб қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, давлатлар миқёсида ҳамда хорижий мамлакатлардаги “виждон ва эътиқод эркинлиги”га доир бир қатор ҳуқуқларнинг оммавий тарзда бузилиш ҳолатлари мамлакат ҳукумати

¹ «История церкви “Собор хвалы” в Баку». Статья на сайте церкви. – http://www.lob.az/about_us2.html

² Джеймс Гэлбрейт. Интервью. – <http://rusref.narod.ru/gelbreit.htm>.

чиқарған қарорлар, хусусан диний маросимлар, идоралар ва диний ташкилотларга тегишли иншоатлар, мол-мулқдан фойдаланишда қонунларни бўзилиш ҳолатларига сабаб бўлаётганлигига эътибор қаратилади. Натижада, муайян мамлакатда “виждон эркинлиги” бўзилишни олдини олиш баҳонасида амалдаги қонунлар, фармойишлар, қарорларни бажаришдан воз кечиш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқарилади.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки:

Биринчидан, ҳозирги кунда миссионерлик дунё миқёсида диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, гиёхвандлик сингари глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳонда фаолият кўрсатаётган турли ижтимоий-сиёсий кучлар маҳсус хизматларнинг молиявий маблағлари ёрдамида ривожланаётган, айниқса катта иқтисодий ва энергетик имкониятларга эга бўлган мамлакатларда, хусусан Ўзбекистонда, маънавий бошбошдоқликни вужудга келтиришга интилаётган кучлар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб туриди. Жумладан, “Бирлашиш черкови”, “Оқ биродарлик”, “Иегово гувоҳлари”, “АУМ-Синрикё”, “Саентологик черков”, “Ад-вентэс” каби диний секталар ва миссионерлик ҳаракатлари Марказий Осиё давлатлари ичидаги ҳар томонлама катта нуфузга эга Ўзбекистонда ўз ўчоқларини яратишга интилишмоқда. Умуман бугунги кунда МДҲ ҳудудида 45 дан ортиқ ана шундай секталар фаолият кўрсатмоқда.¹

Иккинчидан, Ўзбекистонда диний тарғиботчилик, миссионерлик ва прозелитизм каби салбий ҳисобланган оқибатларига “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” қонун билан тўсиқ қўйилган бўлсада, бироқ бу

¹ <http://pravoslavie.uz/> Prosvetit/ Apologet/ Sekty 0205/htm.

оқимларнинг мамлакатимиз ҳудудига қонунда қайд этилмаган турли йўллар билан кириб келиш хавфи мавжудлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бугунги мураккаб кўринишдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сабаб “динда ҳаддан ошиш”, “миссионерлар” фаолиятининг кучайиб бораётганлиги ҳам бу масалани сиёсий фанлар нуқтаи-назардан ўрганиш қанчалик долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатиб турибди. Миссионерлик ҳаракати ҳақида фикр юритганда аввало бу сўзнинг ўзагини ташкил этган “миссия” ва “миссионер” сўзларининг маъно ва мазмунига тўхвалиб ўтишимиз ўринли бўлади.

Учинчидан, миссионерлар кенг эътибор қаратадиган тармоқлар ичида муҳтож оилалар, мактаб интернати, мактабгача тарбия муассасалари, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, ногиронлар, ўрта, ўрта-махсус ҳамда олий таълим муассасалари ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, ижтимоий миссия стратегиясида зоҳиран “беғараз” ёрдам кўрсатиш орқали фуқароларни жамиятда ўз ўрнини топиши, оилавий муаммоларни бартараф этиши, инсонларга тинчлик ва қувонч улашиш масалалари қамраб олинади. Шу тариқа, жамият дунёқарашига фаровон ҳаёт ва турмуш тарзинининг миссия ботиний таълимотидаги сиёсий стратегик ғояларни сингдириш техника кенг ривожланган ҳозирги замондаги хавфсизлик нуқтаи назаридан чуқур эътибор қаратадиган масаладир.

Тўртинчидан, “айрим” нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан таълим грантлари таъсис этиш кўпайиб бормоқдаки, улар асосида “иқтидорли ёшлар”ни танлаш орқали ўз мақсадларини амалга ошириш янги имкониятлар сифатида ривожланаяпди. Хусусан, ушбу “грант” соҳибларидан мамлакатлари тўғрисидаги кенг маълумот олиш орқали ўша ҳудудларда манфаатларини стратегик режа-

лаштиришга эътибор қаратишмоқда. Буларнинг барчаси миссионерлик ташкилотларининг фақат диний-маънавий таъсири эмас, балки муайян ҳудуднинг муайян авлодини ўзлари мансуб ҳукмрон сиёсат мақсад ва манфаатларига мослаштириб бориш, уни барча ерда тарғиб этувчи ва қўллаб-қувватловчиларини шакллантиришдек туб ғояларини ойдинлаштиради. Сиёсатшунос олим Ф.Равшанов таъкидлагани каби “хорижнинг нуфузли таълим муассасасида таълим олган, яхши муомала кўрган талаба ана шу мамлакатга ҳамиша хайриҳоҳ бўлиб қолиши кўп исботланган”¹.

Бешинчидан, миссионерлар хорижий ўлкаларга турли хизмат соҳалари ниқобидаги мутахассислар қўринишида ташриф буюраётганлигини бугун инкор этиб бўлмайди. Айрим, мамлакатларда ҳукм суроётган ижтимоий муаммолар, зилзила, тошқин, эпидемия, очарчилик кабиларни бартараф этишда кўмаклашиш бўйича ташкил этилган халқаро ташкилотлар таркибида ҳам миссионерлик вазиятга мос равища фаолият олиб бораётганлигини таъкидлаш ўринли. Шунингдек, миссионерлар ижтимоий тадбирларни тез-тез ўтказишга алоҳида эътибор қаратадилар. Мазкур ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳудуд ижтимоий онгида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасавурларни шакллантиришdir. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари аввало, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини издан чиқариши, давлат бошқарувида тартибсизлик ва парокандаликни вужудга келтириши, мамлакатда бир-бирига қарама-қарши гуруҳларни шакллантириш орқали, миллатлараро, динлараро зиддиятларни тўғдириб, давлат миқёсида айирмачиликни келтириб чиқараётганлиги тобора ойдинлашмоқда.

¹ Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. - Тошкент: Маънавият, 2013. – Б.22.

II боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОТИДА МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ СИЁСИЙ МАҚСАДЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Миссионерликнинг сиёсий жиҳатлари Д.Бош, Ю.В.Колесниченко, Л.Ч.Алагова, Н.А.Трофимчук, М.П.Свищев, О.Б.Козлов, И.А.Арзуманов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган¹. Тадқиқотчилар глобаллашув даврида диний синкретизмга диннинг детерриториализацияси ҳамроҳлик қилишини таъкидлайдилар. Бунда муайян динлар ўзининг тарихий шаклланган ҳудудий базисини йўқотиши, бошқалари эса бошқа бирор ҳудудда ўз таъсирини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши назарда тутилади. Мазкур шароитда ҳаракатчан автоном уюшмаларига эга тармоқли дин феномени юзага келиб, улар ўзига хослиги сиёсий, конфессионал, маданий чегаралардан мустақиллиги билан белгиланади.

Миссионерлик фаолияти ва геосиёсат ўртасидаги алоқадорлик ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш лозимки геосиёсат фани комплекс географик омилларнинг тарихий жараёнга таъсири, жорий сиёсатнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги фан сифатида юзага келган. Шунинг учун анъанавий геосиёсатни геомаконни давлат сиёсий мақсадлари ва қизиқишлирига таъсири сифатида кўриб чиқиш муҳим. Чунки, геосиёсатчилар геомаконни мураккаброқ эканини, иқтисодий, сиёсий ва давлатлар ўртасидаги бошқа турдаги муносабатларни ўзгартирувчи муҳит эканлигини кенгроқ тушуна бошладилар.

Геосиёсат ва миссионерлик фаолияти ўртасидаги ҳамкорлик “ўзаро генерация” моделининг юзага келишига

¹ Свищев М.П. Миссионерская деятельность в контексте geopolitiki: диссертация... кандидата философских наук: - Москва, 1999. - 142 с.

олиб келади, яъни сиёсий қизиқишлиар ва миссионерлик мотивациялари доимо ўзаро таъсирланади ва бир-бири-нинг фаоллигини кучайтиради. Бунда кучли томонлар ўза-ро ҳамкорлик қилади, улар оммага стимуллаштирувчи таъ-сир кўрсатади, чунки миллий ва давлат манфаатларини амалга оширади. Бунда давлат ўз мақсадларини амалга ошириши учун маконни назорат қилиши зарурати, шу билан бирга жамиятнинг маънан камол топиши, ёвузиликни бартараф қилиш каби ғоялар генерацияси юзага келади. Ҳар бир жабҳа ўз маконини назорат қилиш каби вазифани амалга оширади. Демак юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, миссионерлик тарихий ҳодиса сифатида, иж-тимоий ўзгаришларнинг сиёсий йўналишига таъсир қилиш қуроли дейиш мумкин.

Миссионерлик фаолиятининг методларидан келиб чи-қиб (инкарнацион ёндашув, иштирок этиш методи, сиёсий ёндашув, ижтимоий евангелизм, апологетик, идеологик, миллий ёндашувлар, контрмиссия ва сохта миссия каби), миссионерлик билан параллел равища муайян давлат-нинг ички ва ташқи сиёсий мақсадларини назарда тутувчи ишлар амалга оширилади. Уларнинг самарадорлиги мис-сия самарадорлиги билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлади. Айни шу маънода, Д.Белл, Д.Бош, С.Головин, Т.Лукман, Л.Ньюбигин, М.Н.Черенков миссиология парадигмаси, фаолияти, йўналишлари, методлари ўзгаргани ҳақида ёзади-лар¹. Шунинг учун миссионерликнинг янги шакллари, ти-ли, кўринишларини сиёсатшунослик фанлари нуқтаи на-зардан танқидий ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисоб-

¹ Пеннер П. Миссиология и герменевтика. Прочтение библейских текстов в кон-тексте миссии Черкассы Коллоквиум 2014. - 312 с.; Чернышев В.М. Миссиоло-гия. СПб. Общество любителей православной литературы. Издательство имени свя-тителя Льва, папы Римского 2010. - 616 с.; Якеменко Б.Г. Практическая миссио-логия. Школа великих книг 2016. - 284 с.; Лачинов Ю. Н. Ноология и миссиология: Универсальный метод познания. Рохос, 2004. - 80 с.

ланади. Мазкур бобда глобал миқёсдаги ижтимоий ва диний муносабатларга миссионерлик ҳаракатининг таъсирини рационал баҳолаш, замонавий ахборот маконида миссионерлик ва прозелитизм ғояларининг ривожланиш технологияларини ўрганиш ҳамда глобаллашув шаротида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг сиёсий мақсадлари ва оқибатларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

2.1. Миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий муносабатларга таъсири

Глобаллашув шароитида миссионерлик аксарият ҳолатларда диний нифоқ солиш орқали динлараро тўқнашувлар, этноконфессионал зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Буни Африка ва Осиё минтақасидаги қатор мамлакатларда миссионерлик ва прозелитизм натижасида туб аҳолининг диний таркибидаги мувозанат бузилишлари, турли дин вакиллари орасида доимий равища келиб чиқаётган можаролар мисолида кўриш мумкин¹. Мазкур ҳолатлар бир диннинг турли оқимлари ёки турли динларга эътиқод қиувчи халқлар ўртасида қонли тўқнашувларни келтириб чиқармоқда. Миссионерликнинг бундай ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ички парокандалик асосида бўлишга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар борлиги тобора ойдинлашаётир. Бинобарин, миссионерликнинг мазкур кўринишлари муайян минтақада яшовчи халқ қалби ва онгида маънавий таназзулни келтириб чиқариш орқали ҳудуднинг парокандаликка юз тутиши хақида хулоса чиқариш имконини беради.

¹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда даавлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мағкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. “Тошкент ислом университети”нашриёт матбаа босмахонаси. Тошкент-2014. Б.113.

Замонавий миссионерликда тарғибот усулларининг яна бир муҳим жиҳати маърифат тарқатиш ниқоби остидаги фаолиятидир. Аксарият миссионерлик ташкилотлари илгари имкони бўлмаган ҳудудларда христианлик таълимоти асосида фаолият кўрсатаётган мактаблар ташкил этишган. Савол туғулади, илгари нега бунинг имкони бўлмаган? Жавоб шундаки илгари бундай ҳудудларда ўз динидан кечган прозелитлар, улар орқали кейинчалик пайдо бўлган ўзга қарашли авлод бўлмаган. Миссионерликнинг узоқ даврлик саъий-ҳаракатлари мана шундай натижаларни олиб келди. Хусусан, бу борада алоҳида ташаббус кўрсатган протестантлар, католик ва проваславларга нисбатан Осиёда ўзининг жуда кўп мактабларига эга эди. Протестантларнинг 1959 йилда Бирмада (асосий дини буддавийлик) ташкил этилган мактабларида 31.612 та, Малайзиядаги (асосий дини ислом) 62 та мактабларида 42.505 та, Таиланд ва Филиппиндаги (асосий дини буддавийлик) 52 та мактабда 17 минг ўқувчилар таҳсил олишган эди¹. Ваҳолангки, ушбу миссионерлик мактабларига фақат христианликни қабул қилган, итоатгуй, миссионерлар манфаати йўлида содиқ хизмат қилувчи инсонларгина қабул қилинар эди. Тарих ва бугунги замондаги фарқ шундаки, у даврларда дин ва ҳомий давлат сиёсати ўша ҳудудларда тараққий этмаган дунёвий фанлар билан қўшиб сингдириларди, ҳозир эса илғор ва ноанъанавий маданият таркибида сингдирилади.

Миссионерлик мактабларида пухта танланган, ғарбча христиан кайфияти ва ҳаёт тарзи бўйича тарбияланадиган, унинг ривожи ва маданий юксалиши учун хизмат қилувчи ёшларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

¹ Лаврецкий И.Р. Колонизаторы уходят – миссионеры остаются. – Москва.: Изд. академнаук, 1963. - 34 с.

Энди эса ушбу миссионерлик муассасалари йирик капитал ва ерларни тасарруфларига олиб, ўз мамлакатлари сиёсатини ўтказишда фаол иштирок этмоқда ва маърифат, маданият тарқатиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини монополаштириш йўли билан христианлик тарғиботини кучайтиришаяпди. Айниқса, улар давлатлараро келишмовчилик ёки низолар пайтида мустамлакачи империялар мафкуравий ҳужум қуролларидан бири сифатида “мақсадли” ҳаракат қилиш орқали маҳфий равишда халқларни ўз мамлакати сиёсатига қарши қўйишда асосий ролни бажаришмоқда. Ваҳолангки, миссионерликдаги бундай тизимли ҳаракатлар истиқболдаги режалар сифатида доимо христианлик ҳамда у билан боғлиқ давлатлар назоратида эканлиги уларнинг топшириқлари асосида маданият, маърифат тарқатишини “адолат тарфдорлари” ниқоблар остида амалга ошираётганлиги намоён бўлмоқда.

Америкалик тадқиқотчи Артур Браун томонидан билдирилган фикр миссионерлик ҳақида жиддий фикрлашни талаб этади. Артур Браун ўзининг 1921 йилда ёзган “Узоқ Шарқдаги ҳукмронлик” китобида: “Биз Узоқ Шарқдаги асосий сиёсий таъсир кучларини кўздан кечирганимизда ўз хусусият ва кўрсаткичлари билан анча аҳамиятлироқ бўлган бир кучга дуч келдик. Барча кучлардан ҳам таъсирилироқ бўлган бу куч христиан миссиясидир. Чунки бошқа кучлар ташқи сиёсий ўзгаришларни юзага келтирса, миссионерлик ички томондан катта ижтимоий, сиёсий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи асосий кучdir,”¹ – дея алоҳида таъкидлайди. Ҳақиқатан, турли хил кўринишда ҳаракат қилган миссионерлик гегемон давлатлар томонидан Осиё, Африка, Лотин Америкаси ҳудудларини забт этишда асосий ўринни эгаллаган. Мустамлакачи империялар томо-

¹ Brown A.J. The mastery of the Far East. p. 469

нидан йўналтирилган миссиялар маҳаллий халқ ижтимоий қарашларини ўзгартириш орқали уларни бошқа давлатлар сиёсатига бўйсундиришда муҳим аҳамият касб этган. Шунга кўра миссионерликда ҳар қандай халқнинг имон-эътиқодига, миллий ва диний ҳиссиётига, тарихий хотирасига, инсоний шаъни ва ориятига таъсир кўрсатиш асосий талаб бўлиб қолган. Таъсир кучли, кучсиз бўлишидан қатъий назар натижалардан зудликда фойдаланиш усули ҳали ҳам самарадор ҳисобланади. Натижада, фуқароларда ўзаро нафрат ва душманлик туйғусини уйғотиш орқали мамлакатдаги энг кичик низо энг катта тўқнашувларга бориб етиши мумкин.

Глобаллашув шароитида миссионерлик ташкилотлари жамиятнинг ижтимоий гуруҳлари орасида ўз таъсирини кенгайтириш, маҳаллий ҳукуматлардан ўз режаларини беркитиш мақсадида жамиятни ижтимоий қатламини ташкил этувчи турли касб эгалари, турли миллатга, элатга мансуб фуқаролар, турли динларга эътиқод қилувчи диндорлар, турли ёшдаги инсонлар орасида ҳаракат қилмоқда. Миссионерлик руҳидаги диний адабиётларни оммалаштириш, ОАВ да эълонлар ва турли хил рекламалар орқали ўзларига янги тарафдорларни кўпайтиришда маданий-маърифий тарғиботлар уюстиришмоқда. Улар томонидан амалга оширилаётган диний тарғибот ва ташвиқотлар нафақат диний ғояларни ёйишга йўналтирилганлигини ҳисобга олганда, маърифий, маданий ва хайрия каби ҳар қандай нодиний фаолият, аслида, миссионерлик фаолияти ҳисобланади дейиш мумкин¹. Чунки, юқорида келтирилган фаолият турлари ўз сиёсий вазифаларини оммалаштириш-

¹ Оразбаева Г.К. Президент ОФ РИКЦ «Сана» К проблеме миссионерской деятельности в РК. uvr.akmol.kz/home/relig_101

га қаратилғанлиги билан миссионерликнинг асл мазмун-моҳиятини намоён этади.

Шу билан бир қаторда, аъзолар сонини кўпайтириш мақсадида спорт тўгаракларини очиш, гуманитар ёрдам кўрсатиши ва туризм орқали ҳам жалб этиш бевосита ҳаракат услублар қаторидан жой олган. Ўз фаолиятларини та-комиллаштириш мақсадида миссионерлар инсонларни бепул ошпазлик, тикувчилик, тиббий хизмат, шахс сифатида камол топиш, илмий тўгаракларга, ёшлар “базми”, дискотекаларга таклиф этишади. Шунингдек, концертлар, маърузалар, кўргазмалар ҳамда хорижий тил, асосан инглиз тили ва амалиёти бўйича билимларни мукаммаллаштириш баҳонаси билан тузоғлар яратилади. Мазкур усуллар орқали миссионерлик иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда орқада қолган ўлкаларда халққа кўрсатаётган хизматлари воситасида ўзларига мос шарт-шароитларни яратмоқдалар. Хусусан, турли тиҷорат ва иқтисодий, таълим ва ижтимоий ёрдам муассасалари миссионерликни ниқоблаш учун асосий омил вазифасини ўтамоқда. Аксарият миссионерлик ташкилотларининг фаолиятида инсонларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга интилиш ҳолатлари кўзга ташланади.

Миссионерлик ҳаракатиларида миллат ва жамиятни эътиқодга кўра парчалаш муҳим омиллардан биридир. Ўз эътиқодини йўқотган инсон ўзлигини йўқотади. Натижада, миллатнинг руҳияти, давлат ўз яхлитлигини қўлдан бой беради. Жамият ва мамлакатнинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқлар пайдо бўлади. Бунги моҳиятини яхши англаган миссионерлар жамиятда эътиқодий тушкунликка тушган ижтимоий жамоаларни четдан туриб бошқарувчиларга тақдим этадилар. Миссионерларнинг бундай найрангларига асосан етарли диний ва

сиёсий билимга эга бўлмаган ахлоқи ғўр ёшлар, соддадил инсонлар, яъни жамиятнинг катта сонли қатлами алданиб қолишади. Шу тариқа, миссионерликнинг кучли тарғиботи оқибатида ўзга дин вакиллари эътиқодидан воз кечиб ўзга динни қабул қилмоқда. Шу тариқа, миссионерлик доимо муайян минтаقا ва мамлакат барқарорлигига раҳна со-лишга интилмоқда. Ўзга дин вакиллари орасида диний, миллий нифоқ солиш, ўзларининг ғаразли мақсадларига етишиш учун мутаассиблик, фанатизм ҳаттоқи давлат тўнтаришлари йўлидан фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда миссионерлик фаолиятида ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказувчи секталар хақида фикр ютиганда “Иегова гувоҳлари” сектасига алоҳида тўхталиш лозим. Секта таълимотида 1936 йилдан буён хочдан христианликнинг рамзи сифатида фойдаланиш тақиқланди. Секта аъзолари Исони хочга эмас, балки оддий устунга михлаб қўйилган (лот. *crux simplex*) деб ҳисоблашади. “Янги дунё талқини”да юононча уфбнсьт (ставрос) сўзи “қийноқ устуни” сифатида таржима қилинган¹. “Иегова гувоҳлари” сектаси хочни эъзозлашни бут-санамларга сиғиниш, дея ҳисоблашади. Улар таълимотида 1961 йилдан эътиборан секта аъзоси бўлган bemорни қон қуиши йўли билан даволаш тақиқланган эди. Секта таълимотига кўра, bemорга қон қуиши, қонни истеъмол қилиш каби гуноҳ эканлиги, қон қуишини тақиқлашдан мақсад оқим аъзоларининг турли касалликка чалинишлари олдини олиш чораси эканлиги таъкидланади. Ташкилотда bemорларни қонсиз даволаш тиббиётнинг янги усули эканлиги тўғрисидаги ёлғон фикрлар илгари сурилади. Бундай фикрлар кейинги вақт-

¹ Евменов Д. История создания и учение Общества Сторожевой Башни (кандидатская диссертация по кафедре сектоведения в Православном Богословском Свято-Тихоновском Институте (Москва).

ларда айрим давлатларнинг тиббий сиёсатидан ҳам жой олиб улгурди.

Грузияда “Иегова гувоҳлари” сектаси томонидан секта “қонунчилигига” амал қилиниши оқибатида 4 ёшли қизнинг қаттиқ куйиш натижасида давлат аҳамиятига молик ҳодиса содир бўлган эди. Мазкур ҳолатга кўра қизалоқни ҳаётини сақлаш мақсадида bemорга қон қуйиш лозим эди. Аммо, унинг ота-онаси “Иегова гувоҳлари” сектаси аъзоси сифатида фарзандига қон қуйишга қатъян қаршилик кўрсатишган. Ушбу воқеа масалага мамлакат собиқ Президенти Михаил Саакашвилиниң шахсан аралашувиға сабаб бўлган¹. М.Саакашвили bemорнинг ота-онаси ва яқинлари қайси диний оқим аъзоси эканлигидан қатъи назар, мавжуд ҳукумат қонунларига тўлиқ риоя этишни қатъян талаб этган. Шу муносабат билан давлат раҳбари ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда врачларга мамлакатда бундай амалиёт юз беришига йўл қўймаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган. М.Саакашвили мазкур ҳолат қайта такрорланса, ота-онанинг фарзанди ва унинг ҳаёти олдидаги жавобгарлиги ҳақидаги масалани суд орқали ажрим қилиш мумкинлигини айтиб ўтган². Шунингдек, “Иегова гувоҳлари” сектаси таълимотида оқим аъзоларига таркибида қон бўлган озиқ овқат маҳсулотлари ёки медикамент (дори-дармон)ларни қабул қилиш, қони чиқарилмасдан бўғиб ўлдирилган ҳайвонларнинг гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш қаътиян рад этилган. “Иегова гувоҳлари” сектаси таълимотига кўра, оқим аъзолари доимий равишда ўзлари билан bemорларга лозим бўлганда қон қуйишни тақиқловчи ёзма шаклдаги маҳсус бланк (ва-

¹ Евменов Д. История создания и учение Общества Сторожевой Башни. Структура секты и методы ее регистрации в разных странах. apologiya.orthodoxy.ru/sites/history.html.

² <http://newsru.co.il/arch/world/09jun2009/saak712.html>

рақа)ка – расмий хатни олиб юриш ихтиёрий-мажбурий эканлигини ўқтиришади. Мазкур ҳолат юзсидан бир қатор мутахассислар ўз фикларини баён этишган. Бу ҳақда РАМИ академиги И.А.Воробёв: “Иегова гувоҳлари”нинг тиббий амалиётга қарши боришлари оқибатида секта аъзоларининг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўп бора кузатилган”¹, дея маълумот беради. Шимолий Осетин давлат тиббиёт академияси анастезиология ва реаниматология кафедраси мудири профессор В.Д.Слепушкин ўз фикрида “фақатгина қон қуиши орқали инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эканлиги”²ни тиббиёт келтирган далилларда ўз тасдиғини топишига алоҳида эътибор қаратади. РАМН мухбири, профессор В.В.Морозовнинг фикрига кўра, “Иегова гувоҳлари” сектаси томонидан қон қуишига қаттиқ қаршилик қилиниши инсон ҳаёти учун жуда хавфли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади³.

Шунингдек, глобаллашув шароитида миссионерлик билан шуғилланаётган аксарият деструктив ва тоталитар диний ташкилотлар фаолиятида товламачилик, фирибгарлик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби қонунга зид бўлган ҳолатлар ҳам кўзатилади. Айниқса, тоталитар секталар ўз аъзоларига руҳий ва жисмоний зиён етказаётганлигини таъкидлаш ўринли. Таъкидлаш лозимки, дунёда глобал миқёсдаги ижтимоий барқарорликни бузишга интилаётган, ёвузлик техника ва усуллари (ёвузлик техникаси) асосида фаолият кўрсатувчи секталардан бири - сайентология

¹ Евменов Д. История создания и учение Общества Сторожевой Башни. Структура секты и методы ее регистрации в разных странах . apologiya.orthodoxy.ru/si/history.html.

² В.Д.Слепушкин. Иегова шохидлари ва қон қуиши // Дин ва хуқуқ. 2004, № 2 .

³ Евменов Д. История создания и учение общества Сторожевой башни (канд.дисс., дек. 1998) // <http://www.cdrm.ru/iegova/issl/evm.htm>.

сектасидир¹. Мазкур секта ахлоқий ва ижтимоий нүқтаи назардан жамият учун жиддий хавф түғдирувчи фавқулодда таъсир этувчи, тажовузкор, маркетинг сифатида намоён бўлаётган диний ташкилотdir.

Секта асосчиси Л.Р.Хаббарднинг асосий “қобилияти” уни товламчи, фирибгар эканлигидадир. Сайентология сектаси энг тизимли (мустаҳкам) диний ташкилот сифатида энг хавфли ва даҳшатли сектадир. Сайентологлар ўзларини гўёки ғайратли, уddабурон инсонлар сифатида намоён этиб, психологик таъсир воситаларини қўллаш орқали уларда барча нарсаларга жавоб борлигини даъво қилишади ҳамда буни қатъият билан кўрсатишга интилишади. Аммо, секта фаолиятига эътибор қаратилса, ёвуз мақсадларни кўзлаётганлигини англаш қийин эмас. Бинобарин, секта ўз адептларига аниқ мақсадларини айтишмайди. Таълимотида улар ушбу ташкилотнинг диний оқим эмаслигини, замонавий таъсирли метод сифатида инсонларга ўзини-ўзи бошқаришни ўргатувчи, атрофдагилар билан мулоқотга кириша оладиган усул эканлигини таъкидлашади.

Сайентологлар мазкур методни “даҳо” Л.Р.Хаббарднинг энг охирги фан ва техникадаги ютуқлари асосида кашф этганлигига алоҳида эътибор қаратишади. Секта қўпчиликнинг назарида бирор бир динга мутлақо алоқадор эмас, унинг аъзолари хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Ташкилот ҳақида фикр юритишдан олдин Л.Р.Хаббарднинг севимли иборасини келтириб ўтиш жоиз: “Пул ишланг, пул ишланг, янада кўпроқ пул ишланг бирорлар сизга пул топиши учун уларни ишлашга мажбур этинг”². Мазкур ибора сайентология сектаси фаолиятининг

¹ Более подробно о сайентологии можно узнать из книги “Капкан безграничной свободы. Сборник статей о сайентологии” (М., 1997).

² Hubbard L Ron. Policy Letter, Nov. 1.1965. Цит. по: Капкан безграничной свободы: Сборник статей о сайентологии. С. 52.

эпиграфика айланганлигини таъкидлаш лозим. Сайентологлар фикрига қўра, тушкун ҳолатдаги инсон секта учун доимо заарарлидир. Шунинг учун бундай инсонларни даволаш лозим. Сайентология таълимотида “Адолатли ёки ҳаққоний ўйин” шиори мавжуд бўлиб, улар буни секта душманларига нисбатан қўллашади. Бинобарин, ҳар қандай сайентолог черков жазосидан қўрқмасдан ҳар қандай тушкун ҳолатдаги инсонни ўз мол-мулкидан маҳрум этиши мумкин. Зеро, айнан шундай инсонларни қопқонга тушириш, судга бериш, алдаш, жисмонан йўқ қилиш мумкин¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сайентология ўз душманларини шафқатсиз равишда кузатувчи, унга нисбатан танқидий фикрловчи инсонларни таъқиб қилувчи ташкилотдир. Л.Р.Хаббарднинг фикрича, “бундай одамлардан халос бўлиш керак, иложи бўлса уларни буткул йўқ қилиш лозим”. Яна ўз фикрида Л.Р.Хаббард бутун дунёни сайентологияга ягона муносабатда бўлиш ҳуқуқи сифатида у фақатгина сектадан завқланиш мумкин эканлигига эътибор қаратади². Секта таълимотида, Л.Р.Хаббардга дунёдаги барча инсон тобе эканлиги, дунёнинг ягона хужайини у эканлиги таъкидланади. Ўтган асрнинг 40 йилларнинг охирида доимий омадсизлик ва чорасизликдан қийналган Л.Р.Хаббард бир фикрга келади: “агар бойишни хоҳласанг ўз динингга асос солишинг керак”³. 1950 йилда Л.Р.Хаббард томонидан “Дианетика” номли китобнинг нашр этилиши

¹ Цит. по: Капкан безграничной свободы. - Москва., 1997 С. 41.

² Hubbard L Ron. The Volunteer Minister's Handbook. Цит. по немецкому изданию “Das Handbuch furden Ehrenamtlichen Geistlichen” (Denmark, 1980. R 355-356).

³ На самом деле Диана не была богиней смерти, как считал Хаббард: она отождествлялась с Немесидой и карфагенской богиней неба, которую римляне называли Целестой; а Астарта и вовсе была богиней любви и плодородия; впрочем Хаббард в данном случае лишь следует за многими оккультистами, утверждавшими, что обе богини втайне являли со бой образ смерти.

дунёда сайентологлар ҳаракатининг бошланишига замин яратди.

Сайентология “руҳлар ҳақида сўз”, деган маънони Англатади. Ўз навбатида, Л.Р.Хаббард сайентологияни диний ақида сифатида эълон қилиб, икки ҳафтага мўлжалланган дастур асосида пасторлар тайёрлайдиган қўлланма ёzádi. Секта таълимотига кўра, пастор ўзининг бўйнига оқ бўйин-боғ (сайентологик хоч) таъқиб олади. Айниқса, сектадаги ушбу рамз таро картасидан олинган бўлиб, 20 асрнинг энг машҳур сатани Алисти Кроли томонидан ўйлаб топилган. Л.Р.Хаббард ўз нутқида сайентологияни донишмандлик ва руҳ бошқарувидаги амалиётни ўргатувчи диний фалсафа сифатида тавсифлайди. Унинг “Дианетка”си эса сайентологияда техник механизм сифатида сектага аъзоларни жалб этишда қўлланган. Аммо, ташкилот аъзолари ўзларининг фаолиятини ниқоблаш мақсадида баъзан сиёсий мақсадлар учун “Дианетика” ва сайентологлар ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлигини таъкидлашади. Секта таълимотида “Дианетика” сўзи “акл орқали” даволаш усули сифатида тилга олиниб, унга кўра ҳар қандай шароитда ҳам bemорларни даволаш кафолатланади¹.

Сан Мен Мун “Бирлашган ҳаракат” сектаси эса ижтимоий хавф тўғдирувчи сектага айланиб бормоқда. Ҳозирда у дунёдаги энг фаол секталардан бири сифатида намоён бўлмоқда. “Бирлашган ҳаракат” сектаси дунё миқёсида хусусан, Россияда кенг фаолият кўрсатмоқда. Сектада ташкилотга аъзо бўлган ёшлар, “бечора студентлар” учун моддий маблағлар йиғишига алоҳида эътибор қаратишади. Бирлашган ҳаракат” сектаси стратегияси дунё миқёсида таълим тизимиға катта эътибор қаратади. “Бирлашган ҳаракат” сектасининг таълимотини ўзида мужассам этувчи асосий

¹ Капкан безграничной свободы. - Москва, 1997 С. 17.

китоби – “Илоҳий тамойил” ёки “Мун китоби”ни ёзишда Ким Ён Он жонбозлик кўрсатган¹. Ким Ён Он Мунизмнинг ғарбдаги ҳаракатини бошлаб берган биринчи матнларни деярли барча Ғарб тилларида ёзган ва бу билан Мун таълимотини христианликнинг ҳамма оқимларига сингдирмоқчи бўлади. Шунингдек, Ким Ён Он 90 йиллар ўрталарида исломнинг мунитлашган нусхасини яратишга интилди, аммо улгурмади. Ким Ён Оннинг вафотидан сўнг ҳеч қандай матн ёзилмаган, “Илоҳий тамойил”нинг инглизча нусхаси Корейсча нусхасидан анча фарқланади. “Илоҳий тамойил”ни “Библия” ёки “Куръон” каби муқаддас китоблар билан таққослаб бўлмайди, албатта. У қисқача саволжавоб тарзида ёзилган ақидалар йиғиндисидан иборат. Китобга бир қатор протестант ақидалари ҳам кирган бўлиб, асосан даосизм, корейс халқ шомонлиги ва спиритизм хақида ёзилган.

“Илоҳий тамойил” ҳозирда мазкур ҳаракатнинг бош китоби, манбалар сифатида Мун янгиликлари ва унинг нутқлари ҳамда йўриқномалари ҳам ишлатилади. Секта фаолиятини тарғибот ва ташвиқот қилувчи манбалар доимо “Ота дейдик” ёки “устоз айтади” сарлавҳаси остида чоп этилади. Секта таълимотига кўра, “Илоҳий тамойил” Мунитлар учун сўнгги илоҳий янгиликдир². Мазкур ҳаракат қатнашчиларидан библия ҳақида сўрашса, уни билишларини айтишади, лекин нимани билишларини аниқ айта олишмайди.

¹ Хак-Дгка Хан Мун. Воспоминания Истинной Матери // Семья. № 3. Зима 1997. С. 15-16,18.

² Эти заверения повторяют некоторые религиоведы, либо ангажированные мунитами, либо по той или иной причине не сумевшие вдумчиво и критически ознакомиться с первоисточниками (см., напр.: Кузнецова Г.Н. “Церковь Муна-: цели и методы: Сборник статей. - Москва, 1997. С. 3).

Секта аъзолари “Илоҳий тамойил”ни Библияга йўл очувчи калит эканлигини таъкидлашади¹. Шунингдек, 1995 йилда Мун раҳбарлигига оммавий тарзда Мунитлар тўйи ташкил этилиб, маросимлар стадионларда ўтказилди. Ёш йигит ва қизлар Мун “оиласига” қабул қилиниб, турли мамлакатларга жўнатилди. Мазкур секта ақидалари (масалан, болаликка олиш орқали қонни тозалаш удуми) көрейс шомонлик удумларига бориб тақалади². Секта асосчиси Муннинг ақидасига кўра, инсониятда иблис қони мавжудлиги боис “хақиқий ота”нинг қонини қабул қилиш шартдир. Ушбу удумга кўра, 21 нарса қўшилган коктейл ичиш орқали янги аъзолар ўз қонини таркибини тозалashi лозим. Секта таълимотига кўра, “Янги жуфтлик”да туғилган болалар Муннинг фарзандлари ҳисобланади.

Мунитларда фарзандларни алмаштириш (бир оиладан 2 оилага ўтказиш) мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатга кўра, Японияда фарзандликка олиш учун 2000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тўланади. Секта таълимотига кўра, фотиҳа олмагунча аъзолар Мун черкови аъзоси ҳисобланишмайди. Россияда Мун черковига аъзо бўлиш учун 3 нафар одамни ташкилотга жалб этиш лозим. Мунизм сайентология билан ўзаро алоқадаги жуда хавфли сектадир. Ҳозирда дунё миқёсида мазкур секта тассаруфидаги кўплаб ташкилотлари мавжуд. Мунизм машҳур инсонлар билан алоқаларини оммага кўз-кўз қилишади. Аммо, Мунизмнинг

¹ Эти заверения повторяют некоторые религиоведы, либо ангажированные мунистами, либо по той или иной причине не сумевшие вдумчиво и критически ознакомиться с первоисточниками (см., напр.: Кузнецова Г. Н. “Церковь Муна-: цели и методы: Сборник статей. - Москва, 1997. С. 3).

² Впрочем, Мун продолжал заводить “романы на стороне. Об этом он, в частности, рассказывал своей бывшей невестке, жене своего сына и наследника Хъё Джин Муна Нансук Хонг. Кроме того, он сообщил ей, что его сын, а ее муж Хъё Джин также встречается с другими женщинами. По словам Муна. в обоих случаях эти отношения имеют “провиденциальную” роль. См.: HongNansook. In the Shadow of the Moons. Boston. 1998.

асл моҳиятини англаган инсонлар мазкур ташкилотни тарк этишган. Бунга мисол тариқасида Ҳинд метрополити Мар Павел Григорий (бутун дунё черкови қўмитаси раиси), Грециялик профессор Аристотел Агуридесларни айтиб ўтиш ўринли.

Мунизмга қўшилиб қолмаслик учун унинг аслида нима эканлигини англаш лозим. Бинобарин, мунизм манфаатини қўллаб-қўвватловчи ташкилотларнинг номини ҳам билиш лозим: CARP (Принципни ўрганувчи олийгоҳ ташкилоти), “Таълим халқаро фонди”, “Халқаро диний фонд”, “Тинчлик учун курашувчи аёллар ассоциацияси”, “Тинчлик учун курашувчи профессорлар конференцияси” ва Мунитларнинг “Дунёда тинчлик учун курашувчи оиласлар халқаро ассоциацияси” шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Мунитлар ўзининг фаолиятини кенг миқёсда амалга ошироқда. Мазкур ташкилот тассаруфида қўплаб савдо компаниялари, тиббиёт бирлашмалари, иқтисодий тармоқлар, машинасозлик, балиқчилик, қуролсозлик ҳамда таълим муассасалари фаолият олиб боришишмоқда. Аксарият мамлакатларда ташкилотнинг кўчмас мулклари мавжуд бўлиб, мазкур ташкилотга оид барча маълумотлар матбуотда чоп этилади. “Вашингтон Таймс” журнали ҳам мазкур ташкилот қаромоғидадир. Мун ўз адептларини инсон, унга қурбонлик ва эзгу ишлар қилиш орқали ўзини қутқариши постулатларида кенг тарғиб қиласди. Унинг христианликка умуман алоқасиз эканлигини, проваслов черкови вакиллари билан ҳамон қарама-қаршиликлар давом этаётганлида кўриш мукин. Мунизм ва сайенталогия ўзаро яқин алоқадорликда фаолият олиб бораётган энг хавфли секталар қаторида эътироф этилади. Мазкур секталар бугунги кунда христианлик ақидаларини бузиш йўлида анча натижаларга эришганлар ва бу ақидага бошқа,

жумладан ислом вакилларини ҳам жалб этишни режалаштирганлар. Хорижлик тадқиқотчи Т. Гандоу ўзининг “Буюк Муна империси китобида”, “Бирлик черкови” нинг Жанубий Корея разведкаси билан алоқаси мавжудлигини таъкидлаб ўтган¹.

Христианликдаги протестант йўналишида фаолият кўрсатаётган “Тўлиқ инжил христианлари” ёки “Пятидесятниклар” сектаси фаолияти кенг ёйилган, йирик секталардан ҳисобланади. Мазкур ташкилот дунё миқёсида жадал суръатларда ривожланиб бораётган диний йўналиш сифатида миссионерлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда². Секта таълимотига асосан “Муқаддас Рух инъомлари” асосий ғоя ҳисобланиб, аъзоликка қабул қилиш муқаддас Рух билан чўқинтириш орқали амалга оширилади. Ташкилотда глоссалия – “худо билан нотаниш тилда сўзлашиш” ғояси муҳим ўрин тутади. Секта аъзолари ўртасида диний қарашларда айрим фарқлар мавжуд. Хусусан, айрим пятидесятниклар 3 та раҳматга – динга киритиш, нурлантириш, Муқаддас Рух билан чуқинтиришни тан олса, баъзилари фақат 2та раҳмат – динга киритиш ва Муқаддас Рух билан чуқунтиришни тан олиши боис баъзан “икки раҳмат черковлари”, деб аталади³.

Таълимотда “Библия” нинг муқаддас эканлиги, муқаддас руҳнинг фақатгина черковда намоён бўлиши, Исонинг иккинчи маротаба қайтиб, минг йиллик ҳукмронлигини ўрнатиши тўғрисидаги ғоялар кенг тарғиб этилади. “Пятидесятниклар” “Иегова гувоҳлари” ва “Баҳойлик” каби

¹ Рассказ о жизни Муна о деятельности его “империи” и о смысле мунитских обрядов приводится в основном по книге: Гандоу Г. Империя –преподобного Муна. М., 1995. <http://www.rarlab.com/>

² Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда даавлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа босмахонаси. - Тошкент: 2014. Б.81.

³ Роджерс К., Хикмен К. Религии мира. – Москва: РОСМЕН, 2003. – Б. 65.

худонинг “ўлдирма” деган бўйруғига амал қилиб, уруш ҳаракатларида қатнашиш ҳамда ҳарбий хизмат бурчини адо этишдан бош тортишади. Ҳарбий мажбуриятдан бош тортиш кўпгина мамлакатлар, жумладан Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига мутлоқа зиддир. Ташкилот аъзолари индивидуал инсонларни улар “ҳаётида руй берётган муаммаоларни бартараф этиш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишинга кўмаклашиш” орқали ўзларининг тузоғига илинтиришади ва шундай одамлар – прозелитлар воситасида жамоаларни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Давлат назорат идоралари мабодо бирор чора қўрганда ҳам миссионерлар четда қолишади ва фаолиятни давом эттириш имконияти сақлаб қолинади. Пятидесятниклар протестантликдаги бошқа оқимлардан фарқли равища, “Евангел” ҳаракати ҳақиқий христианлик концепциясинг асоси эканлигини таъкидлашади. Мутахассислар секта ўзининг жадал миссионерлик фаолиятини ўтган асрнинг 50-60 йилларидан амалга оширганлигини қайд этишган¹. Ҳозирда мазкур оқим концепциялари асосида АҚШ, Европа, Лотин Америкаси, Африка, Осиё мамлакатларида халқаро, ижтимоий, иқтисодий ва хизмат кўрсатиш тармоқлари вужудга келтирилмоқда². Секта тарафдорларининг умумий сонини 120 миллион кишини ташкил этиши аниқланган.

Мазкур ташкилотлар дунёдаги ижтимоий жараёнларда рўй берётган интеграциялашувга тўсқинлик қилиши мумкин. Зоро, улар фаолиятлари давомида глобаллашув шароитида жамият ҳаёти учун умумий бўлган жиҳатларни

¹ Лункин Р. Вераучение и социальная деятельности пятидесятников в России: Дис. ... канд.филос. наук. 09.00.13: М., 2005 200 с РГБ ОД, 61: 05-9/359. www.Ua-ru/net-liss/cont/90998/

² Лункин Р. Вераучение и социальная деятельности пятидесятников в России: Дис. ... канд.филос. наук. 09.00.13: М., 2005 200 с РГБ ОД, 61: 05-9/359. www.Ua-ru/net-liss/cont/90998/

излаш орқали қўпгина соҳаларда, яъни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий хавфсизлик тизимиға нисбатан катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, миссионерлар таъсирига тушган инсонлар ҳаётидаги туб ўзгаришлар воқеликни қабул қилишда, ахлоққа оид ижтимоий меъёрларни англашда хотага йўл қўйишларига замин яратаБтганлигини инкор этиб бўлмайди. Натижада, миссионерлар таъсирига тушган инсонлар ўзларининг яқинлари ота-оналари ҳамда бутун жамият сиёсий-хуқуқий тизими билан низоларга бориб етаётгани бугун ажабланарли ҳодиса эмас.

Шу тариқа, инсон руҳиятига таъсир ўтказиш усулларининг қўлланилиши муносабати билан психоижтимоий муаммолар кўлами цивилизацион даражада кенгайиб бораяпди¹. Бугун миссионерлик ташкилотлари фаолияти билан алоқадор жиноятларининг доирасининг кенгайиши, жумладан, зўравонликлар, террорчилик, болалар, хотинқизлар, ишсизлар эксплуатациясининг замонавий кўринишлари кузатилмоқда. Шунингдек, трансмиллий иқтисодий жиноятлар, оммавий ўз жонига қасд қилиш каби воқеалар рўй бераётир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчидан, миссионерликнинг асосий мақсади жамиятда ўзларига хайриҳоҳ бўлган гуруҳлар ва тарафдорлар сонини шакллантириш орқали мамлакат ўстидан ўз назоратини ўрнатишдир. Шу каби, бир динга эътиқод қилувчи диндорлар орасига низова нифоқ солиш орқали фуқароларни ўзга динга ўтказишга бўлган интилишлар миссионерлик натижасида содир этилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, мусулмонларни христианликка, христианларни эса кришначиликка, проповеславларни протестантликка “даъват этиш” бевосита

¹ Вербальная нота - 2604 Посольства ФРГ Министерству иностранных дел Российской Федерации от 22 ноября 1995 года. – 4 с.

миссионерлик натижасида амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолат биринчидан, жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигининг издан чиқаришига оид ҳаракатлар мисолида кузатилади. Иккинчидан, глобаллашув шароитида кенг миқёсда фаолият қўрсатаётган миссионерлик халқимиз ва миллатимиз маънавиятига, диний эътиқодига нисбатан салбий таъсир этувчи омилдир. Миссионерлик оқибатида эътиқодига дарз кетган “айрим” шахслар орқали ўзларининг тарафдорларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, шу тариқа, мамлакатда вужудга келган ижтимоий муаммоларни халқаро миқёсда ҳал этишга интилиш, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган давлатларни пароканда қилиш орқали ўз таъсир доирасига олиш сиёсий гурӯхларнинг манфаатли йўлларидан ҳисобланади.

2.2. Ҳозирги даврда миссионерлик ва прозелитизм ғояларининг таҳдиидига қарши курашда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларининг роли

XXI асрга келиб ахборот қудратли қуролга айланди. Мазкур қурол ёрдамида ҳарбий кучлар орқали амалга ошириб бўлмайдиган мақсадларга бевосита эришиш мумкин. Ахборотдан вайронкор қурол сифатида фойдаланиш мақсадида айрим етакчи давлатлар ўзга мамлакат аҳолиси онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўtkазишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу ҳақда Ислом Каримов: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”¹-дея таъкидлаган фикри айниқса, дикқатга сазовардир. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатларнинг жадаллашуви мафкуравий таъсирни турли хил сиёсий кучлар ман-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 113.

фаатлар ва мақсадларининг ўткир қуороли ва ижрочисига айлантиromoқда. И.Каримов айтгани каби, “агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийиндир”¹.

Замонавий ахборот маконидаги ҳаракатлар шу қадар тезлашмоқдаки, уларга лоқайдлик билан қараш асло мумкин эмас. И.Каримов қайд этганидек: “сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мульфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”². Бинобарин, кейинги вақтларда юртимизга кириб келишга интилаётган сиёсий мақсадларни ўзида намоён этувчи ахборот хуружини англаш муҳим аҳамият касб этади. Миссионерлик нинг информацион кўриниши оғзаки, босма, электрон ва бошқа усууллар орқали амалга оширилишини тъкидлаш ўринли. Бу бугунги кунда миссионерларнинг ўз диний қарашларини реклама қилиш, оммалаштириш ва тарқатишга қаратилган фаолияти мисолида намоён бўлмоқда.

Йирик иқтисодий салоҳиятли давлатлардаги диний асосда ташкил этилган халқаро марказлар миссионерлик ҳаракатларини амалга ошириш орқали ривожланаётган мамлакатларнинг ўз борлиғича халқаро муносабатларга кириши жараёнини издан чиқаришга интилиб келади. Инглиз сиёсий арбоби У.Черчилл “Ким ахборотга эга бўлса, дунёга эгалик қиласди”³ – дея тъкидлаган эди. Ҳозирги кунда баъзи давлатлар ахборот хуружларини уюштириш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Б. 113.

² Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 88.

³ Афоризмы У. Черчилля [Электронный ресурс] // сайт «Aforizmo.ru». 30 сент. 2012. URL: <http://www.aforismo.ru/authors/>

устида иш олиб бормоқда. Бунинг учун улар жуда катта маблағ сарфламоқдалар. Сиёсий нуқтаи-назардан қараганда, ахборот воситалариға әгалик уларга, бир томондан, керак-сиз, мақсадлариға мос келмаган нуқтаи назар, мавзу ва бутун бошли халқ, давлатларни мулоқотдан чиқариш имконини берса, иккинчи томондан, дунё ҳамжамиятининг онгу тафак-курини эгаллаш, ўз истеъмолчилик жамияти қадриятларини умумисоний қадриятлар сифатида тақдим этиб, ягона дунё, ягона ҳокимият ҳамда ягона бошқарув маркази тўғрисидаги ғояларни сингдириш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Уларнинг замонавий стратегиялариға кўра “ўзга ҳудудларни забт этиш учун, уларнинг аҳолисини қириш шарт эмас. Зоро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари маъқул йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга әгалик қилиш мумкин”¹. Масалан, миссионерлик билан шуғулланувчи турли секталар инсон қалби ва онгини эгаллашда интернет тармоғидан самарали фойдаланишайпди. Зоро, дунёнинг айрим минтақаларида фаолият кўрсатаётган, қудратли сиёсий марказлар таъсиридаги замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари муайян минтақа ва мамлакатларни онгли равишда “нишонга олиб”, мавжуд сиёсий режим билан фуқаролар ўртасига нифоқ солишга интилмоқда. Мазкур интилиш натижалариға кўра, нишонга олинган ҳудуднинг қонуний ҳукуматни заифлаштирилади ва ё унинг ресурсларидан фойдаланишга ўтилади, ёки жаҳон бозори, халқаро муносабатлардаги таъсирили мавқеига барҳам берилади. Бу стратегиянинг дастлабки қадамларида мавжуд бошқарув тузумига нисбатан норозилик кайфиятларини амалга ошириш учун маҳаллий аҳоли вакилларини онгини чал-

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 65 б.

ғитиш, уларнинг дунёқараши ва психологиясини ўзгартриш мақсадида зид ёки ноаниқ ахборотлар ҳақиқат сифатида тақдим этилади.

Бугунги кунда глобаллашувнинг шиддатли тус олиши дунё миқёсида ғоявий-мафқуравий таҳдидларнинг тобора авжига чиқишига замин яратмоқда. Мана шундай бир шароитда тинчлик, барқарорликни сақлашда маънавият ва маърифатга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “*Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждан иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватани, албатта, яхши қўради. Виждон, маънавият дегани – халқقا, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қарашибутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини қўрсатади*”¹. Бинобарин, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан мана шундай масалаларга алоҳида эътибор қаратилар экан, бугунги кунда дунё миқёсида вужудга келаётган янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда жамиятимиизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатга эътибор қаратиш долзарб аҳамият касб этаётганилиги тобора ойдинлашмоқда. Зеро, миллатимиз ва халқимиз менталитетини ўзида намоён этувчи буюк маънавиятимиизни асраш халқимиз тақдири ва келажаги, ҳаёт-мамоматимииз вазифаси эканлигини англаш ўта муҳим вазифадир. Зеро, глобаллашув даврида дунёда вужудга келаётган таҳликали вазият тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутки. <http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019>

таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё миқёсида кескин ғоявий курашларнинг авж олиши, турли мафкуралар тўқнашуви, демократия ёки турли диний таълимотлар шиорлари билан “чиройли” ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш тобора кучайтганини кўришимиз мумкин. Дунё хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий рахна солишга интилаётган экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, гиёхандлик, таҳдидларнинг мавжудлиги жиддий фикрлашни талаб этмоқда. Бу борада, дунё миқёсида вужудга келаётган таҳликали вазиятлар кучайиб бораётган хавф – хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама – қаршиликлар, терроризм, радикализмнинг тобора авж олиши тинчлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётганлиги тобора ойдинлашмоқда.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда дунё миқёсида фаолият кўрсатаётган деярли ҳар бир миссионерлик ташкилоти ўзининг интернет веб-саҳифаларига эга. Интернет диний сегментининг таҳлил натижаларига кура, диний веб-порталларда қуйидаги блоклар мавжуд: янгиликлар, диний таълимот асослари ҳақидаги маълумот, МРЗ форматидаги ваъзлар, Инжил, гувоҳликлар, фотокўргазма, мақолалар, китоб матнлари, конференциялар, эълонлар, табрикномалар, байрамлар, христиан дўконлари. Шунингдек, миссионерлик фаолияти билан шуғилланаётган аксарият оқимларнинг диний сайtlари ўз тарафдорларига меҳмонлар китоби, блоглар, форумлар учун мулоқот қилиш шароитларини яратган. Буларнинг барчаси бу соҳадаги фаолиятнинг бир томони бўлиб, миссионерлик мансуб сиёsat ва диннинг маддоҳлигига қаратилган. Иккинчи томондан миссионерлар ташабbusи билан интернет тармоғидаги жуда кўплаб сайтларда муайян ҳудуд маданий ҳаётини

фаҳш, қотиллик, қолоқлик, ёвузлик ўчоқлари сифатида бузиб кўрсатувчи порталлар шакллан-тирилганки, улар мазкур мамлакат сиёсатини ҳам ички ҳаётда, ҳам ташқи ҳаётда обрусиزلантиришнинг муҳим омиллари ролини бажаради.

Шунингдек, миссионерлик сайтларида тармоқ ичра онлайн, мураббийлик ва ўқитиш (электрон почта ёки онлайн тартибда Инжил бўйича машғулотлар), маслаҳатлар, дарслар, дуоларни топиш мумкин. Шу тариқа, диний сайтларда видео кетма-кетликлар, аудио ваъзлар, радио, телекўрсатувлар ўрин олганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, “Христиан портали”, “Интернет черков” кенг миқёсда фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлаш ўринли. Мазкур порталларда “Инжил нима дейди” туркумидаги мавзуларнинг нархи анча баланд эканлигини таъкидлаш лозим. Ушбу порталлар таркибида яна “Эски Васиятномада мафия ва рэкет”, “Виртуал жинсий алоқа”, “Дўзахдаги вазият”, “Черков ва юз доллар”, “Худо билан уяли алоқа”, “Ўлим ва дазмоллар”, “Жаннатга кириш махфий коди”, “Худони синаш калкулятори” каби хизмат турлари ҳам фаолият кўрсатиб келади¹.

Сайтларда танишув хизматлари, ахборот сервислари, ҳатто дуоларни жўнатиш учун маҳсус шакллар мавжудлигини айтиш жоиз. Мутахассислар миссионерларнинг ушбу маккор усуллари орқали инсонларнинг бир томондан ўз диний ва дунёвий ҳаёт тарзидан қониқмаслик ҳисси ортаётгани, иккинчи томондан ўзга диний секталарга бўлган қизиқишилари ортаётганини тез-тез таъкидлашади. Миссионерлик сайтларида мазкур ҳолатлар оқибатида муайян минтаقا ёки мамлакат аҳолиси орасида халқнинг

¹ Оразбаева Г.К. президент ОФ РИКЦ «Сана» К проблеме миссионерской деятельности в РК. uvr.akmol.kz/home/relig_101

миллий менталитетига ёт ва зид бўлган фикрлаш усули, яшаш намунаси, қадрият ва идеаллар шаклланишига замин яратилмоқда. Шундай қилиб, миссионерлар тарғиботи орқали вужудга келаётган кўп динлилик ёки диний лоқайдлик ўз маънавий устунлигини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ўрнатишга интилиши жамият ва мамлакат барқарорлигиги учун жиддий хавф тўғдириши мумкин. Бинобарин, мазкур ҳолат, халқларнинг кўп асрлик миллий қадриятларини унутишга олиб келади.

“Информацион хуруж ташкилотчилари ўзининг мафкуравий ва худбинлик манфаатларини кўзлаб терроризмга, XXI аср вабоси бўлмиш бу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган кучларни, одамларни йўлдан оғдириш, уларнинг орасига нифоқ солиш, бир-бирига нисбатан шубҳа тўғдиришга уринишмоқда¹, – дея таъкидлаган эди Ислом Каримов. Ҳақиқатан, ахборот хуружлари хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар аввало, миллатнинг тарихан шаклланган маданияти, қадриятлари ва унинг ўзига хослигини барбод этиш орқали инсонларни миллат ва халқ сифатида яшашининг хавф остида қолишига замин яратади.

Айрим давлатлардаги диний ахборот каналлари ахборот ҳуружлари ўтказиб, намойиш этилаётган давлат аҳамиятига молик ахборотларни тарқатишни ўзларининг дол зарб вазифалари сифатида илгари суришади. Ҳозирда ахборот ҳуружларини кўзлаб амалга оширилаётган миссионерлик ҳаркатлари замерида, айрим ривожланган давлатларнинг стратегик мақсадлари ётибди. Энг аввало, улар ўзлари фаолият олиб бораётган минтаقا ва ҳудудларда давлат ва жамият ҳаётидаги камчиликларни бўрттириб кўрсатишга уринишмоқда.

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б.15.

Шу билан бир қаторда, тұхмат ва бұхтонлар уюштириш орқали ўзларига рақиб давлатининг ҳуқумат бошқарувида фаолият олиб бораётган раҳбарларни айлаш асосий мақсад эканлигини яққол намойиш этишмоқда¹. Зеро, мазкур разил мақсадларини амалга ошириш жарёнида миссионерлар халқаро оммавий ахборот воситаларидан кенг миқёсида фойдаланишяпди. Миссионерлик уюшмалари “айрим” журналистлар, турли сиёсатчилар ва шархловчиларининг хизматидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга жиддий эътибор қаратадилар.

Миссионерлар ахборот хуружини амалга оширишда жалб этилганларни моддий рағбатлантириш воситасида ёллаш усуллари орқали ўзларининг истиқболли режаларини тузишади. Мутахассислар ҳозирда ахборт миссиясининг муҳим қуролларидан бири сифатида эътироф этилаётган оммавий ахборот воситалари ва информацион тазиикларнинг жуда муҳим эканлигини таъкидлайдилар. Бу ҳақда АҚШ Марказий разведка бошқармаси бошлиғи А.Даллес: “Инсон мияси, одамларнинг онги ўзгарувчанликка мойилдир. Тартибсизлик, палапартишлиқ уруғларини сочиш орқали биз уларнинг ўзига сездирмаган ҳолда асл қадриятларни унутиб, сохта қадриятларга ишонишларига эришимиз мумкин. Инсонлар онги учун уларнинг болалик ва ўсмирилик чоғлариданоқ курашиш ўйлаб топилган сохта қадриятлар қулига айлантириш, қолаверса, ҳар бир миллат орасида ўз маслақдошларимизни топиш ҳамда уларни сафларини кенгайтириш орқали аста-секин бўйсенишни истамаган ҳар қандай мағрур халқни ҳам бош эгишга мажбур қиласиз, акс ҳолда мисли кўрилмаган фожеаларга гириф-

¹ Сафаров М, Бахт Э. Сабаблар ва оқибатлар. Информацион уруш ва ундан мақсад. Конун ҳимоясида. Тошкент: Ўзбекистон республикасининг бош прокуратурасининг оммабоп юридик журнали 2005.Б.12.

тор этамиз”¹ – дея таъкидлаган эди. А.Даллеснинг юқори-даги фикрига эътибор қаратилса, ахборот хуружи ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётидаги барқарорликка путур етказишини англаш қийин эмас. Таниқли социолог Фердинанд Тённиснинг фикрича, “Матбуот ҳақиқий зарур ижтимоий фикр яратиш қуролидир”². Бинобарин, 15 йил мобайнида АҚШ ҳукумати информацион қуроллар ва психологияк таъсир воситаларини ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш учун сарфланадиган маблағлар миқдорини 4 баробарга оширган³. Дунёдаги айrim йирик давлатлар мустақил давлатларнинг ички сиёсатида, виждан эркинлиги жараёнларида содир бўлаётган ҳолатларни алоҳида эътибор билан кузатадилар, чунки дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар асосида ҳар қандай жараённи яратиш мукин.

Миссионерларнинг асл мақсадларини тадқиқ этиш жараёнларида айrim сиёсий кучларнинг олиб бораётган ахборот сиёсатига эътибор қаратилганда қадимги Хитой файласуфи ва ҳарбий арбоби Сунь Цзи томонидан милав. VI асрда ёзиб қолдирилган “насиҳатлари” ёдга тушади. У шундай деган эди: “Душман мамлакатидаги барча яхши нарсаларни йўқотишга ҳаракат қилинг; душман тарафининг арбобларини жиноий ишларга жалб этинг; душман мамлакатининг раҳбарияти обрусига путур етказинг; шу мақсадда энг разил ва пасткаш одамларни ишга солинг; душман мамлакатининг фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаришга интилинг; ёшларини кексаларига қарши гиж – гижланг; барча воситалар билан ҳукм-

¹ Сафаров М., Бахт Э. Сабаблар ва оқибатлар. Информацион уруш ва ундан мақсад. Конун ҳимоясида. Тошкент: Ўзбекистон республикасининг бош прокуратурасининг оммабоп юридик журнали 2005. Б.12.

² Сафаров М., Бахт Э. Сабаблар ва оқибатлар. Информацион уруш ва ундан мақсад. Конун ҳимоясида. Тошкент: Ўзбекистон республикасининг бош прокуратурасининг оммабоп юридик журнали 2005. Б.12.

³ Ўша жойда.

дорлари ишига халақит беринг; душман лашкарларининг тартиби ва таъминотига халақит беринг; душман тарафларининг аскарлари руҳини мусиқа ва ашула билан заифлаштиринг; душманингиз анъаналарини қадрсизлантиришга ва уларни яратганга ишончини йўқотишга интилинг; душман тарафларга енгилтак, бузук аёлларни юборинг. Токи улар уша мамлакатнинг бузулиши, айнишига кўмаклашсин; айғоқчилардан ахборотни сотиб олиш учун мукофат ва совғаларни аяманг”¹.

Мазкур фикрлар замирига эътибор қаратилса, хорижий давлатлар томонидан муайян минтаقا ва ҳудудларга нисбатан ахборот хуружларининг амалга оширилиши ўша жамият ҳаётидаги азалдан шаклланган қадриятлар, миллий маънавият ва маданиятга зарба бериш, мамлакат миқёсида амалдаги бошқарув тизимиға нисбатан норозичилик кайфиятларини келтириб чиқариш, халқ ичида ўзаро диний, миллий, этник зиддиятларни кўпайтириш кабилар воситасида барқарорликни издан чиқишига урунишлар тизимини кўриш мумкин. Миссионерлар ўзлари мансуб давлат манфаатларидан келиб чиқиб, муайян мамлакат миқёсида амалга ошираётган муҳим режаларининг замирида мамлакат фуқароларнинг “виждан эркинлигини ҳимоя қилиш”, “инсон ҳақ-хукуқлари”, “сўз эркинлиги” хукуқларини юксалтириш (аслида эса бузиш) манфаатлари ётади. Айрим давлатлардаги ҳукумат бошқаруви ва сиёсий жараёнларга нисбатан ёлғон ва асоссиз фикрларни бўрттириб кўрсатиш орқали мамлакат фуқаролари онгида давлат ва ҳукумат бошқарувига қарши фикрлар шакллантирилади.

Ҳозирда дунёning турли минтақалари ва ҳудудларида фаолият кўрсатаётган, катта сармояларга эга сиёсийлаш-

¹ Примов Б. Ахборот оқимининг ахлоқий қадриятларга таъсири. ДЖҚА. Жамият ва бошқарув журнали. - Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2011. 2-сон. Б. 21.

ган марказлар таъсиридаги замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари айрим минтақа ва мамлакатларни онгли равишда “нишонга олиб”, мавжуд сиёсий режим билан фуқаролар орасига нифоқ солиш орқали қонуний ҳукуматни заифлаштиришга ҳаракат қилмоқда¹.

Юқоридаги фикрларга мисол сифатида миссионерлик ғояларини бутун дунё миқёсида тарғибот ва ташвиқот қилишни амалга ошириб келаётган “Голос Анд” радиоси фаолиятини айтиб ўтиш мумкин. Мазкур радио 1931 йилда Эквадор давлати пойтахти Кито шаҳридаги Анд тоғида ташкил этилган. “Голос Анд” ўз радио тўлқинлари орқали бутун дунё ҳалқарини Библия ва христианлик диний таълимотлари билан таништириш мақсадида ташкил этилган жаҳондаги дастлабки миссионерлик радиоузатиш тармоғи ҳисобланади. Ҳозирги кунда, ушбу радио тулқинлари миссионерлик фаолияти орқали бутун дунё аҳолисига эътиқодий таъсир ўтказиш, фуқароларнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш, Иисус Христоснинг “Инжил”ини эшитиш имконияти яратилган. Мазкур радио одамларни фаол христианлик черкови аъзосига айлантириш мақсадида христианлик таълимотларига қизиқиши кўчайтириш орқали дунёдаги жуда кўплаб фуқароларнинг азалдан шаклланган қадриятлари, диний эътиқодига нисбатан шубҳа ўйғотишга замин яратмоқда. Шунингдек, ушбу радио дунё миқёсидаги энг катта радиостанция сифатида ўзининг фаолиятини амалга ошириш жараёнида 12 тил ва 22 турдаги диалектлар (шевалар) да ўз эшитиришларини олиб бормоқда². У дунёдаги кўплаб миссионерлик ташкилот-

¹ Миллий манфаатлар ва бошқарув маъсулияти. Огохлик ва хушёрлик тамойиллари. – Тошкент: Фафур.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008. Б. 205.

² Мусаев М. Ахборот хуружи ва уни ҳалқаро муносабатларга таҳдид // Демократлаштириш ва инсон хуқуqlари. 2013. №1. Б.37.

лари ҳамда маҳаллий радиостанциялар билан ўзаро хамкорликни йўлга қўйган.

“Голос Анд” радиосини бўлимларини ташкил этиш ва радиоэширишларни йўлга қўйиш мақсадида унинг тарафдорлари томонидан 30 дан ортиқ мамлакатда, намоийишлар бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Айрим кучлар томонидан “демократия тарғиботи” шаклида берилаётган ахборот тўғридан-тўғри Ғарб турмуш тарзининг зўрма-зўраки “сохта демократия” шаклида тиқиширилишига айланиб кетаяпти. Бир пайтлар “жаҳон пролетариати инқилоби” қандай экспорт қилинган бўлса, бугун эгоцентризм, ҳудбинлик, шовинизм, беҳаёлик, уятсизлик, шавқатсизлик, зўравонлик, лоқайдлик сингари соғлом инсон табиатига зид ҳолатлар ахборот воситасида шундай экспорт қилинаяпти¹. Мутахассислар миссионерлик фаолиятини радио ва телевидение орқали тарғиб этиш натижасида ижобий натижалар қўлга киритилаётганлигини таъкидлашади. Дарвоҷе, радио ва телевидение орқали миссионерлик ва христианликни кенг миқёсда тарғиб этишда энг кўп ва фаол тарзда ҳаракат қилаётган тоталитар секталар қаторида “Тулиқ Инжил христианлари” ҳамда “Адвентистлар” сектасини айтиб ўтиш лозим.

Миссионерлик дастурларини Мустақил давлатлар ҳамдустлиги давлатларида Россиянинг ТВ-канали орқали бевосита эфирга ўзатаётган “Кеннет Коупленд миссияси”га қарашли “Имонли кишининг баралла овози” дастури, “Жойс Майер” миссиясининг “Имон овози”, “CNL”, “LIFE TV”, “ТНБ” каби каналлари мавжуд². “Голос Анд” радиоси

¹ Исоқов Б. Зиёлилик масъулияти. - Тошкент: Маънавият, 2001. Б.63.

² Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. -Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. -Б. 102.

ҳозир Шарқий Европа, Украина, Россия, ва Марказий Осиёда бўлимларини ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу радио ўз дастурлари орқали Исо Евангелиясини тинглаш, тингловчилар учун тиббий хизмат ва одамларни христианлик таълимоти ғояларидан баҳраманд қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу радио ўз дастурлари орқали МДҲ ва Россияда фаолият олиб бораётган “Новая жизнь-Янги ҳаёт” радиостанцияси билан ўзаро ҳамкорликда тингловчиларига 24 соат давомида миссионерлик ва христианлик таълимотларидан баҳраманд бўлишни таклиф этади.

Таниқли миссионерлар қаторида эътироф этилаётган, евангелист Билли Грехим фаолиятида, асосан, ОАВ воситалари; радио, телевединие соҳаларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратади. У хориж мамлакатлардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазиятларни ўзгартириш мақсадида, ривожланган ғарб давлатлардаги “оммавий маданият”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “юқори турмуш тарзи”, “урф-одатлар ва маданиятини тарғиб этиш” каби усуслардан фойдаланишга эътибор қаратган¹. Бизнингча, миссионерлик ташкилотлари томонидан ахборот миссиясини амалга оширишда аввало, инсон онги ва қалбини забт этиш орқали мафкуравий таъсир ўtkазиш ғояси ётади. Мазкур ҳолат давлатларнинг барқарорлигига раҳна солиш туфайли миллатни тарихан шаклланган қадриятларни, унинг ўзига хослигини, миллат ва халқ сифатида яшаши хавф остида қолишини англалади.

Хуллас, глобаллашув шароитида ахборот хуружи аввало, муайян давлатнинг миллий хавфсизлигига таҳдид тўғдиришда асосий омил вазифасини ўтамоқда. Ахборот миссияси замирида, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мақсадларни амалга ошириш орқали фуқаролар, жамият ва

¹ WORLD BOOK.-13-1994. USA. Chikago. P.620-621.

давлат ўртасидаги қарама-қаршилик ва низоларни вужудга келтирмоқда. Дунёда мафкуравий курашлар авж олган бир паллада ахборот хуружи орқали кириб келаётган кўпгина ғоялар: космополитизм, ирқчилик, миллатчилик, шунингдек, шахсни манқуртликка йўналтирувчи таҳдиду ёт ғояларга қарши курашишга қодир ёшларни тарбиялай олиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли мажаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда”¹. Чунки, замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатларнинг жадаллашуви оқибатида мафкуравий таъсир ниҳоятда ўткир қуролга айланиши натижасида турли хил сиёсий кучлар ўз манфаатлар ва мақсадлари йўлида миссионерликдан фойдаланишга интилаётганлиги афусски, хатарлидир.

2.3. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари оқибатларини таҳлил қилишнинг сиёсий механизмлари

Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмдан сиёсий қурол сифатида фойдаланиш мақсадида ўзининг аниқ геосиёсий режаларига эга бўлган давлатлар ва сиёсий кучлар турганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Миссионерлик ва прозелитизмнинг асосий мақсади жамиятда ўзларига хайриҳоҳ бўлган гуруҳлар ва тараф-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

дорлар сонини шакллантириш орқали мамлакат ўстидан ўз назоратини ўрнатишдир. Айниқса, бир динга эътиқод қилувчи диндорлар орасига низо ва нифоқ солиш орқали фуқароларни ўзга динга ўтказишга бўлган интилишлар тобора кучаймоқда. Хусусан, мусулмонларни христианликка, христиан-ларни эса кришначиликка, проваславларни протестантликка “даъват этиш” бевосита миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари натижасида содир этилмоқда. Мазкур ҳолатни миссионерлик ва прозелитизм оқибатида жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигини издан чиқаришига бўлган ҳаракатлар мисолида кузатиш мумкин.

Хозирда дунё миқёсида ижтимоий-сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали айрим давлатлар ўз “маданияти ва динини” сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, аксарият сиёсий кучлар ўзларини ғаразли мақсадларини амалга оширишда бевосита диндан фойдаланишмоқда. Дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларга асосий таъсир воситаси сифатида мафкуравий суқулиб кириш, ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказишда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШлик тадқиқотчи Р.Н.Белла айтганидек, “Христиан миссионерлари Гарбдаги муҳим кучлардан бири бўлган ҳолда, ғарбона маданиятдан ташқари ҳар қандай дин ва эътиқодга аёвсиз ҳужум қилган”¹. Р.Н.Белланинг таъкидлашича, “ҳар қандай халқ ўзлигини ҳимоя қилиши табиий, бироқ, мантиқан ўзгармасдан туриб, ҳимояланиб бўлмайди”². Шу тариқа, миссионерлик XIX асрга келиб дунё миқёсида хусусан, Осиё, Африка ва Америкадаги кенг фаолияти

¹ Woo, Elaine (August 3, 2013). "Robert N. Bellah dies at 86; UC Berkeley sociologist". Los Angeles Times. Retrieved August 27, 2013.

² Fox, Margalit (August 6, 2013). "Robert Bellah, Sociologist of Religion Who Mapped the American Soul, Dies at 86". The New York Times. Retrieved August 7, 2013.

орқали ўзларининг давлат сиёсатини ўтказишган эди. Мазкур ҳолатни Кениянинг биринчи бош вазири Жомо Кенятта ҳам миссионерликка нисбатан билдирган муносабатида қайд этиб ўтади¹.

Миссионерлик ташкилотлари ҳукумат томонидан ошкора ёки маҳфий тарзда Америка, Осиё, Африка халқларини зabit этишда фаол қатнашиб, мустамлакачилик сиёсатини ўтказишида самарали иштирок этган. Ўз навбатида, II Ватикан соборида (1962-1965) миссионерлик масалалари муҳокама қилиниб, маҳсус декрет қабул қилинган эди. Мазкур декретга кўра, миссионерлар Осиё, Африка минтақасида католик черковини нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий руҳоний кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратган. 1978 йилда ташкил этилган конclaveларда Африкадан 12 кардинал, Осиёдан 9 кардинал иштирок этиши мазкур ҳаракатларнинг кенг ёйилганлигидан хабар беради. Аслида Рим Папаси Николай V 1452 йилда ўз қарори билан португалларга Фарбий африка ерларини босиб олиш ва аҳолисини қуллар сифатида эътироф этишни тасдиқлаган эдики бу миссионерлик ва унинг ҳомийлари фаолияти илдизлари узоқ тариҳдан келишини англатади.

Бугунги кунда айрим сиёсий ғояларни инсон онгига сингдириш учун ҳам диний ғоялардан мукаммал фойдаланилмоқда². Айниқса, миссионерлик ташкилотлари муайян минтақа ва ҳудудда ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш орқали халқларга гўёки, “юксак маданиятини” тарғиб этиш орқали ўз маданиятлари билан таништируммоқда. Миссионерлар томонидан мазкур талаб-

¹ Тиловов А. Миссионерлик-жамият барқарорлигига ёт ҳаракат. Огохлик тинчлик гарови. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ МКБТ ва ИПИТЭ Бошқармаси. 2008. – Б. 42.

² Бултаков Б. Бағрикенглик ва мўтадиллик виждан эркинлиги таъминланишининг ижтимоий-фалсафий асослари сифатида. ЎзМУ хабарлари. 2016 йил. № 1/4. - Б. 138.

ларнинг инсонлар онгига “юксак маданият–христианлик” ғояси сифатида сингдиришга бевосита эътибор қаратишмоқда. Айрим ҳудудда амалга оширилган миссионерлик фаолиятлари асосан маҳаллий давлат раҳбарларининг сиёсатларига, хатти-ҳаракатларига боғлиқ равишда амалга оширилган. Аммо, айрим давлат раҳбарлар томонидан миссионерларга қарши кўрилган кескин чоралар билан ҳам улар фаолиятида тўхташ ёки ортга чекиниш ҳолатлари ҳам бўлган. Шунга кўра XVI асрда Ҳиндистон, Хитой ва Японияда фаолият кўрсатган христиан миссионерлигининг фаолиятида кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатлар миссионерликнинг кейинчалик жуда тезлиқда ривожланишига туртки берган эди.

XIX асрнинг ўрталарида Япон императори юрт манфаати Ватан бирлигини сақлаш мақсадида мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча миссионерларни айғоқчи сифатида мамлакатдан ҳайдаб чиқаришга буйруқ берган. Шунингдек, мазкур омиллар Африка минтақасидаги туб аҳоли онгида миссионерларга нисбатан салбий муносабатлар туғилишига сабабчи бўлган. Оқибатда Африка аҳолиси орасида “миссионер” сўзи “қотил” маъносида қўлланилган. Миссионерлик раҳм-шафқатни билмайди, аксинча доимий равишда сиёсий мақсадларни кўзлаш орқали тинчликка ҳамиша рахна солиб келади. Муайян халқнинг анъанавий диний қадриятларини таназзулга учраб, оқибатда “турли маданиятларнинг” ўзаро таъсири натижасида диний айри-мачиликла ривожланган. Чунки, ҳали-ҳануз ўзида сиёсий мақсадларни намоён этаётган миссионерлик ва прозелизм муайян давлатлар сиёсий таъсир доираларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Миссионерлик ва прозелизм ҳаракатининг сиёсий моҳияти айрим давлатларда ҳукм сураётган нотинч ва-

зиятлардан фойдаланган ҳолда, ҳокимият бошқарувида вужудга келаётган айирмачилик (сепаратизм), жумладан диний асосдаги ғайри инсоний тамойилларни амалга ошириш орқали парокандаликни юзага келтиришни назарда тутади. Бу омил давлат миқёсида айирмачиликни шакллантириш, мамлакатдаги барқарор ижтимоий вазиятни чигаллаштириш орқали давлат бошқарувида ҳам жиддий муаммоларни келиб чиқишини англатади. Бунга мисол тариқасида Украина, Грузия ва Қирғизистон ҳамда Яқин Шарқ минтақасида “Араб баҳори” номи остида тарихга кирган – Тунис, Миср, Ливия, Яман, Суриядаги воқеаларни айтиб ўтиш лозим.

Диннинг маънавий қадриятлари билан диний шиорларидан фойдаланишга интилаётган муайян кучлар кўзлаётгани динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва тажовузкор мақсадлардир. Шунинг учун миссионерлик ва прозелитизм замирида ўзга мамлакатларнинг давлат суверенитетига, конституциявий тузумига нисбатан амалга оширилаётган сиёсий босим ва тажовузларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ётади. Мазкур ҳаракатлар натижасида, диний воситалар орқали бошқа давлатларнинг ички ишларга аралашув сингари қонунга зид ҳаракатларни кўриш мумкин. Муайян ҳудудда айрим давлатлар ўз таъсирини ўтказмоқчи бўлса, аввало миссионерларни йўналтиришга алоҳида эътибор қаратишган. Бинобарин, муайян ҳудудда давлат ўз таъсирини кучайтириш мақсадида миссионерлик ташкилотларини ҳимоя қилиш орқали ўзининг сиёсий мақсадларини амалга оширган. Ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишида асосий ролни бажарган миссионерлик-гегемонлик ва мустамлакани, босқинчилик ҳамда кучли давлатларнинг

кучсиз давлатларга нисбатан ўзларининг сиёсий босимини тажовузкорлик ҳаракатлари орқали амалга оширмоқда¹.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида бевосита йўналтирилаётган “хайрия” маблағлари асосида ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятида кейинги вақтларда ўзларининг белгиланган дастури доирасидан четга чиқишга интилаётгани ҳамда аниқ сиёсий вазифаларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ниқоби остида фаолият кўрсатаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари ўзга мамлакатлардаги фаолияти жараёнида хориждан йўналтирилган молиявий кўмак билан давлатларнинг ички сиёсатига бевосита таъсир ўтказишга интилаёттир.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган етакчи давлатларнинг миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатидан кўзлаган асосий мақсади давлатларнинг сиёсий режаларини амалга оширишdir. Айниқса, гегемон давлатлар миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари билан асосий иттифоқдош ҳамкорлика фаолият олиб боришга эътибор қаратишган. Бу ҳақда таниқли сиёсатчи Карл Мирбт: “миссионерлик билан колониализм яхши иттифоқдошdir, мазкур иттифоқ туфайли бизнинг колониялардан яхши фойда келиши учун барча асослар мавжуд”, дея таъкидлаган эди.

Француз императори Наполеон I ўзининг 1804 йилда давлат мажлисидаги чиқишида миссионерликка бўлган муносабатини очиқ ифодалаб, хориждаги диний миссиялар фаолиятини кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, “черков ходимлари давлатимиз учун Осиё, Африка ва Америкадан ғоят катта фойда келтиради. Авлиёлик кийи-

¹ Мусаев М. Миссионерлик ва прозелитизмнинг сиёсий мақсадлари. // Демократлаштириш ва инсон хукуqlари. 2012. №1. Б.31.

ми уларни ҳимоя қиласи, сиёсат ва савдо соҳасидаги вазифаларини ниқоблайди. Варварлар авлиёларни ҳурмат қиласи, уларнинг фаолияти эса биз учун арzon тушади”¹-деган эди. Миссионерларнинг рухонийлик мақоми доимий равишда давлат ва сиёсий доира вакилларини муҳим топшириқ ва вазифаларини бажаришда асосий ўрин тутган. Шу тарзда христиан миссионерлари Осиё, Африка ва Америка минтақасида ўз фаолиятлари билан ўзлари мансуб давлатларининг сиёсатини ўтказишда асосий ролни бажаришган эди.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари айrim мамлакатлардаги давлат суверенитети, конституцион тузумга қилинаётган тажовузларни мафкуравий қўллаб қувватлаш ва таъминлашда ўз аксини топаётир. Ислом Каримов қайд этганидек: “минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйлаган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда”². Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳозирги замонда миссионерлик ва прозелитизм сабабли муайян ҳудуд ва минтақаларда катта моддий ва маънавий йўқотишлиар юз беряпди.

Миссионерлик ва прозелитизм геосиёсий кучлар кўмагида хавфли қурол вазифасини бажариши шу билан ҳам ойдинлашадики, у кучли давлатларнинг кучсиз давлатларга нисбатан сиёсий босимини тажовузкорлик ҳаракатлари оқибатида амалга оширишда муҳим аҳамият касб

¹ Сюрэ- Каналь Ж. Африка Западная и Центральная. - М.: 1961. -140 с.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 12-13.

этган. Шунингдек, миссионерлик ва прозелитизм вакилларининг шундай иш тутиши айрим сиёсатчилар томонидан билдирилган фикрларда қўллаб-қувватланади. Миссионерларнинг бу фаолиятига Американинг XIX асрда хорижда фаолият кўрсатган пресвитериан миссияси котиби Ф.Эллинвуд ўз баёнатида очиқ-ойдин қўшилиб, “Хоҳлаймизми йўқми, бизнинг миссионерлик фаолиятимиз келгуси 10 йилликда хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик билан бўлсин дипломатия ва савдо билан чамбарчас боғланади”¹, – дея таъкидлаган эди.

Миссионерлик ва прозелитизм аниқ белгиланган сиёсий мақсадларни амалга оширишда аксарият ҳолатларда иқтисодий тараққиётдан ортда қолган давлатларга ёрдам кўрсатиш никобида пайдо бўладилар. Зоро, бугунги кунда у ёки бу динни байроқ қилиб дунёвий тартиботга қарши йўналтирилган “радикал ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш кўп қиррали бениҳоя зиддиятли феномен эканлигини англаш лозим. Шунингдек, жаҳондаги етакчи давлатлар миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини йўналтириш орқали иқтисодий ёрдам бериш баҳонасида аксарият ҳолатларда ўзларининг сиёсий шартларини бажаришга мажбур қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ўзида сиёсий мақсадларини бирламчи кўрадиган миссионерлик ва прозелитизм нисбатан бефарқлик, лоқайдлик ёки уни бутунлай сезмаслик оқибатида давлат ва жамиятнинг пароканда бўлишига замин яратади. Аммо, мазкур ҳаракатлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш айрим давлатларнинг сиёсий доираларига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаш уринли. Бу ҳақда АҚШ президенти Тафт (1909-1913) нинг XX аср бошларида миссионерлик жамиятининг епископлик черкови йиғилиш-

¹ Harrington F.H. God, mammon and the Japanese. – Medison: 1921, p.35.

ларида қилган баёнотида: “Сиз миссионерларни Шарқ цивилизацияси руҳида тайёрланг. Миссионер раҳбарлари нафақат епископ ёки пастор, балки улар давлат арбоблари ҳамдир”¹, – дея таъкидлаши мазкур ҳаракатга нисбатан давлат томонидан ижобий муносабатда бўлиб келинишини ойдинлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари “инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “виждон эркинлиги ҳуқуқларининг оёқости қилиниши” каби муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади. Ўз навбатида, мазкур фаолиятнинг асосий мақсади энг аввало, амалдаги хукумат сиёсатига қарши чиқувчи гурухларни шакллантириш ва кучайиши учун зарур шарт-шароитни яратишдан иборатdir. Мазкур қарашлар АҚШнинг 1912-1921 йиллардаги президенти В.Вильсон (1856-1924) ўз ҳукуматининг сиёсий режаларини амалга оширишда миссионерлик муҳим ўрин тутишини таъкидлаб айтган қўйидаги фикрида ўз аксини топган: “Ўйлайманки, агар миссионерлик ҳаракати тўхтатиб қўйилса, бу энг катта баҳтсизликка олиб келади. Миссионерлик ҳаракатини давом этиши керак ва мен умид қиласманки, у ҳар қандай кўринишда бўлмасин давом этади”. Бинобарин, мазкур фикрлар замирида миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари турли воситалардан фойдаланган ҳолда ўзга мамлакатлар аҳолиси онги ва дунёқарашини ўзгартиришга бевосита эътибор қаратишмоқда. Хусусан, муайян халқ ва миллат онгига ўзларининг маданий қадриятларини сингдириш орқали глобал, ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатишга интилаётганлигига намоён бўлмоқда.

¹ Brown A.J. The mastery of the Far East. - New York: 1921. p. 471.

Ҳозирги даврда айрим тараққий этган давлатлар геосиёсий ҳамда иқтисодий манфаатларни кўзлаган ҳолда демократик ўзгаришлар жараёнини тезлаштириш заруриятини рўкач қилиб, ривожланаётган мамлакатлар ички ишларига аралashiшга, баъзан очиқ-ошкора, баъзан эса турли ноҳукумат ташкилотлар орқали тазийқ ўtkазишга астойдил киришганлар. Бу ҳақда фикр юритганда Ислом Каримов қайд этганидек: “буғун ҳаётнинг ўзи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ташқаридан маблағ оладиган ва четдан бошқариладиган нодавлат ташкилотлари ҳозирги пайтда ана шундай давлатлар ташқи сиёсатининг восита ва қуорлига айланиб бормоқда”¹. Бирлашган Қиролликнинг мустамлакачилик хизматининг йирик арбоблари орасида миссионерлик империя учун муҳим эканлиги тўғрисидаги фикрлар мавжуд бўлган. Аксарият гегемон давлатлар миссионерликни давлатнинг сиёсий режаларини амалга оширишда давлатларнинг иттифоқдош ҳамкори сифатида эътироф этишган. Хусусан, миссионерликнинг катта аҳамиятга эга эканлигини нафақат сиёsat арбоблари, балки миссионерларнинг ўзи ҳам буни таъкидлашган.

У.Черчилнинг фикрига кўра, “Миссионерлик фаолияти учун сарфланадиган ҳар бир pena яхши бошқарув ва омонат маблағларни келтириш муқаррар. Черчиль миссия харажатидаги ҳар бир “пена” “фунт стерленг” келтиради”² – дея таъкидлаган эди. Бинобарин, хорижий молиявий кўмак асосида молиялаштирилаётган миссионерлик ва прозелизм ҳаракатлари стратегиясида аксарият ҳолатларда сиёсий мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётганлиги яққол намоён бўлади. Зоро, миссионерлик ва прозелизм тарафдорлари ўз фаолияти жараёнида ҳеч қачон, ҳеч кимга беға-

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 14-жилд. Б.95.

² Уинстон Черчилль: интеллектуальный портрет. М.: Форум, 2011. 206 с.

раз ёрдам кўрсатмаганликларини таъкидлаш ўринлидир. Бу ҳақда фикр юритганда Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Ҳозирги вақтда турли ниқоблар остида мамлакатимизни “демократлаштириш” мақсадида ҳар хил нодавлат ташкилотларини қўпайтириш ва ривожлантириш учун беғараз ёрдам берамиз, деб жар солаётгандар сони қўпайиб бормоқда”¹, – дея бежиз таъкидламаган эди.

Улар миссионерлик ва прозелитизмни ривожлантириш мақсадида хориждан йўналтирилаётган молиявий ёрдам замирида ўз манфаати ва мақсадлари сари интилаётгани, киришга ҳаракат соҳалари қолмаётганидан ҳам ойдинлашади. Бу геосиёсий кучлар мувозанатининг тобора ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини “экспорт” қилиш орқали дунёга ҳукмронлик қилиш мақсади билан чамбарчас боғланиб кетган.

Яқин Шарқ минтақасига, жумладан, араб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши улар мустақиллигига таҳдидларнинг янги турлари сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади. Бундай ҳаракатлар Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, жумладан, айрим араб ва Марказий Осий давлатларининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги улар хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турганлигини ҳам англатади².

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари – олий қадрият Тошкент.: Ўзбекистон, 2006. 14-жилд. Б.95.

² Бозоров О. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаси. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: Movarounnahr, 2013. Б. 86-87

Хулоса қилиб айтганда, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари моҳиятида “инсон ҳуқуқлари”, “виждон эркинлиги”, “деморактик эркинликлар”ни олға суриш учун күрсатилаётган “күмак” аслида мамлакатни парокандалик сари сиёсий бошбошдоқликка етаклаётганлиги билан яққол намоён бўлмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм орқали амалга оширилаётган “Демократия” ниқобидаги уринишлар мана шундай нохушликларни келтириб чиқариши мумкинлигини англаш барчадан жиддий фикрлашни тақозо этади. Шу тарзда баъзи сиёсий марказлар ва давлатлар кўмагидаги миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати муайян минтаقا ва ҳудудга демократияни “экспорт” қилиш орқали ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш кўзга ташланмоқда.

Юқоридаги фикрларни қуидагича хулосалаш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги замон сиёсий фанларининг асосий обьекти инсон ва жамиятнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш билан бир қаторда жамият хавфсизлигини таъминлашга доир янги сиёсий парадигмаларни илгари суришдан иборат бўлиб қолмоқда. Жамият хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласидиган сиёсий парадигмалар ўз олдига олийжаноб миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимини мукаммал даражада инъикос эттиришни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам жамият хавфсизлиги, барқарорлик даражаси унинг асосини ташкил этувчи сиёсий субъектларнинг онгли мақсадга мувофиқлик фаолиятларининг қай даражада турганлигига боғлиқ бўлади. Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари эса бундай мақсадларни амалга оширишга тўсқинлик қиласиди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, миссионерлик ва прозелизм тарафдорларининг эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни ниқоб қилувчи ҳомий

сиёсий кучлари энг аввало, муайян минтақа ёки ҳудудда қонунга зид равиша ғаразли мақсадларни кўзлаб, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралashiшга имкон яратадилар. Бу ҳаракат туфайли гүёки, дунё миқёсида “диний эркинлик”нинг чекланишини бартараф этишга бўлган ҳаракатлар намоён бўлади;

Иккинчидан, ҳозирда сиёсий онг ва ижтимоий амалиётда вужудга келаётган муаммовий ҳолат, яъни олдинлари шак-шубҳасиз устивор бўлиб ҳисобланган давлат хавфсизлигини таъминлашдан кўра, эндиликда аста секин унданда муҳимроқ аҳамият касб этаётган шахс, инсон ва жамият хавфсизлиги масаласидир. Аслида улар ўзаро ўзвий боғлиқ жараёнлар ҳисобланади. Чунки бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм замирида ғаразли сиёсий мақсадлар яширинган бўлиб, бир қатор ижтимоий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқаришг асосий мақсадлиги кўпчиликка аён. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўзининг сиёсий мақсадларини аниқ ва пухта режалаштириш орқали жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигига рахна солмоқда. Зоро, миссионерлик ва прозелитизм ҳозирда, диний аснода содир этилаётган ҳарбий келишмовчиликларни келтириб чиқаришда муҳим аҳамият касб этяпди. Сиёсий мақсадларни намоён этувчи гурухлар миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали ўзга халқларга қилиётган зўровонликларини беркитишга диндан никоб сифатида фойдаланаётганлари ўта ташвишлидир;

Учинчидан, ҳар бир минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик ўша жойдаги инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларининг қай даражада ҳал этилганлиги ҳамда улар фаолиятидаги ғоявий-сиёсий меъёрлар билан боғлиқ фаолиятларга бевосита алоқадордир. Шунуктаи назардан қараганда, миссионерлик ва прозелитизм

оқибатида диний, миллий, ирқий низолар кучайиб, ўзида мутлоқа бегона мафкура ва дунёқарашни тарғиб этувчи ғояларни инсонлар онгига сингдирилиши анча хатарлидир. Шунга кўра, турли хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилишга интилаётган, ўзида ғаразли сиёсий манфаатларни акс эттирадиган миссионерлик ва прозелитизм фаолияти орқали турли хил зарарли ташкилотлар ва оқимларнинг кучайиши дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Хусусан, XXI асрга келиб мафкура полигонларида миссионерлик ва прозелитизмнинг ғоявий мафкуравий жиҳатдан кучайиши дунё жамоатчилиги онги, руҳияти ва маънавиятига жиддий таъсир ўтказмоқда.

III боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЖРИБАСИ: МУАММО ВА ВАЗИФАЛАР

Миссионерлик ва прозелитизм фаолияти бир вақтнинг ўзида бир неча мақсадни кўзлаб амалга оширилиши, турли соҳалар таркибида учраши, айни вақтда вазифасига кўра ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларга йўналган бўлиши мумкинлиги юқоридаги таҳлиллардан ойдинлашади. Муайян халқ ва миллат ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш орқали инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, жумладан фикрлаш ва виждан эркинлиги ҳуқуқини бўзишга интилиш ҳаракатларида миссионерларнинг катта ҳиссаси бор. Хусусан, республикамиздаги барқарорликка таъсир кўрсатишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизмнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Ватанимизда миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда махфийликка асосланган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошираётганлиги айниқса, хатарлидир. Миссионерлик ва прозелитизм замерида шахснинг онги ва қалбидан миллий тарихий маданият унсурларини сиқиб чиқариши ва хорижий сиёсий гурухлар ғояларини сингдириши ташвишлидир. Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ғояларини тарғибот ва ташвиқот қилишда энг авалло, жамият ҳаётида ўз ўрнини топа олмаётган руҳий тушкинлик ҳолатига тушган инсонларни ўз таъсирига олишга интилиши асосий мақсад эканлиги тобора ойдинлашмоқда.

3.1. Ўзбекистонда миссионерликнинг олдини олишдаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар стратегияси

Ўтмишдан маълумки, юртимизда қадимдан зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик, маздакийлик ҳамда ислом дини кенг ёйилган. Бу ҳақда Ислом Каримов: “минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди”¹, дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Айни вақтда мамлакатимиз диний-маънавий тотувлик, иноқлик ва бирдамлик ва маданий юксакликнинг нодир тимсоли сифатида барча дин вакилларига нисбатан бағри-кенгликнинг ижобий намунасини кўрсатиб келаяпди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори маънавий ҳаётда ҳам туб ўзгаришларга замин яратди. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар натижасида маънавий-маданий ҳаётнинг узвий қисми сифатида динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, фуқароларимизнинг виҷdon эркинлигини таъминлаш қонунан кафолатланди.

Дин ва дунёвий давлат ўртасидаги муносабат ҳақида фикр юритилганда, унинг асосида энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили асосий ўрин тутишини таъкидлаш лозим. Мамлакатимизнинг асосий қомуси - Конституциямизнинг 61-моддасида: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”², – дея алоҳида таъкидланган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 142.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. Б.20.

Хозирда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ўрнатилиши учун барча шароитлар мавжуд. Республикамизда аҳоли-нинг кўп миллатли ва кўп конфессиялилигидан келиб чи-қиб, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ва қонуний кафолатлашга ўзига хос тарзда ён-дашилган. Айниқса, миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ўзига хос бой тажриба ортирганлигини таъкидлаш ўринлидир. Миллий ўзликни англаш, миллатларнинг тили, маданияти ва урф-одатларини асраб-авайлашга доимий равишда катта эътибор қаратиб келинади.

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва әлатларининг бирдамлигини таъминлашда диний бағрикенгликни мус-таҳкамлаш, бир ғоя атрофида бирлашиш тамойили ҳамиша диққат марказида туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганидек, “бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва әлат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган”¹. Бинобарин, халқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланмиш эзгулик ва том маънодаги бағрикенглик айни вақтда динлараро муносабатларга ҳам хос менталитет асосини ташкил этади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва әлатлар ўзаро иноқ ва тотувликда яшаб келмоқда. Юртимизда 16 та диний конфессия мавжуд бўлиб, улар бир оила аъзоларидек ҳамжиҳатликда истиқомат қилишмоқда. Бу ҳамжиҳатликни ифодалайдиган диний бағрикенгликда энг аввало, шу динлар вакилларининг тинчлик ва барқарорликни сақлаш, диний экстремизм, фундаментализм, ақи-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017. – Б 295.

дапарастлик, терроризм, миссионерлик ва прозелитизм қарши курашдаги ҳамкорлиги назарда тутилади. Мамлакатимизда мазкур тамойилларга асосланган ҳолда, турли динларга таалуқли қадриятларни сақлашга ҳам бевосита эътибор қаратилган.

Ўз навбатида, мазкур конфесияларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Давлат таълим муассасаларида ўқитиши 7 тилда олиб бориляпти. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан 12 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланмоқда. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий-марказ етакчи роль ўйнаяпти. Улар ўз маданияти, тили, ҳунармандчилигини ривожлантириб, бир-бирини ўзаро бойитишга, кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, 34 та дўстлик жамияти муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда хукм сураётган миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, дўстлик ва бирдамлик муҳитини хукм суриши ўз навбатида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишни таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Республикада хотиржамлик, тинчлик, барқарорлик ҳамда фаровонлик муҳитининг хукм суришидан барча дин вакиллари бирдек манфаатдор. Ўз навбатида, давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар

хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Бу хақда фикр юритганда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “...ҳозирги вақтда дунёning турли минтақаларидаги миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гурӯҳ ва оқимлар учун мағкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталиктининг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда”¹, – дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир. Айниқса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муносабатларини таъминланиши, аввало, динлараро зиддиятларни олдини олиш орқали турли дин вакиллари ўртасидада ўзаро хамкорлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратмоқда. Мазкур омил юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига бевосита хизмат қиласи. Бугун юртимизда ёшларимизни ҳар томонлама замон талабларига муносиб кишилар этиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик

¹ Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи // Халқ сўзи. 2017. 25 январь. №18.

туйғуларини шакллантиришда миллий қадриятларимиз, халқимиз маънавий меросидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 17 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини таъкидлаган ҳолда, сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилди. 2018 йил 12 декабрь куни мазкур таклиф асосида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюция қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган бу ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Бу халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилган таклиф эканининг юксак эътирофидан далолатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли қарори ижроси юзасидан бугунги кунда жаҳонда ғоявий-мағкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига қарши мустаҳкам ирова, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорда, буюк юртдошларимизнинг илмий меросини чуқур

ўрганиш, улуғ мутафаккирларнинг илмий-маънавий меросини илмий тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб вазифа сифатида қамраб олинган. Айниқса, мазкур қарор асосида вайронкор ғояларни фош қилиш, бузғунчи ақидага эга тоифаларнинг асл мақсадларидан кенг халқ оммаси, хусусан, ёшларни хабардор қилиш мақсадида буюк мутафаккирларимизнинг маънавий меросидан манба сифатида фойдаланиш зарур эканлигини тақоза этмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар, бу борадаги сиёсатдан кўзланган асосий мақсад – бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқимиз маънавиятини ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш, ривожлантириш, ёшларимизни Ватанимиз, миллий ғоямизга садоқат руҳида тарбиялашдир.

Бугунги олиб борилаётган барча ислоҳотлар, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг самарадорлиги аввало инсон омилига, унинг маънавий даражасига боғлиқ. Шу сабабли маънавият, маърифат масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” қадам қўйиши кўпмиллатли фуқароларимизни ягона миллий тараққиёт ғояси атрофида ягона мақсад асосида бирлаштиришни тақозо этади. Мамлакатимизда маънавий муҳитни соғломлаштириш йўлида қатор тадбирлар ўтказилгани ҳолда, бу борадаги ташвишланарли вазият ҳамон сақланиб қолмоқда. 2019 йилнинг 9 ойи давомида ҳуқуқ-тартибот идораларининг 650 та сўровномалари бўйича ислом динига оид 434 та адабиёт, 430 та CD ва DVD диск, 14 та компьютер қурилмалари, 46 та қўшимча хотира қурилмаси (флешка), 258 та телефон ва 370 та дафтар ва варақлардаги диний мазмундаги маълумотлар бўйича экспертлик хулосалари тайёрланди. Республика бў-

йича терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жами 191 та жиноят ишлари бўйича 236 нафар шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Аниқланган жиноятларнинг 79 тасида (41%) 90 нафар шахслар чет давлатларда узоқ муддат бўлиши давомида халқаро террорчилик ва экстремистик ташкилотлар аъзолари таъсирига тушган. Республика бўйича миссионерлик ва прозелитизм билан шуғулланган ёки шунга мойил бўлган шахслар сифатида 6 186 нафар шахс ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг 3031 нафарини “Иегова шоҳидлари” диний ташкилотининг ва 1 794 нафарини “Тўлиқ Инжил христианлари” оқимининг аъзолари ҳисобланади. Ҳозирда миссионерлик ва прозелитизм билан шуғулланган шахсларнинг 1 713 нафари Тошкент шахри, 790 нафари Тошкент вилояти, 739 нафари Қорақалпогистон Республикаси, 414 нафари Самарқанд, 380 нафари Жizzах, 380 нафари Қашқадарё, 316 нафари Андижон, 231 нафари Бухоро, 270 нафари Хоразм, 237 нафари Фарғона, 221 нафари Сурхондарё, 208 нафари Навоий, 162 нафари Наманган, 125 нафари Сирдарё вилоятларида тезкор ҳисобга олинган. Ҳисобга олинган шахсларнинг 3 059 нафари “Иегова шоҳидлари”, 1 811 нафари “Тўлиқ инжил христианлари”, 679 нафари “Инжил христиан баптистлари”, 52 нафари “Баҳоий”, 168 нафари “Еттинчи кун адвентистлари”, 73 нафари “Кришнани англаш жамияти” ва 344 нафари бошқа ноисломий диний йўналиш аъзолари ҳисобланади.

Бугунги кунда таҳлилларга кўра, фуқароларимизни соғлом диний диний дунёқарашга эга эмаслиги, дин тўғрисида ҳолисона фикрни шаклланмаганлиги аксарият ҳолатлар миссионерлик ва прозелитизм таъсирига тушишга сабаб бўлмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм харакати халқимиз ва миллатимиз маънавиятига, эътиқодига нис-

батан салбий таъсир этувчи таҳдидлар сифатида намоён бўлмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм таҳдидини бартараф этишда жамиятимиз ҳаётида аҳолининг кенг қатламларини миссионерлик ва прозелитизмга қарши ғоявий-мафкуравий қуроллантириш учун маънавий қадриятларимизни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диний бағрикенглик ва динлараро мулоқотни таъминлаш борасида амалга оширадиган ислоҳотларни хукумат сиёсатисиз тартибга солиб бўлмайди. Айниқса, мазкур омил ҳозирда дунё миқёсида ўзга мамлакатларга нисбатан намуна бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган барча динлар учун диний бағрикенгликнинг ўрнатилиши, аввало, динлараро зиддиятларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратади ва юрт тинчлиги, тараққиёти, маданият ва маънавияти ривожига бевосита хизмат қилади. Виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 моддасида ўзининг аниқ ифодасини топган: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹. Ушбу қонуннинг замирида сиёсатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган, яъни:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар юшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 12.

– диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўй-маслик;

– маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқотда бўлиш;

– диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик¹.

Шунингдек, сиёсат ва дин муносабатларинг асосий хусусиятларидан яна бири – бу дин сиёсатга аралашмаслигининг қонунлашганидир. Дунё тажрибасидан маълумки, ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у эътиқод вазифасини бажара олмайди. Бу моҳият Конституциямизнинг 57-моддасида конститутциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйувчи, республиканинг суверентитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуж қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади², – дея белгилаб қўйилган. Бу қонуннинг сиёсий моҳиятини Ислом Каримов: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъват-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 43-44.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 19.

лар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз"¹, - дея алоҳида таъкидлаб ўтган.

Диний таълимотлар ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида маданият ва маънавиятга кучли таъсир ўтказиши билан муҳим ўрин эгаллаб келган. Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиёти дин билан ҳамкорлик қилиш, давлатнинг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабатда бўлиш тамойили асосида амалга оширилмоқда. Бу борадаги сиёсатда “виждан эркинлиги масалалариға янгича позициялардан ёндашиш, динга қарши зўравонлик билан курашиш усуслари ва ўзбошимчаликдан воз кечиш, давлат билан дин ўтасидаги ўзро муносабатларда қонуний принципларни тўла тиклаш, атеистлар ва диндорлар ўртасидаги, ҳокимият органлари билан диний бирлашмалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали инсонларнинг фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий муросасизлик, миллий нифоққа, фуқароларнинг манфаатларига путур етказилишига чек қўйиш”² кўзда тутилади. Зоро, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждан эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқаршидан қатъий назар, сиёсий хоҳишлирини билдиришда барча фуқароларнинг teng иштирокини таъминлаш тамоилиига риоя қиласи.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида миссионерликни олдини олиш ва унга қарши кураш долзарб аҳамият касб этиб келган. Хусусан, республикамиз қонунчилигига

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 44.

² Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 229.

миссионерлик фаолиятининг тақиқланиши сиёсий аҳамиятга эга. Конституциямизнинг 31-моддасига кўра Республикимизнинг ҳар бир фуқароси ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш, ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашлар мажбурлаб сингдирилишига йўл қўйилмайди¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” Қонунига биноан ҳам: “Виждан эркинлиги –фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат конституциявий ҳуқуқидир”², – дейилган. Юртимиз фуқароларининг дини, тили, миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида тенгликлари, улар ўзлари хоҳлаган динга эътиқод қилишлари ва ўз диний маросимларини эмин-эркин бажаришлари аввало давлатнинг сиёсатда умумижтимоий демократик тамойилларга амал қилишини англатади.

1998 йилда янги таҳрирдаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда виждан эркинлиги ҳуқуқи, динга муносабат ва фуқаролик ҳуқуқларининг тенглиги, давлатнинг диндан ажратганлиги, давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан муносабати, дин ва таълим, диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби, диний урф-одат ва маросимлар, миссионерлик ҳамда прозелитизм каби масалаларга муносабат ўз ифодасини топди. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»-ги Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг виждан эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқаролар-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. Б.12.

² Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” Қонуни. З-модда, 1-банд. 1998 йил 1 май.

нинг тенглиги таъминланиши” ўз аксини топган. Мазкур қонуннинг 5-моддасида: “...Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, қонунда баъзи диний конфессияларнинг уни бузишга ҳаракат қилишлари мумкинлиги назарда тутилиб, қуйидаги бандлар ҳам киритилган: “Диний ташкилотлар амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этишлари шарт”¹лиги кўрсатилган бўлса, “давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазийқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади”². Юқоридаги икки банд Халқаро миссионерлик ташкилотларининг баъзи сиёсий кучлар воситасида маълум давлатга тазийқ ўтказиш усуллари борлиги назарда тутилиб киритилган ва шундай хол юз берганда ушбу бандларга таяниш назарда тутилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”³да жумладан, қуйидаги модда келтирилган: Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссонерлик фаолияти, энг кам иш ҳақининг беш бораваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” Конуни. 5-модда, 6-банд. 1998 йил 1 май.

² Ўша қонун. 5-модда, 7-банд.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган, бир қатор ўзгартиришлар киритилган.

“Жиноят кодекси”¹да ҳам мавзуга доир бир қатор моддалар келтирилган бўлиб, улар қуидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10 банди 216-моддаси: “Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш” деб номланган. Унга қўра ғайри-қонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки улар фаолиятини тиклаш, шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 7 мартағи фармонига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилган эди. Мазкур қумита ўз фаолияти жараёнида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг меъёрий хужжатларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, қўмитанинг асосий вазифаси диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этишдан иборат. Мустақиллик йилларининг ўтган даври мобайнида юртимиизда дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Президентнинг 16 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 50 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Эътиқод эркинлиги учун кенг йўл очилди. Диний муносабатлар “Дунёвийлик даҳрийлик эмас” тамойили ҳамда “Инсон эътиқодсиз яшай олмайди”, деган аниқ ишонч асосида қатъий белгиланди. Зотан, самовий динларнинг барчasi эзгулик ғояларига асосланади, улар ҳалоллик, тинч-

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси” 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган, кейинроқ бир қатор ўзгартиришлар киритилган.

лик, яхшилиқ ва дўстлик каби эзгу ғоялар ҳамда фазилатларни тарғиб этиб, инсонларни поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварликка даъват этади.

Бугунги кунда, мамлакатмиздаги мавжуд турли динларга мансуб барча диний ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мунтазам алоқалар ўрнатилган. Шу ўринда, мамлакатмизда ўтказиб келинаётган нуфузли ҳалқаро конференция иштирокчиларининг фикрига кўра, ҳукуматимиз томонидан дин соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлари ижобий тассурот қолдирмоқда. Айниқса, мамлакатимиздаги диний ислоҳатларнинг самараси ўз навбатида бошқа давлатларга намуна бўла оладиган диний бағрикенгликни амалга ошириш йўлидаги ҳукуматимиз сиёсатида ўз аксини топмоқда. Хусусан, мамлакатмизда Юнеско раҳнамолигида ўтказилган “Жаҳон динлари-тинчлик ва маданият йўлида”, мусулмон ва христиан илоҳиётчилари ҳамкорлигига “Бир само остида” ҳалқаро христиан – мусулмон конференциялари ўтказилди. Мазкур конференциялар натижасида мамлакатмизда фаолият кўрсатаётган Рус праваслав черковининг 125 йиллиги, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 130 йиллиги, Евангель-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги, Рим-католик черковининг 100 йиллигини ҳамда Арман апостоллик черковининг 100 йиллигини кенг нишонланди. 1998 йилдан эътиборан Тошкент Православ ҳамда Самарқанд Протестант семинариялари фаолият кўрсатаётганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Хусусан, мазкур ислоҳатлар замирида республикамизда барча дин вакиллари учун диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, аввало, мамлакатимиз фуқаролари ўртасидаги ўзаро бирдамлик, тотувлик ва иноқликни таъминлаш йўлида асосий омил вазифасини ўташга замин яратмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Прези-

денти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Хеч шубҳасиз, буларнинг барчаси турли халқлар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитишига, бизнинг кўп миллатли Ўзбекистонимизнинг маънавий ва маданий ҳаётини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади”¹.

2014 йил 12 ноябрда Тошкент ислом университетида Тошкент ислом университети, Дин ишлари бўйича қўмита, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигига “Конфесиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови” мавзусида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда қатнашган Хитойнинг Шанхай ижтимоий фанлар академияси диншунослик институти директори, профессор Ян Кецзя: “буғунги кунда дунёning турли чеккаларида бўлиб ўтаётган диний ёки миллий низоларни ўрганиб келмоқдамиз. Шу билан бир қаторда диний бағрикенглик тамойиллари тобора ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаларини кузатиб бормоқдамиз. Ўзбекистон ана шу соҳада илғор давлатлар қаторида ўрин эгаллади. Ўйлайманки, Ўзбекистон Республикаси хукуматининг дин соҳасида олиб бораётган одилона сиёсати натижасида диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик тамойиллари тобора ривож топиб бораверади”², – дея таъкидлаши, айниқса, диққатга сазовардир. Зоро, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва мустахкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Хусусан, кўп миллатли

¹ Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганинг 25 йиллигига багишланган учрашувдаги нутқи.

<http://www.aza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>

² Конфесиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови. 12 news.uz

ва кўпконфесияли мамлакатимизда динлар ўртасида ҳам-жиҳатлик, дин ва давлат муносабатларининг одилона йўлга қўйилгани, таълим муассасаларида дунёвий билимлар ва диний қадриятларнинг уйғунликда ўргатилаётгани боис барқарор маънавий муҳит ҳукм сурмоқда.

Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган ижобий натижалар Россиялик етакчи экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, “Россия сиёсий конъюнктураси Маркази”нинг ташқи сиёsat бўйича эксперти Евгения Войко “Ўзбекистон ҳудудидаги диний ташкилотлар хилма-хиллиги, шубҳасиз, нафақат мамлакат раҳбарияти, балки жамиятнинг ҳам юксак бағрикенглик маданиятидан дарак беради. Давлат томонидан фуқаролар диний эркинликларини кенгайтириш бўйича қўлланилаётган чоралар давлат ҳокимиятининг бошқа диндагиларга мунтазам ва тизимли эътиборидан келиб чиқади”¹, дея таъкидлаши айниқса диққатга сазовардир.

Шунингдек, мамлакатимизда миллатларо тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини ҳукм суратганлиги Россиялик сиёсий шарҳловчи Роман Ромишевскийнинг юртимиздаги динлараро соғлом мулоқотни барқарорлаштириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида ҳам ўз аксини топган. Бу ҳақда Р.Ромишевский: “Жаҳондаги ҳозирги вазият ҳар қандай шаклдаги зўравонликни қоралашдан иборат барча динларнинг чинакам миссиясини бирламчи маслалага айлантирди. Шундай шароитда, Ўзбекистон минг йилликлардан бўён турли дин, маданият ва тинч-тотув ҳаёт тарафдорлари ўзаро таъсир-

¹ Российские эксперты о религиозной свободе в Узбекистане- <http://www.ancentr.ru/data/media/media3751.html>.

лашадиган ўчоқ сифатида бу борада Марказий осиёдаги ўзига хос машъалдир”¹, – дея таъкидлаб ўтган. – Россиялик сиёсий шарҳловчи Р.Ромишевский бугунги кунда суверен демократик дунёвий давлат – Ўзбекистонда дин аҳолининг юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга содиқлигини таъминлаш самарали изчил давом этаётганлигини диний ғояларни нотўғри талқин этиш ҳолатларига барҳам бериш йўлида кенг қўламли ибратли ишлар амалга оширилаёт-ганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишмоқда. Хусусан, юртимизда барча дин ва конфесияларга ўз эътиқодини кенг тарқатиш учун улкан имкониятлар яратилган. Айниқса, динлараро ҳурмат, ҳамкорлик руҳидаги соғлом мулоқот олиб бориш амалиёти жорий этилаётган бўлса-да, айрим диний кучлар, конфесиялар вакиллари томонидан бошқа эътиқод вакилларини ошкора ёки пинҳона шаклларда кам-ситиш, менсимаслик, турли бухтонлар уюштириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бугунги кунда глобаллашув шароитида дунё миқёсида диний нифоқ солиш орқали тинчлик ва барқарорлика таҳдид солишга интилаётган миссионерликка қарши курашда ёшларимизни Миллий Ватанпарварлик ғояларига содиқ этиб тарбиялашни замон талаб этмоқда. Айниқса, бу борада юртдошларимизни миссионерликни олдини олишда энг аввало, лоқайдлик, худбинлик каби салбий ҳолатлардан огоҳ бўлишни талаб этади. Бу борада барча юртдошларимиз бир мақсад сари Ватанимиз келажаги ҳисобланмиш фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз тўғрисида жиддий талабларни қўймоқда. Хусусан, бугунги кунда ёшларимиз онги ва қалбига буюк

¹ Российские эксперты о религиозной свободе в Узбекистане- <http://www.ancentr.ru/data/media/media3751.html>.

маънавиятимизни сингдириш орқали соғлом дунёқарашни шакллантириш орқали четдан жуда катта маънавий ҳуруж сифатида намоён бўлаётган миссионерлик таъсирларга ҳам қарши тура оладиган баркамол инсонлар сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бугунги кунда глобаллашув шиддатли тус олиши дунёда кескин ғоявий курашлар, турли мафкуралар тўқнашувлар жараёнида демократия ёки турли диний таълимотлар шиорларини ўзида намоён этувчи ёвуз ғояларни сингдиришга бўлган интилиш тобора кучайиб бормоқда. Зоро, миссионерлик тарафдорлари томонидан илгари сурилаётган демократия никобидаги баландпарвоз тарғибот ва ташвиқотлар бизнинг миллий менталитетимизга мутлоқа тўғри келмаслигини bemalol айтишга тўла ҳақлимиз. Бинобарин, миссионерлик тарафдорларининг асосий мақсади ёшларимизни миллий заминдан, азалий қадрият – маънавиятимиздан жудо қилиш орқали манқуртга айлантириш каби иллатларини мақсад қилаётганлиги ташвишлидир. Шуни эътиборга олган ҳолда халқимиз, миллатмизни турли сохта ва заарли ғоялар таъсиридан асрашда энг авалло, ўз қадриятларимизни эъзозлаш орқали белгиланган мақсад ва вазифаларимизга эришамиз.

Юқорида билдириб ўтган фикрлардан хулоса қилиб айтсак миссионерликнинг таъқиқланиши ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам ижтимоий сабаб ва омилларга асосланган бўлиб, мақсадимиз миллатлар тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш орқали мустақиллигимизни мустаҳкамлашдир. Ўз навбатида, миссионерлик таҳдидини бартараф этишда энг аввало, ҳукуматимиз томонидан миссионерликка оид илмий-маърифий манбалар хамда муомманинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш орқали илмий тажрибалар асосида аҳолининг кенг қатламларини маънавий-

маърифий қадриятларини шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Миссионерлик таҳдидларидан доимо огоҳ бўлиш, мазкур ҳаркатларни ўз вақтида англаш ва уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бундай кенг кўламли ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда Республика маънавият тарғибот маркази томонидан олиб бори-лаётган тажрибалари асосида миссионерлик ва прозелизм харакатини бартараф этишда, аввало, оила, таълим соҳаси ва жамоат ташкилотларини маънавий – маърифий қадриятларини шакллантириш мамлакатимизда жамияти-мизнинг барча қатламларини миссионерлик таҳдидига карши ғоявий – мафкуравий қуроллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Биз фақат шу йўл билан бу-гунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи ғояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин”¹, – дея алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Зоро ёш мамлакатимизда миссионерлик таҳдидларни олдини олиш, уни бартараф этиш орқали тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини ҳар бир Ватандошимиз англаши лозим.

¹ Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи.

<http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>

3.2. Ўзбекистон шаротида прозелитизм ҳаракати хавфини бартараф этиш йўллари ва сиёсий-ҳуқуқий механизмлари

Бугунги кунда прозелитизм ҳаракати маънавий таҳдид сифатида дунё миқёсида кескинлик ва қарама қаршиликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Бу эса, ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган прозелитизм тўғрисида жиддий фикрлашни тақоза этмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ислом Каримов қайд этганидек: “агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин”¹. Зоро, маънавий таҳдид сифатида намоён бўлаётган прозелитизм юртдошларимиз эътиқодига рахна солиш орқали руҳий дунёсини издан чиқаришга замин яратишини англаш лозим. Шу тариқа, прозелитизм миллий ва диний адватларни шакллантириш орқали бошқа дин вакилларининг диний тўйғуларини камситилиши ҳамда ҳақоратланишига замин яратмоқда. Талаффуз қилишида тил қавариб кетадиган бу атаманинг шарқча номи “муртадлик” дейилади². Прозелитизм туфайли дунё миқёсида аксарият ҳолатларда ҳақоратлар, зўровонликлар, кўрқитишлиар диний аснодаги урушларни вужудга келтирмоқда. Бинобарин, мазкур ҳолатлар прозелитизм оқибатида дунё миқёсида бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Ўзида ғаразли ва бузғунчи мақсадларни намоён этувчи прозелитизм ўзининг сохта ғояларига ишонтириш орқали диндан қурол сифатида фойдаланаётганлиги ташвишилайдир. Айнан, прозелитизм жуда узоқни кўзлайдиган давом-

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 113.

² Куронов М. Никоб ортига бир нигоҳ. - Тошкент: Маънавият, 2018. 11 б.

ли ғаразли мақсадлари туфайли диний адоватни шакллантириш ва кучайтириш орқали диний, ирқий, миллий низоларни вужудга келтирмоқда. Прозелитизм ҳаракати ҳар қандай халқ ва миллатнинг маънавиятига қарши қаратилганлиги билан ҳатарли ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ташвишлидир. Масаланинг жиддий томони шундаки, мазкур ҳаракат натижасида ўзга мамлакатларнинг давлат суверенитетига, конституциявий тузумига нисбатан амалга оширилаётган сиёсий босим ва тажовузларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсади ётади. Бошқача қилиб айтганда, маънавий-маданий қадриятлар ҳамда диний воситалар орқали бошқа давлатларнинг ички ишларга аралашув сингари қонунга зид ҳаракатларни қўриш мумкин.

Прозелитизм ҳаракатининг сиёсий моҳияти айrim давлатларда ҳукм сураётган нотинч вазиятлардан фойдаланган ҳолда, ҳокимият бошқаруvida вужудга келаётган айрмачилик (сепаратизм), жумладан диний асосдаги ғайри инсоний тамойилларни амалга ошириш орқали парокандаликни юзага келтиришни назарда тутади. Айниқса, глобаллашув жараёни прозелитизм ҳаракатини дунё миқёсида кенг фаолият олиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, прозелитизм замирида жуда катта хавф яширган бўлиб, ғоявий-мафкуравий кураш тобора кучайтганлигини англаш лозим. Шу тариқа, прозелитизм тарафдорлари жамият ва давлат миқёсида вужудга келаётган маънавий бўшлиқни тўлдиришга интилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилаётганлиги намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда прозелитизм тарафдорлари кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва пардалар остида фаолият кўрсатаётганлиги ташвишлидир. Зеро, мазкур ҳара-

кат тарафдорлари ўз фаолияти жараёнида пухта ййланган, узоқ ва давомили ёвуз мақсадларни кузлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Ўз навбатида, прозелитизмнинг мазкур тожовузкорона ҳаракатлари халқимиз ва миллатимиз учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни ватанимиз келажаги ҳисобланмиш ёшларимиз онги ва қалбига синдиришга қаратилгани айниқса ҳатарлидир.

Прозелитизмнинг асосий мақсади геосиёсий манфаатини кўзлаган ҳолда жамиятда қўпорувчилик ва саросималик келтириб чиқариш орқали амалдаги Конституциявий давлатга қарши ғалаёнлар қўтариш, юртимизда яшовчи миллат ва элатлар ўртасида, диний нифоқ чиқариб, республикамиздаги барқарорликка рахна солишидир. Айниқса, бу борада айрим сиёсий кучлар ўз мақсадларини амалга оширишда таъсир қўрсатишнинг бир қатор усусларидан фойдаланишни таклиф этиш ҳолатлари намоён бўлмоқда. Бу ҳақда Ислом Каримов: “булар орасида “зўрлик” (бу давлатларнинг) хом ашё экспортини тартибга солиш ёки тартибга соламан деб таҳдид қилиш, “тилёғламалик” (кредитлар, товар етказиб бериш, буюртмалар, имтиёзлар ва шу кабилар тарзидаги ҳарбий, иқтисодий ва молиявий ёрдам) сиёсий ҳам, “қўшиниларни олиб чиқиб кетиш ва ҳудудий даъволар билан таҳдид солиш” ҳам бор¹-, дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Бинобарин, иқтисодий ва сиёсий кучлар кўмаги асосида фаолият қўрсатаётган прозелитизм ҳаракатлари оқибатида бошқа дин ва маданиятлар таҳдид остида қолишга замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсида прозелитизмнинг фаоллашуви оқибатида ҳар бир халқнинг энг олий қадрият ҳисобланмиш иймон, эътиқод, муқаддас туйғулари ва онг-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тарқиёт йўлида. 6-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б.72.

ли фикрлашдан воз кечишга замин яратади. Шу тариқа, прозелитизм таъсирига тушган инсонларнинг аксарияти жамият ва давлат манфаатлари учун хавфли инсонга айланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтадиган бўлсак, прозелитизм оқибатида ўз эътиқодидан воз кечиб ўзга динни қабул қилиш нафақат оила балки жамият учун ҳам жиддий маънавий таҳдидлар туғдиришга замин яратади. Натижада, прозелитизм таъсирига тушган инсонлар ўз-ўзидан оила ва маҳалла муҳитидан ажралганилиги боис доимо жамият учун таҳдид тўғдириш орқали миллатимиз ва Ватанимиз учун хавф тўғдиради. Бинобарин, ўзида бўзғунчилик ғояларини тарғиб этувчи, диний экстремизм ва терроризмга замин яратувчи прозелитизм таҳдидини англаш, бартараф этиш ва олдини олиш бугунги куннинг асосий вазифаси эканлиги ҳар бир Ватандошимиз бурчидир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳаракатларни олдини олиш мақсадида ҳозирги кунга келиб дунёнинг 33 та давлатда прозелитизм ҳаракати умуман ман этилган бўлса, дунёнинг 81 та давлатда хорижий миссионерлар фаолияти чекланган. Шу ўринда, дунёдаги айrim сиёсий кучлар ўзларининг “истиқболли” режаларини амалга оширишда прозелитизмдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиши тобора кучаймоқда. Айниқса, мазкур ҳаракатлар турли дин ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликка путур етказиши орқали ўзининг ўзоқ ва давомли стратегик мақсадларини кузлаётганлигини англаш лозим. Ўзида ғаразли ва бузғунчи мақсадларни намоён этувчи прозелитизм ўзининг сохта ғояларига ишонтириш орқали диндан қурол сифатида фойдаланаётганлиги ташвишилдир. Айнан, прозелитизм жуда узоқни кўзлайдиган давомли ғаразли мақсадлари туфайли ҳозирда содир этилаётган дин келиш-

мовчиликларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бошқа динларга нисбатан қилинаётган зўравонликлар туфайли диний аснодаги келишмовчиликка замин яратмоқда. Шу ўринда, прозелитизм тарафдорлари диний адоватни шакллантириш ва қучайтириш орқали диний, ирқий, миллий низоларни вужудга келтирмоқда. Зеро, прозелитизм ҳаракати ҳар қандай халқ ва миллатнинг маънавий тараққиётига қарши қаратилганлиги билан ҳартарли ҳамда сиёсий эканлиги боис ташвишлидир. Масаланинг жиддий томони шундаки, мазкур ҳаракат натижасида ўзга мамлакатларнинг давлат суверенитетига, конституциявий тузумига нисбатан амалга оширилаётган сиёсий босим ва тажовузларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ётади. Бошқача қилиб айтганда, маънавий-маданий қадриятлар ҳамда диний воситалар орқали бошқа давлатларнинг ички ишларга аралашув сингари қонунга зид ҳаракатларни кўриш мумкин.

Прозелитизм ҳаракатининг сиёсий моҳияти айрим давлатларда ҳукм суроётган нотинч вазиятлардан фойдаланган ҳолда, ҳокимият бошқарувида вужудга келаётган айрмачилик (сепаратизм), жумладан диний асосдаги ғайри инсоний тамойилларни амалга ошириш орқали парокандаликни юзага келтиришни назарда тутади. Айниқса, глобаллашув жараёни прозелитизм ҳаракатини дунёмиқёсида кенг фаолият олиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, прозелитизм замирида жуда катта хавф яширган бўлиб, ғоявий-мафкуравий кураш тобора кучайтганлигини англаш лозим. Бу хақда фикр юритганда Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Бугунги кунда дунёning айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз берётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва тур-

муш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда”¹. Бинобарин, прозелитизм тарафдорлари жамият ва давлат миқёсида вужудга келаётган маънавий бўшлиқни тўлдиришга интилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилаётганлиги намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, прозелитизм тарафдорлари кўпинча турли никоблар, жозибали шиор ва пардалар остида фаолият кўрсатаётганлиги ташвишлайдир. Зеро, мазкур ҳаракат тарафдорлари ўз фаолияти жараёнида пухта ўйланган, узоқ ва давомили ёвуз мақсадларни кузлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Ўз навбатида, прозелитизмнинг мазкур тожовузкорона ҳаракатлари халқимиз ва миллатимиз учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни ватанимиз келажаги ҳисобланмиш ёшларимиз онги ва қалбига синдиришга қаратилгани айниқса ҳатарлидир. Ўтмишдан маълумки, прозелитизм билан шуғилланувчи шахсларга нисбатан доимо нафрат билан қаралган. Хусусан, прозелизм таъсирида инсонлар ўзларининг аждодлари эътиқод қилган азалий динларидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишган². Айнан, прозелитизм ҳаракати натижасида қисқа давр мобайнида кўплаб инсонларни ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга мажбур этишни англаш лозим. Айниқса, прозелитизм тарафдорларининг фаол тар-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. 12-13 б.

² Мусаев М. Миссионерлик ва прозелитизмнинг ғоявий-мафкуравий таъсири. Ином Бухорий сабоклари. – 2014. №2.Б.31.

ғибот ва ташвиқоти фуқароларни ўз эътиқодидан, миллий менталитети ҳамда халқнинг ўзига хос анъаналаридан воз кечишга унダメоқда. Шу тариқа, жамият ва давлат миқёсида фуқаролар ўртасида амал қилинаётган бағрикенглик муносабатидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш орқали конституцион қонунларни бузишга замин яратмоқда. Прозелитизм тарафдорлари жамият ва давлат миқёсида аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса ёшларнинг қалби ва онгини забт этиш орқали ёт ва бегона ғояларни тарғиб этиб ўзларининг ғаразли мақсадаларини кузлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Натижада, прозелитизм ҳар қандай халқ, миллат, давлатнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, унинг келажагига рахна солаётганлиги ташвишдир.

Дунё миқёсида фаол прозелитизм ҳаракатлари билан шуғилланаётган секта “Иегова гувохлари” сектасидир. Мазкур секта дунё миқёсида турли миллат ва элатларнинг тил грамматикаси, лексикасини пухта ўрганиш орқали таъсир қиласидан психологик методлардан усталик фойдаланишида. “Иегова гувохлари” сектаси томонидан олиб бориляётган фаол прозелитизм оқибатида бошқа динларга қарши нафрат тўйғусини уйғотиш орқали христианликнинг миллий анъаналари “Библия”га мутлоқа зид эканлиги намоён бўлмоқда. “Иегова гувохлари” сектасининг таълимотидаги ғоялар христианлик, ислом дини вакилларининг онги ва қалбига салбий таъсир кўрсатиш орқали уларда руҳӣ азобланиш ҳатларини келтириб чиқармоқда. Мазкур секта аъзолари гипноз орқали “невролингвистик” методларни қўллаб инсонлар онги ва қалбига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, “Иегова гувоҳлари” сектаси таълимотини акс этувчи адабиёт ва журналларда оилани бузишга бўлган

мажбуровчи босимлар фуқаролар эркинлигига тажовуз қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. “Иегова гувоҳлари” сектаси ўзларининг “баландпарвоз” даъватлари орқали ёшларни ўз сафларига тортишга интилаётганлигини куриш мумкин. Хусусан, “Иегова гувоҳлари” таълимотида ёшларни сектага жалб этишда энг аввало, психологик таъсир ўтказишга бевосита эътибор қаратиб, “*сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!*” –деган қарашларини ёшларнинг онгиға сингдириш жараёни моҳирлик билан амалга оширилаётганлигини таъкидлаш уринли. Секта томонидан турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзининг диний қарашларини устун қўйишга бўлган ҳаракатлар аксарият ҳолатларда диний, мафкуравий, ғоявий адватни уйғотишга замин яратмоқда. Айниқса, секта томонидан фаол тарзда борилаётган прозелитизм оқибатида ташкилотнинг диний адабиёт ва журналлари экстремистик руҳдаги материаллар эканлиги эътироф этилмоқда. Айниқса, прозелитизм оқибатида ўзга диндаги инсонларни динидан мажбурий возкечдириш орқали ўзининг динига нисбатан қарама қаршиликларни келтириб чиқараётганлиги ташвишлидир. Шутариқа, прозелитизм фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига ҳамда жамиятдаги ижтимоий – сиёсий мувозанатнинг емирилишига замин яратмоқда. Айниқса, прозелитизм ҳаракатлари натижасида жамият ва давлат миқёсида агрессив миллатчилик кайфияти вужудга келмоқда. Турли геосиёсий куч марказлари ўзларининг геостратегик мақсадлари йўлида “нишон” сифатида танланган мамлакатни қарам қилиб олиш учун аввало

мазкур халқни қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга эътибор қаратмоқда¹.

Африканинг жанубий ғарбида яшовчи готтентот халқида прозелитизмга бўлган муносабат ажойиб тарзда таъриф берилган. Готтентотлар хаётида хотинини ўғирлаш, инсон хаётида никохга хиёнат, ёки ундан хам ёмони, ажралишни билдиради. Христианлик тарихида эса – бу прозелитизмни англатиб, аслида динни алмаштириш сифатида бу ўлимга тенг таҳқирлаш ҳисобланади. Бугунги кунда прозелитизм тарафдорлари ўзга дин вакилларини ўз динига қаратиш мақсадида турли ҳил усуллар орқали яъни товламачилик, фригарлик, зўравонлик, ёлғон, пора бериш каби услублардан моҳироналик билан фойдаланиши дин ва диний конфессиялар ўртасида амалга оширилаётган шубхали тарғибот усулларини қўллаши табиийки, диний адоватларни кучайтириб динлараро норозиликни келтириб чиқаришга замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида диний мақсадларни ўзида намоён этувчи сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, республикамиизда диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Ўз навбатида, прозелитизм ҳаракатлари оқибатида диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб бориш орқали душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий меъёрларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи ўйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият

¹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий қурашнинг долзарб йўналишлари. Тошкент ислом университети нашриёт матбаа босмахонаси. Т, 2014. Б.6.

ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Хусусан, ўзида ғаразли мақсадларни кўзловчи терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган прозелитизм ҳаракатини олиб борувчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти қонунан тақиқланади. Зеро, прозелитизм таъсирига берилган инсонда ўз ота-онаси, оиласи, Ватани ва миллатига нисбатан эътиқоди йўқолади. Прозелитизмнинг асосий мақсади геосиёсий манфаатини кўзлаган ҳолда жамиятда қўпорувчилик ва саросималик келтириб чиқариш орқали амалдаги Конституциявий давлатга қарши ғалаёнлар кўтариш, юртимизда яшовчи миллат ва элатлар ўртасида, диний нифоқ чиқариб, республикамиздаги барқарорликка рахна солиш эканлиги намоён бўлмоқда.

Бинобарин, мазкур ҳолат, ўз навбатида, ўзга дин вакилларининг диний эътиқодига нисбатан адоват уйғотиш орқали уларнинг хақ ҳуқуқлари поймол этилишига, уларнинг диний эътиқодларини камситилишига сабаб бўлмоқда. Шутариқа прозелитизмнинг мазкур кўринишлари жамият хавфсизлиги ва давлат барқарорлигига нисбатан реал хавф келтириб чиқаришини англаш лозим. Айниқса, прозелизм ҳаракатлари ўтмишда давлатлараро бўлиб ўтган низоларда асосий ўрин тутиб, урушлар вақтида мустамлакачи-империяларни барпо этиш ва мустаҳкамлашда ғоявий-мафкуравий ҳужум қуроларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этган. Зеро, прозелитизмнинг асл моҳияти удинни тарғиб этишни эмас, балки сиёсий мақсадларни ўзида намоён этмоқда. Айниқса, миссионерлик ва прозелизм ҳаракатлари XIX асрда Осиё, Африка ва Америкада ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишда муҳим ўрин тутган. Прозелизм тарафдорлари фаолият юритган минтаقا ва

ҳудудда бирга ишлаган империалист кучларга ёрдам кўрсатган. Ушбу ўзаро алоқада баъзи ифодаларга кўра прозелитизм империализмнинг актив агентлари (вакиллари) номи билан фаолият кўрсатганлар¹.

Айниқса, мазкур ҳаракатлар замирида ҳар қандай жамият ва давлатни диний аснода бўлиб ташлашга бўлган ҳаракатлар намоён бўлаётганлигини англаш қийин эмас. Шу тариқа, прозелитизм оқибатида ҳар қандай жамият, давлат миқёсида фанатизм, миллатчилик ва диний фундаментализмнинг кучайиши учун замин яратганлигини англаш лозим.

Шу ўринда, халқимизни ўз кўзлаган мақсадларидан оғдиришга уринаётган прозелитизм тарафдорларининг разил ва ғаразли ниятларидан ўз вақтида огох бўлиш, уни олдини олиш уларнинг ўринсиз тарғиботларига қарши мунтазам сергакликни барча юртдошларимиздан талаб этади. Ислом Каримов қайд этганидек: "...бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кескинлик ва қарама-қаршиликлар туғдирмоқда, миллионлаб одамларни умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишонсизлик билан қарашга сабаб бўлмоқда"², - дея бежиз таъкидламаган эди. Республикамизда прозелитизм харатати хавфини бартараф этиш йўллари ва хуқуқий механизmlари хақида сўз юритганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ўзбекистон – суверен демократик республика" (1-модда) ва "Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас" (12-модда) деб белгилаб қўйилганлигига алоҳида эътибор қаратиш ло-

¹ Shillington K. History of Africa. London, 1995, ss. 292 vd.

² Каримов И.А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2006. Б.263.

зим¹. Бинобарин, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш асосида ривожланиши халқнинг хоҳиш-иродаси бўлиб, жамиятда хеч қандай, шу жумаладан диний мафкура устувор ўрин тутишга йўл қўйилмаслигини англатади.

Ҳозирги кунда республикамиз мустақиллигига ва ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жимиятини барпо этишда шовинистик, экстремистик руҳдаги прозелитизм ҳаракатлари рахна солувчи омилдир. Бинобарин, шовинистик, экстремистик руҳдаги прозелитизм ҳаракати юртимизда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамият барпо этиш, виждон эркинлиги ва дунёвий давлат қуриш тамойилларига мутлақо зиддир. Юртимизда прозелитизм ҳаракатини олдини олишда қуидаги омилларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

- миллий манфаатларимиз ва ҳаёт тарзимизга зид бўлган ўзида заарли ғоялар ва мафкуравий хуружларни намоён этувчи прозелитизм моҳиятини англаш ва аниқлаш орқали уни асил моҳиятини очиб бериш;
- миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона турли хуружлар, ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли прозелитизм ҳаракатига қарши жамиятнинг барча қатламларини мафкуравий қуроллантириш мақсадида тарғибот ва ташвиқотни амалга ошириш;
- миллий маънавиятимизга рахна солиш орқали миллий ўзликни англашга путур етказувчи турли динлар орасида нифоқ солиш орқали низо келтиришга интилаётган прозелитизм ҳаракатига йўл қўймаслик;
- юртимизга четдан ўзида “ўзга” маданиятни тарғиб этувчи прозелитизмнинг турли ҳил таҳдидларидан асраш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 4, 6.

унга қарши курашда узликсиз таълимнинг барча босқичларини, нодавлат ва нотижорат ташкилотларини бир мақсад йўлида сафарбар этиш.

Шунингдек, юртимиз ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар онгида соғлом эътиқодни шакллантириш, шовинистик ва экстремистик ғояларни тарғиб этувчи прозелитизм таъсиридан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш ўринли. Бу борада мазкур ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда Республика маънавият тарғибот маркази томонидан олиб борилаётган тажрибалари асосида прозелизм харакатини бартараф этишда, аввало, оила, таълим соҳаси ва жамоат ташкилотларини маънавий-маърифий қадриятларини шакллантириш мамлакатимизда жамиятимизнинг барча қатламларини прозелитизм таҳдидига қарши ғоявий-мафкуравий қуроллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлаш учун ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни Конституция асосида бир қатор қонуний, ҳуқуқий ва меъёрий хужжатлар қабул қилиниши мамлакатимиздаги диний ташкилотлар ва конфессиялар ўртасидаги ўзаро ижобий муносабатларни таъминлашда муҳим аҳамият касб ўтамоқда. Хусусан, Конституциямизнинг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹, деган қоида мустахкам белгилаб қўйилган. Айниқса, Конституциямизда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.8.

белгилаб қўйилган ушбу ҳуқуқ прозелитизм ҳаракати мутлақо ноқонуний эканлигини кўрсатади. Бинобарин, прозелитизм ҳаракатлари замирига эътибор қаратилса, алдов ва мажбурлаш каби услублардан кенг фойдаланилмоқда. Ўз навбатида мазкур ҳолат барча юртдошларимиздан масалага тўғри баҳо бериш ҳамда уларга қарши курашда қонун кучидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда виждан эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш ва ҳаётимизда тадбиқ этиш ва таъминлаш учун тўла қонли ҳуқуқий тизим яратилган. Бу борада, 1998 йил 1 майда республика Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилиниб, 1998 йил 15 майдан эътиборан кучга кирган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг янги таҳририга бевосита асосланган. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра, “Виждан эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат конституциявий ҳуқуқидир”¹, – деган қонун алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда, ушбу қонуннинг замирига эътибор қаратилса, аввало, диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш, диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик, диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Давлатимиз томонидан қабул қилинган мазкур қонун, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир шахснинг виждан эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” қонуни, 3-модда, 1-банд.. - Тошкент: Адолат, 1998. 1 май.

қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларини тартибга солиб туришни ўз зиммасига олади. Айниқса, янги таҳрирдаги мазкур қонун дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилувчи халқаро стандартлар мувофиқ демократик тамойиллар асосида яратилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти “Инсон ҳуқуқлари Умумжоҳон Декларацияси” ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Пакт” каби халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган хужжатларини ўзида тўлиқ намоён этади. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрири¹даги қонунининг 1-моддасида ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган. Бинобарин, юртимиизда ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва эътиқод ҳуқуқини таъминлаш динга муносабатида қатъи назар фуқароларни тенглигини таъминлаш белгилаб қўйилган. Ушбу қоидага кўра, прозелитизм тарафдорларини ҳаракати натижасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини бўзишга бўлган ҳаракатлар қонунан тақиқланиши ўз ифодасини топганлигини англаш лозим. Шунингдек, ушбу қонуннинг З моддасида Виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод эт-

¹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Тошкент: Адолат, 1998.

масликка, ибодат қилишда, диний расм-руслар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди. Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди. Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равища виждан эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар. Мазкур ҳолат, прозелитизм ҳаратати оқибатида диндорларни диний туйғуларини камситиш, вояга етмаган болаларни қонунга зид равища диний ташкилотларга жалб этиш, жамоат тартибини бўзишга бўлган каби ҳолатлар қонунан чекланиши ўз ифодасини топган. Мазкур қонуннинг 4 моддасида фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган.

Бугунги кунда аҳоли турмуш тарзида диннинг ўрни қандай? Одамлар давлат томонидан бу йўналишда яратиб берилаётган шарт-шароитларни тўлиқ ҳис қиласяптими? Шу мазмундаги саволлар билан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази юртдошларимиз муносабатини ўрганди. Социологик сўров, асосан, ислом динига эътиқод қилувчи респондентлар ўртасида ўтказилиб, рес-

публикамизнинг барча ҳудудида яшаётганлар фикри чуқур таҳлил қилинди. Сўралган фуқароларнинг 42,4 фоизи эркаклар ва 57,6 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлди. Давлат томонидан дин соҳасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ижобий баҳоланмоқда. Умуман, мамлакат бўйича ушбу кўрсаткич 2017 йилда 90,1 фоизни ташкил қилди. Барча миллат вакиллари, қайси динга мансуб бўлишидан қатъи назар, мулоқот давомида кўпинча “Яратганга шукр” ёки “Худо хоҳласа” каби сўзларни тилдан қўймайдилар. Бу, албатта, яхши фазилат. Шу маънода, сўровга қамраб олингандарнинг мутлақ кўпчилиги (97,4 фоизи) ўзини “Аллоҳга ишонувчилар” деб ҳисоблайди. Шуни унутмаслик керакки, респондентларнинг ўз эътиқодларига оид берган баҳоси кўпинча мамлакат аҳолисининг дунёқараши, нуқтаи назарини аниқлаш учун холис асос бўла олмайди. Таҳлиллар, ҳатто ўзини “энг аввало, мусулмонман” деб ҳисобловчи (41 фоиз) респондентлар кўпчилиги ҳам турмуш тарзини “Аллоҳга ишонса-да, аммо ўзини дунёвий кишилар” (40,5 фоиз) сифатида баҳолашини кўрсатади. Қатнашчиларнинг 32,2 фоизи “Яратганни ўз қалбида” деб билади. Бундай нуқтаи назар юртдошларимизга хос бўлган жиҳат билан, яъни ижтимоий ҳаётда диннинг ролини рационал идрок қилаётганлигидан, ўзаро муносабатларда маънавий-ахлоқий меъёрлар қўллаб-қувватланаётганлигидан далолатдир¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий хужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик

¹ <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/13378-1>

ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради. Ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга муовифик бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади, деган қоида мустахкамлаб қўйилган. Бинобарин, мазкур моддага кура, прозелитизм ҳаракати оқибатида ўзга дин вакилларини диний туйғуларини камситиш, ҳақоратлаш, зўровонлик асосида ўз эътиқодидан воз кечишга мажбурлаш қонунан тақиқланиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу ҳақда Ислом Каримов: “Биз бошқа динларга, бошқа миллат ва элатларга, уларнинг урф-одатларига ҳурмат билан қараймиз. Ёшларимиз, албатта, Ғарб маданиятидан, бугунги демократия тамойилларидан ҳабардор бўлиши керак, лекин ота-боболаримиздан қолган, бизга динимиз уқтирадиган арконлардан, қоидалардан ҳеч қачон чекин-маслик лозим”¹, – дея таъкидлаган эди. Шунингдек, ушбу қонуннинг 5-моддасида давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 12-жилд. Б.108.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва то-тувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди.

Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди. Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, аҳлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, йўналишлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазийик ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яши-

рин диний фаолият қонун билан тақиқланади¹. Шу ўринда, ўзида ғаразли мақсадлари кўзловчи дин ва диний конфесиялар ўртасида адоват қўзғотишга интилувчи прозелизм фаолиятини олиб бориши ушбу қонун хужжатларида тақиқланган.

Ўз навбатида, мазкур қонуннинг 14-моддасида диний урф-одатлар ва маросимлар ўз ифодасини топган бўлиб, ибодат, диний расм-руслар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳакли эмас. Шу ўринда кейинги вақтларда прозелизм ҳаракатларини фаол тарзда олиб бораётган аксарият тоталитар секталар диний ташкилотни ривожлантириш мақсадида “умумий фаолият” учун моддий маблағлар йиғиши талаб этилиши тобора кучаймоқда. Энг ачинарли томони прозелизм тузоғига илинган инсонларнинг аксарияти прозелитларининг сохта даъватларида ишониб, ўзининг пул маблағлари, мол-мулки ва уйларидан айрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси²да прозелизм ҳаракатларини олиб

¹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Адолат, 1998.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004.

бориш қонунан тақиқланиши ўз ифдоасини топган. Ўз навбатида мазкур кодекснинг 184-моддаси жамоат хавф-сизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлашга доир фикрлар ўз ифодасини топган. Хусусан, мазкур моддада диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлиши ўз аксини топган. Ўз навбатида, мазкур қонуннинг 184/2-моддасига кўра, диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш қонун тақиқланади. Шу ўринда, диний материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиш белгилиаб қўйилган. Айнан, мазкур қонунга кўра, прозелитизм оқибатида ўзида ғаразли мақсадларни кўзловчи диний экстремистик рухдаги материалларни юртимизга олиб кириш, тарқатиш бевосита мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солишини англаш лозим. Таъкидлаш жоизки, прозелитизм замирида ўзга дин вакиллари ўртасида адоват қўзғотиш орқали диний низоларни келтириб чиқариш ҳолатлари

тобора кучаймоқда. Ўз навбатида мазкур фикрлар ушбу қонуннинг 184-З-моддасида ўз ифодасини топган. Хусусан, ушбу моддага кўра, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш қонун тақиқланади.

Шу ўринда, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса, юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу қоида замирига эътибор қаратилса, юртимизда фаолият кўрсатаётган конфессиялар ўртасида диний адоват қўзғотиш орқали миллий, ирқий, этник муаммоларни келтириб чиқаришга замин яратувчи прозелитизм ҳаракатларини олиб бориш асло мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим. Мазкур қонуннинг 201-моддасига кўра, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига замин яратувчи прозелитизм ҳаракатларини олиб бориш энг кам иш ҳақининг олтмиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши алоҳида таъкидланган. Бинобарин, прозелитизм ҳаракати оқибатида диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш ҳолатлари содир этилганда энг кам иш ҳақининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш ушбу қонунда кўрсатиб ўтилган. Бу ҳақда Ислом Каримов қайд этганидек: “Ўз ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кирдикор ва

чиқишлиар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва элатлар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва изчил давом этадиган фаолиятини йўқقا чиқармоқда”¹, – дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 202/1-моддасида прозелизм ҳаракатлари оқибатида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, йўналишлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Хусусан, прозелизм тарафдорлари кейинги вақтларда ўз фаолиятини никоблаш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари моқомидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратадётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Прозелизм тарафдорлари ўз фаолиятини никоблаш мақсадида тил ўргатиш, компьютер ўргатиш, турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашда турли туман ўқув марказлари ташкил этиш, “беғараз” ҳайрия ёрдамларини кўрсатувчи ташкилотлар қиёфасида намоён бўлмоқда. Айниқса, прозелизм тарафдорлари юртимизда ўз фаолиятини амалга оширишда бир қатор ҳорижий асосан инглиз тилни ўргатиш баҳонасида мамлакатимиздаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатишга интилаётганлиги намоён бўлмоқда. Бинобарин, прозелизм тарафдорлари ўз ғояларини ёшлар орасида тарғиб этиш орқали келажакда ўзларининг истиқболли режа ва мақсадларини кўзлаётганлигини бевосита англаш лозим. Бунинг учун улар диний конфессиялар ўртасида низоларни вужудга келтириш, турли диндорларга эътиқод қилувчиларни бир-

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 14-жилд. Б.264.

бирига қарши қўйиш йўли билан мамлакатда сиёсий бекарорликни вужудга келтиришга бор кучи, маблағларини ишга соладилар, бундай шароитида миллий маънавиятнинг ривожланиши имкониятлари чекланиб боради¹. Шу тариқа, прозелитизм ўз мақсадларини амалга ошириш орқали энг аввало, муайян минтақа ва мамлакат миқёсида сепаратизмнинг кучайишига замин яратади. Прозелитизм тарафдорлари жамият ва давлат миқёсида аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса ёшларнинг қалби ва онгини зabit этиш орқали ёт ва бегона ғояларни тарғиб этиб ўзларининг ғаразли мақсадаларини қузлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Натижада, прозелитизм ҳар қандай халқ, миллат, давлатнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, унинг келажагига рахна солаётганлиги ташвишdir.

Дунё миқёсида фаол прозелитизм ҳаракатлари билан шуғилланаётган секта “Иегова гувохлари” сектасидир. Мазкур секта дунё миқёсида турли миллат ва элатларнинг тил грамматикаси, лексикасини пухта ўрганиш орқали таъсир қиласиган психологик методлардан усталик фойдаланишади. “Иегова гувохлари” сектаси томонидан олиб борилаётган фаол прозелитизм оқибатида бошқа динларга қарши нафрат тўйғусини уйғотиш орқали христианликнинг миллий анъаналари “Библия”га мутлоқа зид эканлиги намоён бўлмоқда. “Иегова гувохлари” сектасининг таълимотидаги ғоялар христианлик, ислом дини вакилларининг онги ва қалбига салбий таъсир кўрсатиш орқали уларда руҳий азобланиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Мазкур секта аъзолари гипноз орқали “невролингвистик” методларни қўллаб инсонлар онги ва қалбига салбий таъсир кўрсатмоқда.

¹ Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий – маънавий хавфсизлик. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. Б.299.

Шунингдек, “Иегова гувоҳлари” сектаси таълимотини акс этувчи адабиёт ва журналларда оилани бузишга бўлган мажбурловчи босимлар фуқаролар эркинлигига тажовуз қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. “Иегова гувоҳлари” сектаси ўзларининг “баландпарвоз” даъватлари орқали ёшларни ўз сафларига тортишга интилаётганлигини кўриш мумкин. Хусусан, “Иегова гувоҳлари” таълимотида ёшларни сектага жалб этишда энг аввало, психологик таъсир ўтказишга бевосита эътибор қаратиб, “сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!” – деган қарашларини ёшларнинг онгига сингдириш жараёни моҳирлик билан амалга оширилаётганлигини таъкидлаш уринли. Секта томонидан турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзининг диний қарашларини устун қўйишга бўлган ҳаракатлар аксарият ҳолатларда диний, мафкуравий, ғоявий адоватни уйғотишга замин яратмоқда. Айниқса, секта томонидан фаол тарзда борилаётган прозелитизм оқибатида ташкилотнинг диний адабиёт ва журналлари экстремистик руҳдаги материаллар эканлиги эътироф этилмоқда. Айниқса, прозелитизм оқибатида ўзга диндаги инсонларни динидан мажбурий возкечдириш орқали ўзининг динига нисбатан қарама қаршиликларни келтириб чиқараётганлиги ташвишлидир. Шутариқа, прозелитизм фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларининг бузилишига ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мувозанатнинг емирилишига замин яратмоқда. Айниқса, прозелитизм ҳаракатлари натижасида жамият ва давлат миқёсида агрессив миллатчилик кайфияти вужудга келмоқда. Турли геосиёсий куч марказлари ўзларининг геостратегик мақсадлари йўлида “нишон” си-

фатида танланган мамлакатни қарам қилиб олиш учун аввало мазкур халқни қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга эътибор қратмоқда¹.

Африканинг жанубий ғарбида яшовчи готтентот халқида прозелитизмга бўлган муносабат ажойиб тарзда таъриф берилган. Готтентотлар хаётида хотинини ўғирлаш, инсон хаётида никохга хиёнат, ёки ундан хам ёмони, ажралишни билдиради. Христианлик тарихида эса – бу прозелитизмни англатиб, аслида динни алмаштириш сифатида бу ўлимга teng таҳқирлаш ҳисобланади. Бугунги кунда прозелитизм тарафдорлари ўзга дин вакилларини ўз динига қаратиш мақсадида турли ҳил усуллар орқали яъни товламачилик, фрибгарлик, зўравонлик, ёлғон, пора бериш каби услублардан моҳироналик билан фойдаланиши дин ва диний конфессиялар ўртасида амалга оширилаётган шубхали тарғибот усулларини қўллаши табиийки, диний адоватларни кучайтириб динлааро норозиликни келтириб чиқаришга замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида диний мақсадларни ўзида намоён этувчи сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, республикамида диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Ўз навбатида, прозелитизм ҳаракатлари оқибатида диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб бориш орқали душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий меъёрларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи ўйдирмаларни тарқа-

¹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий қурашнинг долзарб йўналишлари. Тошкент ислом университети нашриёт матбаа босмахонаси. Т, 2014. Б.6.

тишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Хусусан, ўзида ғаразли мақсадларни қўзловчи терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган прозелитизм ҳаракатини олиб борувчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти қонунан тақиқланади. Зеро, прозелитизм таъсирига берилган инсонда ўз отонаси, оиласи, Ватани ва миллатига нисбатан эътиқоди йўқолади. Прозелитизмнинг асосий мақсади геосиёсий манфаатини қўзлаган ҳолда жамиятда қўпорувчилик ва саросималик келтириб чиқариш орқали амалдаги Конституциявий давлатга қарши ғалаёнлар қўтариш, юртимизда яшовчи миллат ва элатлар ўртасида, диний нифоқ чиқариб, республикамиздаги барқарорликка рахна солиш эканлиги намоён бўлмоқда.

Бинобарин, мазкур ҳолат, ўз навбатида ўзга дин вакилларини диний эътиқодига нисбатан адоват уйғотиш орқали уларни хақ ҳуқуқларини поймол этилишига уларнинг диний эътиқодларини камситилишига сабаб бўлмоқда. Шу тариқа, прозелитизмнинг мазкур кўринишлари жамият хавфсизлиги ва давлат барқарорлигига нисбатан реал хавф келтириб чиқаришини англаш лозим. Айниқса, прозелитизм ҳаракатлари ўтмишда давлатлараро бўлиб ўтган низоларда асосий ўрин тутиб, урушлар вақтида мустамлақачи империяларни барпо этиш ва мустаҳкамлашда ғоявий-мафкуравий ҳужум қуроларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этган. Зеро, прозелитизмнинг асл моҳияти у динни тарғиб этишни эмас, балки сиёсий мақсадларни ўзида намоён этмоқда. Айниқса, миссионерлик ва прозелизм ҳаракатлари XIX асрда Осиё, Африка ва Америкада ўз давлатларининг сиёсатини ўtkазишда муҳим ўрин туттган.

Прозелитизм тарафдорлари фаолият юритган минтақа ва ҳудудда бирга ишлаган империалист кучларга ёрдам кўрсатган. Ушбу ўзаро алоқада баъзи ифодаларга кўра прозелитизм империализмнинг актив агентлари (вакиллари) номи билан фаолият кўрсатганлар¹. Айниқса, мазкур ҳаракатлар замерида ҳар қандай жамият ва давлатни диний аснода бўлиб ташлашга бўлган ҳаракатлар намоён бўлаётганлигини англаш қийин эмас. Шу тариқа, прозелитизм оқибатида ҳар қандай жамият, давлат миқёсида фанатизм, миллатчилик ва диний фундаментализмнинг кучайиши учун замин яратганлигини англаш лозим. Бу хақда Кембриж университети профессори Тимоти Уинтер: “Мақсадга эришиш учун бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш – бу дин талаб қиласидиган мутлақ ахлоқий чекловларга нисбатан тескари ишдир”², – дея таъкидлаб ўтади.

Зеро, мазкур омиллар дунё миқёсида бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқараётганлиги ташвишли ҳолдир. Хусусан, прозелитизм ҳаракатлари дунё миқёсида реал хавф сифатида давлатлараро муносабатларда алоҳида ўрин тутган. Айнан шу мақсадлари орқали амалдаги ҳукумат бошқарувига нисбатан фуқаролар ўртасида низо ва нифоқ солиш туфайли норозичилик кайфиятларини келтириб чиқариш асосий мақсади эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Шу тариқа, мазкур ҳаракатлар оқибатида дунё миқёсида диний тўқнашувларнинг авж олиши миллатлараро зиддиятларга замин яратмоқда. Жумладан, Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда жанубий Тиролия, Белгияда Фламандия, Туркияда курдлар муаммолари миллий низоларга, сиёсий-ижтимоий

¹ Shillington K. History of Africa. London, 1995, ss. 292 vd.

² Эргашев А. Глобаллашув огоҳликка ундейди // Туркистан. 2014. 13 декабр. №100. Б.3.

түқнашувларга сабаб бўлиб келади¹. Зеро, прозелитизм оқибатида диний адоват уйғотиш орқали миллатлараро зиддиятларга замин яратмоқда. Дунё миқёсида, миллий ва диний адоватларни келтириб чиқариш орқали хавфсизлик, барқарорликка рахна солувчи прозелитизм таҳдида қарши барча Юртдошларимизни ғоявий-мафкуравий қуроллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хуллас, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида фаолият кўрсатишаётганлиги айниқса, ташвишлидир. Миссионерлик ва прозелитизмнинг кучли сиёсий тарғибот ва ташвиқоти орқали дунё миқёсида ўзларининг диний таълимотини ўзга дин вакиллари ўртасида ҳақ эканлигини исботлаш мақсадида турли усуллардан фойдаланишмоқда. Айниқса, миссионерлик ташкилотлари адепт (ташкилотга қабул қилинган янги аъзо)ларни доимо ўз назоратида бўлишга алоҳида эътибор қаратишади. Шу тариқа, миссионерлар ўз аъзоларига доимо ўзларини хақ эканлигини таъкидлаб, ўзга ахборот манбаларини узиб қўйиш ёки уларни иғво қилиш муҳим ўрин тутади.

3.3. Мамлакатимизда миссионерлик ва прозелитизм таҳдиини бартараф қилишнинг истиқболдаги вазифалари

Глобаллашув шароитида диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳамкорликка мамлакат тараққиёти ва истиқболига рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм таъсири қўзга ташланаётганлиги ташвишли ҳол-

¹ Мусаев О.Р. Миллатлараро зиддиятларнинг ижтимоий омиллари. “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови”. Халқаро конференция материаллари тўплами. Т.: 2014. 12 ноябрь. ТИУ.НМБ. Б.246.

дир. Бинобарин, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати энг аввало, конфессиялараро бирдамлик, тотувлик ҳамда ҳамкорликка рахна солаётганлигини таъкидлаш лозим. Айни шу маънода, бугунги кунда юртимиизда жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнининг тобора кучайиши миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини кенг миқёсда фаолият кўрсатишга замин яратмоқда. Ўз навбатида, мафкуравий-ғоявий таъсир кўрсатишнинг кучайиши миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини дунё миқёсида тарғибот ва ташвиқот қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, XXI асрга келиб мафкура полигонларида мазкур ҳаракатларнинг кучайиши энг аввало, ғоявий мафкуравий таъсир ўтказишида тобора кучаймоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “*Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимиизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши қурашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу – замон талаби*¹”, – дея таъкидлаган эди. Айнан, дунё миқёсида мафкуравий кураш энг катта таъсирчан курол сифатида намоён бўлмоқда. Зоро, глобаллашув жараёни дастлаб халқаро иқтисод ҳамда ахборот ва коммуникация соҳаларида намоён бўлган бўлса, бугун ўзининг бетўхтов ривожланиши натижасида дунё мамлакатлари тараққиётининг деярли барча муҳим жабҳаларини қамраб олмоқда. Шу тариқа, ушбу жараён мамлакатларнинг нафақат ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларига балки уларнинг ички сиёсатига бевосита таъсир

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

ўтказмоқда¹. Хусусан, мазкур ҳаракатларнинг тобора кучайиши дунё жамоатчилиги онги, руҳияти ва маънавиятига жиддий таъсир ўтказишга замин яратмоқда. Бинобарин, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари оқибатида миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан рахна солаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар сифатида намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, мазкур ҳаракатларнинг ижтимоий намоён бўлиши ҳар қандай жамият ва давлат учун ҳатарлидир. Зоро, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари замирида ўзга дин вакилларига нисбатан адоват уйғотиш орқали миллий, ирқий низоларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари ўзида ақидапастлиқ, фанатизм, айирмачилик, қўпорувчиликни намоён этаётганлиги ташвишли ҳолдир. Айниқса, бугунги кунда мазкур ҳаракатларнинг дунё миқёсда авж олиши салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бинобарин, дунёда содир этилаётган диний аснодаги низоларнинг аксарияти миссионерлик ва прозелитизм оқибатида вужудга келаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Дунё миқёсда илм-фан технологияларининг тараққиий этиши мазкур ҳаракатларни дунёда кенг миқёсда ёйилишига замин яратмоқда. Айнан, миссионерлик ва прозелитизмни намойишкорона ҳаракатларининг кучайиши конфесиялараро зиддиятларни шакллантирмоқда. Хусусан, диний ва миллий низоларнинг авж олиши бевосита ўзга дин вакилларига нисбатан салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бинобарин, жаҳоннинг турли бурчакларида диний низоларни келиб

¹ Азамат Шаймқулов. Глобаллашув даврида изчил демократик тараққиёт хавфсизлигини таъминлаш. Демократлаштириш ва инсон хуқуqlари. 2014 йил №1 Б.46

чиқишига замин яратадиган миссионерлик ва прозелизмнинг сохта ғоялари аксарият ҳолатларда қонли тўқнашувларни вужудга келтирмоқда. Хусусан, мазкур ҳаракатлар оқибатида диний адоват уйғотиш орқали осойишталикка путур етиши натижасида бегуноҳ инсонларни бевақт вафот этишига замин яратган. Айниқса, мазкур ҳаракатлар оқибатида 1990 йилда Африка минтақасидаги Руанда мамлакатида бўлиб ўтган шиддатли тўқнашувлар натижасида кўплаб бегуноҳ фуқароларни бевақт вафот этганлигини мисол тариқасида айтиб ўтиш уринли. Бу хақда Кембриж университети профессори Тимоти Уинтер: “Мақсадга эришиш учун бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш – бу дин талаб қиласидан мутлақ ахлоқий чекловларга нисбатан тескари ишдир”¹, -дея таъкидлаб ўтади. Зоро, дунёдаги мавжуд расмий динлар ўз моҳиятига кўра, ўзида эзгулик, бунёдкорлик ғояларини мужассам этади. Вахоланки, ҳеч қайси дин ва диний таълимотларда бегуноҳ инсонларни бевақт ўлимини оқламайди. Айнан, дунё ҳамжамиятини миссионерлик ва прозелитизм фаолияти жиддий ташвишга солаётганлигини ташвишлидир. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм фаолияти аксарият ҳолатларда жамоат хавфсизлиги ва тартибини бузиш, фуқаролар соғлиғи ва маънавиятига зиён етказиш ҳолатлари тобора кучаймоқда. Ўз навбатида мазкур ҳолат дунёнинг бир қатор мамлакатларида миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатларидан огох бўлишни тақозо этмоқда. Зоро, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорларининг айрим усул воситалардан фойдаланиш бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини бузишга замин яратмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизмнинг бундай таъсир воси-

¹ Эргашев А. Глобаллашув огоҳликка ундаиди // Туркистон. 2014. 13 декабр. №100. Б.3.

таси оқибатида шахс ўзининг ижтимоий чегаралари ва қадриятларини йўқотиб, ўз-ўзини баҳолаш мезонини пасайишига ҳамда руҳий ҳолатини издан чиқармоқда.

2017 йил 19 январида Самарқанд шаҳрининг навбатчилик хизматига эътиборли фуқаролар қўнғироқ қилиб, Даҳбет кўчасидаги хусусий ҳовлилардан бирида тўпланган шубҳали шахслар ҳақида хабар қилишган. Фуқаролар маълумотига зудлик билан чора кўрган ҳуқуқ-тартибот идорасининг бир гурӯҳ ходимлари вазиятни аниқлаш бўйича айтилган манзилга йўл олишган. Аниқланишича, айтилган манзил бўйича ноқонуний, яширин диний ташкилот ҳисобланувчи «Иегова шоҳидлари» аъзолари – адептларнинг руҳсат берилмаган диний йиғилиши ташкил этилган.

Ҳуқуқ идоралари ходимлари, Самарқанд шаҳар Даҳбет кўчаси 21 уйда яшовчи фуқаро Қосимова Розия Азимовна, ўзи истиқомат қиласидиган уйда Самарқанд вилояти адлия идораларида рўйхатга олинмаган «Иегова шоҳидлари» диний ташкилотига аъзо бўлган адептларнинг ноқонуний йиғилишини уюштирганини аниқлашган. Суриштирув чоғида Самарқанд шаҳри ва унга яқин ҳудудларда яшовчи 9 киши йиғинда қатнашгани маълум бўлган. Йиғилиш ўтказилаётган уй кўздан кечирилганда диний мазмундаги арабиётлар аниқланган ва процессуал тартибда «Инжил», «Муқаддас китоб», «Рассуждение с помощью писаний», «Организованный чтобы исполнять волю Иеговы», «Познание ведущее к вечной жизни», «Руководство для школы теократического служения», «Фарзандларингизга таълим беринг», «Муқаддас китоб таълимотлари», «Духи мёртвых» журнали, Ислом динига боғлиқ бўлмаган диний мазмундаги варақалар, 2 дона планшет ашёвий далиллар сифатида мусодара қилинган. Атрофдаги кишиларнинг сўзларига кўра, Розия Қосимова узоқ вақт мобайнида Самарқанд

шахрининг мусулмон аҳолиси орасида ушбу ташкилотга киритиш бўйича ташвиқот ишларини олиб борган ҳамда «Иегова шоҳидлари» ташкилоти ғояларини тарғиб қилувчи адабиётларни тарқатган. Қайд этиш жоизки, Розия Қосимова 2007 йилда ҳам шу каби фаолияти учун маъмурый жазога тортилган. Айни вақтда, ноқонуний диний йиғилиш ташкилотчиси ва унинг фаол аъзоларини Маъмурый-процессуал кодекснинг 241-моддаси («Диний билимларни таълим бериш тартибини бузиш») ва 184-моддаси 2-банди (Диний мазмундаги материалларни ноқонуний тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ва тарқатиш)¹.

Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари жамиятни ичдан емирувчи иллат сифатида аксарият инсонларни ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш ҳолатлари тобора кучаймоқда. Натижада, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати оқибатида муайян минтақа ва ҳудудда дин ва диний қарашларга ўз таъсирини ўтказиш орқали ҳар қандай халқ ва миллатнинг маънавиятига рапхна солмоқда. Бу ҳакда Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз ҳушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрҳоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшшимиз талаб қилинмоқда”². Зеро, дунё миқёсида глобаллашувни шиддатли тус олиши миссионерлик ва прозелитизмга нисбатан жиддий фикрлашни талаб этмоқда.

¹ <https://kun.uz/news/2017/01/25/nokonunij-missionerlik-uzbekiston-tinclik-va-barkarorligiga-tadid>

² Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишдаги нутки // Туркистон. 2015. 14 январ №4 (15850). Б.2.

Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда таъсир воситаси сифатида инсон маънавиятини нишонга олаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Айниқса, муайян минтақа ва ҳудудда халқнинг азалдан шаклланган маънавиятига рахна солиш орқали “ўзгача” маънавиятни тарғиб этмоқда. Мазкур ҳаракатлар аксарият ҳолатларда лоқайдлик, худбинлик, нодонлик, бузуқлик каби иллатларни шакллантириш орқали ҳар қандай халқ ва миллатни маънавий тубанникка етакламоқда. Натижада, ҳар қандай халқ ва миллат маънавиятини забт этиш орқали мамлакатни ўзига тобе этиш мақсади намоён бўлмоқда. Айнан, мазкур омиллар бу борада жиддий фикрлашни тақоза этмоқда. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият», миссионерлик, прозелитизм хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, миллий ва диний қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда¹”, – дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир.

Бугунги қунда миссионерлик ва прозелитизм фаолияти бир нечта мақсадни кўзлаб амалга оширилаётганлиги кузатилмоқда. Айнан, мазкур ҳаракатлар оқибатида ўзга дин вакилларини ўз динига киритиш орқали иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўз давлатларининг таъсирига олиш тобора кучаймоқда. Шу тариқа, муайян халқ ва миллат ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубха уйғотиш орқали инсоннинг конституциявий ҳуқуқи яъни фикрлаш ва виждон эркинлиги ҳуқуқини бўзилишга бўлган ҳаракатлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Тошкентдаги симпозиумлар саройида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи // Халқ сўзи. 2016. 19 октябрь.

намоён бўлаётганлиги ташвишли ҳолдир. Хусусан, республикамиздаги барқарорликка рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш уринлидир. Айниқса, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда махфийликка асосланган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошираётганлиги айниқса, хатарлидир.

Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм замирида шахснинг онги ва қалбига ўтакетган диний фанатизм унсурларини сингдириши ташвишлидир. Ўз навбатида миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўз ғояларини тарғибот ва ташвиқот қилишда энг авалло, жамият ҳаётида ўз ўрнини топа олмаётган руҳий тушкинлик ҳолатига тушган инсонларни ўз таъсирига олиш асосий мақсади эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, миссионерлик ҳаракати натижасида мазкур ҳаракат давом этган ҳудуд ва минтақада анча мураккаб кўринишлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келтириб чиқаришга замин яратмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўзга дин вакиллари орасида нифоқ ва адоват солиш орқали миллий, диний муносабатларга рахна солиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятларга салбий муросасизликни шакллантириш намоён бўлмоқда. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм ташкилотлари баъзан ошкора, аксарият ҳолатларда яширин фаолият кўрсатаётганлиги дунё халқлари ўртасида ўз эътиқодига шубха уйғотишга замин яратмоқда. Айниқса, ўз динини ўзга дин вакиллари орасида тарғибот ва ташвиқот қилиш орқали диний тотувликка путур етказмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизмнинг сохта даъватларига кўр-кўронада бўйсуниш орқали уларнинг ғояларига қатъий ишониш жамият манфаат-

ларига рахна солаётганлиги ташвишилдири. Айниқса, ёшларда соғлом диний маълумотнинг етишмаслиги, уларнинг ишонувчанлиги, бирданига бойлик, шон-шуҳрат, мартабага эга бўлишга интилиши уларни миссионерлик ва прозелизм таъсирига тушишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда дунё миқёсида айрим диний ва сиёсий марказлар томонидан молиялаштирилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари оқибатида ислом, христианлик ва бошқа дин вакилларини йўлдан оздириш ҳолатлари тобора кучаймоқда. Айниқса, мазкур ҳаракатлар оқибатида инсонлар онги ва қалбини забт этиш орқали уларнинг дунёқарашида салбий ўзгаришлар содир бўлишга замин яратмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизмнинг ғоявий таъсиrlарига берилган инсонларнинг аксариятида мутаассиблик, фанатизм ва фундаментализм иллатлари яққол намоён бўлаётганлиги ташвишилдири. Айнан, миссионерлик ва прозелитизм тарғиботида фундаментализмни намоён бўлаётганлиги бу борада жиддий фикрлашни тақоза этмоқда. Бу хақда Ислом Каримов қайд этганидек: “Диний фундаментализмнинг ҳар қандай қўринишларига қарши чиқаётган жаҳондаги таъсир доираси кенг ва обру-эътиборли кучлар турли маданиятлар ҳамда цвилизациялар ёнма-ён яшашнинг нормал тинч ва ўзаро фойдали шарт-шароитлари учун курашувчи Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамиятини англаб етмоқдалар. Мамлакатимизни ўзига хос ислоҳатлар йўлини тушунмоқдалар ва қўллаб қувватламоқдалар”¹. Бинобарин, бугунги кунда дунё миқёсида диний жараёнларда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бир вақтда диннинг сиёсийлашуви жамият ва давлат учун бевосита таҳдид солишини англаш лозимлигини талаб эт-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тарққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б.62.

моқда. Ахборот-таҳлилий тадқиқотлар натижалариға кўра, эътиқоди суст, сиёсий ва диний билимлари шаклланмаган ёшлар аксарият ҳолларда миссионерлик ва прозелитизм таъсирига тушиши тобора кучаймоқда. Бинобарин, ёшларнинг миссионерлик ва прозелитизм таъсирига тушишининг асосий сабаби миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари томонидан пухта ўйланган ғоявий-мафкуравий, руҳий, моддий таъсир кўрсатишидир. Шу ўринда, инсонлар дунёқарашида миссионерлик ва прозелитизм ғоялариға қарши мафкуравий иммунитетнинг сустлиги аксарият ҳолларда уларнинг ушбу иллатлар таъсирига тушишига сабаб бўлмоқда. Бу борада, мазкур иллатларни олдини олишда энг аввало, Ватанимиз ёшлари ўртасида соғлом эътиқодни шакллантириш орқали уларни миссионерлик ва прозелитизм таҳдидларидан асрашда асосий омил вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда республикамизда ёшларни диний ақида-парастлик, экстремизм, терроризм, миссионерлик ва прозелитизм каби салбий иллатлар таъсиридан саклашда мунтазам, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ишлар самарадорлигини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизмнинг ғаразли, бузғунчи диний ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш муҳимдир. Бу борада, миссионерлик ва прозелитизм таъсиридан асрашда юртдошларимиз онги ва дунёқаришида миллий истиқлол мафкурасини чуқур сингдириш истиқболдаги режаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқадиган ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан тўлдирилиб, фуқароларимизнинг қалби ва онигига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қила-

диган бунёдкор ғоялардир. Ушбу ғояларнинг мазмун-мөҳияти ва асосий ҳусусиятлари Ислом Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Булар қуидагилар:

- ватан равнақи;
- юрт тинчлиги;
- халқ фаровонлиги;
- комил инсон;
- ижтимоий хамкорлик;
- миллатлараро тотувлик;
- диний бағрикенглик.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари маърифатли дунёда эътироф этилган умумий қонун – қоидалар ва халқаро андозалар, умуминсоний тамойиллар ва қадриятларнинг устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай амал қилиш, демократия ва гуманизм каби тамойилларнинг талабларига тўла-тўқис мос келади¹. Шу ўринда, юртимиз фуқаролари айниқса, ёшларимиз онгига миллий истиқлол мафкурасини чуқур сингдириш ёшларни ўзида ғаразли ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи миссионерлик ва прозелитизм таҳдидларидан асраш орқали ҳақиқий Ватанпарвар инсонлар сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик даврида эришилган ютуқларимиз ёшларимизни ташқи мафкуравий тазийиқ ва ташвиқотлардан ҳимоя қилишга, миллий қадриятларга содиқ авлодни шакллантиришга қаратилди². Бинобарин, мазкур ҳолат, ҳукуматимиз сиёсатида ўз акси ни намоён этмоқда. Айниқса, мазкур омиллар республикамиз суверинтетига, тинчлик ва барқарорлигига рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм таҳдид-

¹ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Тошкент: Академия, 2007. - Б.211.

² Алимардонов Т. Эркинлик рухи. - Тошкент: Нишон-Ношир, 2015. - Б.222.

ларига қарши доимо огохлик, хүшёрлик, сезгириликни барча юртдошларимиздан талаб этмоқда.

Шу тариқа, миллий ғоямиз миссионерлик ва прозелизм таҳдидларига қарши юртдошларимизни умумий мақсад сари бирлаштиришда асосий уринни эгаллайди. Хусусан, миллий истиқлол мафкураси халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида миссионерлик ва прозелизм таҳдидидга қарши курашда қалқон вазифасини ўтайди. Бинобарин, миссионерлик ва прозелизм таҳдидларига қарши курашда энг аввало, юртдошларимиз онгига халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, анъаналари ва урф-одатларини, буюк аждодларимизнинг боқий меросини сингдириш орқали истиқболли мақсадларимизга эришамиз. Хусусан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар юртимизда яшовчи барча фуқароларимиз онгигда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш орқали миссионерлик ва прозелизм таҳдидларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, миссионерлик ва прозелизмнинг мафкуравий-ғоявий таъсирiga қарши фақат ва фақат мафкуравий воситалар билан курашишни давр тақозо этмоқда. Зоро, глобаллашув шароитида энг катта хавф-хатар инсонлар қалби ва онги учун тинимсиз давом этаётган мафкуравий кураш – ўз навбатида фуқароларимизни ўз фикрига, қатъий эътиқодига, мустаҳкам диний дунёқарашга эга бўлишини тақозо этмоқда.

Айниқса, бу борада юртдошларимиз онгига диний маънавий-маърифий қадриятларни сингдириш орқали миссионерлик ва прозелизмни олдини олишда мустахкам замин яратади. Чунки, жамият ва давлат миқёсида аҳолининг барча қатламлари ўртасида маънавий – маърифий таъсирчанликни кучайтириш орқали миссионерлик ва про-

зелитизм таҳдидларидан асрарда қалқон вазифасини ўтайди. Хусусан, юртимизда миссионерлик ва прозелитизмнинг тақиқланиши ўз навбатида жамият манфаатларини ҳимоя қилиш орқали ижтимоий барқарорлик ва тинчликни сақлашда асосий омил вазифасини ўтайди. Бу хақда фикр юритганда Ислом Каримов қайд этганидек: “Ҳозирги вақтда турли ниқоблар остида мамлакатимизни “демократлаштириш” мақсадида ҳар хил нодавлат ташкилотларини кўпайтириш ва ривожлантириш учун беғараз ёрдам берамиз, деб жар солаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Русларда “текин пишлок фақат қопқонда бўлади” деган гап бор. Бугун ҳаётнинг ўзи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ташқаридан маблағ оладиган ва четдан бошқариладиган нодавлат ташкилотлари ҳозирги пайтда ана шундай давлатлар ташқи сиёсатининг восита ва қуролига айланиб бормоқда”¹, деган сўзлари айни ҳақиқат эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, аслида ҳам, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга мутлақо ёт бўлган зарарли ва мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелизм ҳаракатларига қарши фуқароларимиз қалби ва онгода миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантириш ва мустахкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда, мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигига, унинг манфаатларига, миллат келаҗагига рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелизм таҳдидларига қарши мафкуравий тарбия воситасида ёшлар онгода мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва қуроллантириш ҳар биримизнинг масъулиятли муқаддас вазифамиз эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу борада, юртимиз ёшларини миссионерлик ва прозели-

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари – олий қадрият - Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 14-жилд. Б.95.

тизм таҳдидларидан асраш, уни олдини олиш учун энг аввалло, уларни илм-маърифатли этиб тарбиялаш орқали барча соҳаларда етук мутахассис, жисмонан баркамол инсон сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда юртимиз ёшларини миссионерлик ва прозелитизм таъсирига тушишини олдини олишда мамлакатимизда ёшларимизга яратилаётган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратишни барчамиздан талаб этмоқда. Айниқса, бу борада юртдошларимизни миссионерлик ва прозелитизм таҳдидларига қарши бир мақсад йўлида сафарбар этишни тақозо этмоқда. Айнан, мазкур омиллар орқали ёшларимизни тарли ҳил ёт оқимлар таъсирига қарши жамият ва давлат манфаати учун фидоий бўлишга унダメмоқда. Бунинг учун энг аввало, ёшларимиз онгига диний ва дунёвий илмларни чуқур ўзлаштириш орқали миссионерлик ва прозелитизм оқибатларини асл моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм таҳдидни бартараф этишда халқимизнинг ўз қадриятларига содик бўлиши орқали оилани муқаддас деб билиши юртдошларимизни Ватанпарварлик руҳида тарбия топишида асосий омил воситасини ўтайди. Айниқса, бу борада, миссионерлик ва прозелитизм таҳдидини бартараф этишда энг асосий эътибор сифатида халқаро ва миллий тажрибанинг ҳуқуқий таҳлили ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, махсус хизматларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали тушунтириш ҳамда тарғибот-мафкура ишларини фаоллаштириш энг таъсирчан воситалар эканлигини намоён этмоқда. Бинобарин, глобаллашув шароитида ғоявий-мафкуравий хуружларни тобора авж олиши ёшларнинг дин соҳасидаги масалаларга жавоб излаётганлиги уларни диний, сиёсий соҳада етарли билимга

эга эмаслиги миссионерлик ва прозелитизм таъсиrlарига тушишга замин яратмоқда.

Диний мутаассибликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар таҳлилида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири алоҳидадир. Мафкуравий бўшлиқ, кўпинча, инсонда жамиятдаги мавжуд ҳолат, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, ўзининг иродасини бошқа шахсга бўйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришига хизмат қиласиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади¹. Шуни инобатга олган ҳолда, юртдошларимизни миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий таъсиридан асрашда бевосита тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда бир мақсад сари бирлашувни тақозо этмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм таҳдиини бартараф этиш механизмини такомиллаштиришда энг аввало, юртимиз фуқаролари дунёқарашида миллий қадриятларимизга, яъни Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини сингдириш асосий омил вазифасини ўтамоқда. Айниқса, юртимиз ёшларида илмга иштиёқни шакллантириш орқали юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик, комил инсон каби соғлом ғояларга асосланган мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уни та-комиллаштириш орқали белгиланган ва кутилган мақсадга етишамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида диний ақидапарастлик, миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашишда ёшларни мафкуравий иммунитетини шакллантиришини таъминлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналти-

¹ Каримов А.К. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий қўринишлари ва унга қарши кураш асослари (Ўзбекистон мисолида) 24.00.01. т.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Б.15.

рилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада, Ислом Каримовнинг Олий Мажлисинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: “Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйғанмиз”¹, – дея таъкидлаб ўтган эди. Бинобарин, юртимизда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти барпо этишда энг аввало демократик тамойилларга таянган ҳолда буюк маънавиятимиз ҳисобланмиш муқаддас динимизни турли ҳил бузғунчи ғоялардан асраш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев қайд этганидек: “Узоқни кўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир қадам олдинда юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг ҳийла-найрангларини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг – давлат, жамиятнинг – жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади”². Айниқса, бу борада юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларга таянган ҳолда миссионерлик ва прозелитизм таҳдидини бартараф этиш механизмини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– юртдошларимиз онги ва қалбида соғлом диний эътиқод, виждон эркинлиги ҳуқуқига нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш;

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг букилмас иродасига боғлик. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 8.

² Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан харакат қиласайлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуマンда сўзлаган нутқи // Тошкент оқшоми. 2017. 16 июнь. №125 (13.458).

- ватандошларимиш онгода диний бағрикенглик ғояларини шакллантириш;
- юртимиз фуқароларининг ўзга дин вакиллариға нисбатан хурматда бўлиш;
- ўз динини ўзга динларга нисбатан устун қўймаслик орқали ўз иймон- эътиқодини мустаҳкамлаш;
- оила, маҳаллада диний маданиятни тўғри шакллантириш орқали аниқ мақсадга йўналтирилган диний маърифатни тўғри ва самарали йўлга қўйиш;
- фуқароларимиз ўртасида миссионерлик ва прозелизмнинг салбий оқибатлари тўғрисида тизимли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;
- мамлакатимизда расман фаолият олиб бораётган диний ва этник ташкилотлар ўртасида миссионерлик ва прозелитизм таҳдидига қарши мунтазам сергаклик, огоҳлик ва хушёрликка даъват этиш энг муҳим вазифадир. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини олдини олиш ҳамда ушбу ҳаракатларнинг олиб борилиши амалдаги қонунга зид эканлиги алоҳида таъкидланган.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари оқибатида халқимизнинг тарихан шаклланган миллий маънавияти, тарихий ўтмиши, азалий қадриятлари, миллатимизнинг ўзига хослиги ҳамда диний эътиқодига таъсир қилувчи салбий омил вазифасини ўташини англаш лозим. Айнан, ушбу омиллар орқали Республикализнинг мустақиллигига рахна солиш орқали юртимизнинг ўзи танлаб олган демократик тараққиёт йўлига тўскىнлик қилувчи миссионерлик ва прозелитизм ҳатарларини олдини олишимиз мумкин. Шу тариқа, мазкур салбий иллатларни бартараф этиш орқали энг аввало, ўзида ёвуз ва разил, сиёсий мақсадларни намоён этувчи миссионерлик ва прозелитизм қарши ку-

рашда ижобий натижаларга эришувимизда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзида бўзғунчи ва ғаразли мақсадларни намоён этаётган миссионерлик ва прозелитизм таъсирида халқимизнинг асрий қадриятлари, эътиқоди, маданияти, маънавияти ва миллий менталитетига мутлоқо зид бўлган “ўзгача” маданият ва диний таълимотларни вужудга келишига замин яратмоқда. Шу тариқа, муайян минтақа ва ҳудудда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатини оммавийлашуви оқибатида ўзининг диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш орқали ўзга динга ўтиш ҳолатлари тобора кучаймоқда. Айниқса, мазкур ҳолат, энг аввало, муайян минтақа ёки мамлакат миқёсида миллий, диний, ирқий низоларни авж олдириш орқали хукумат бошқарувида сепаратизмни келиб чиқишига замин яратмоқда.

Шу ўринда халқимиз учун ёт бўлган диний ва экстремистик ғояларини ўзида намоён этувчи миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатини оммавийлашуви оқибатида аждодлар эътиқод қилиб келган диндан воз кечиш ҳолатлари намоён бўлмоқда. Бинобарин, миссионерлик ва прозелизм таъсрига берилган инсонда ўз ота-онаси, оиласи, Ватани ва миллатига нисбатан эътиқоди йўқолади. Натижада, мазкур ҳолат мамлакат миқёсида сиёсий парокандаликни кучайиши орқали “ўзгача” маънавият, маданият, диний қадриятларни шакллантироқда. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари муайян минтақа ва мамлакат аҳолиси онги ва қалбини забт этиш орқали асл маънавий қадриятлар ҳисобланмиш дин ва диний эътиқодларга рахна солмоқда. Миссионерларининг ноқонуний фаолияти диний ва миллий низоларнинг кучайиши туб миллат вакиллари оилаларидаги келишмовчиликларнинг

авж олиши оқибатида маҳаллалардаги мусулмон динига мансуб аҳолида бошқа дин вакилларига нисбатан салбий ҳиссиётларнинг шаклланишига замин яратмоқда. Оила барқарорлигини бузишга олиб келувчи ҳаракатларни мамлакат келажагига таҳдид сифатида баҳолаш мумкин¹. Бинобарин, миссионерлик ва прозелитизмнинг тақиқланиши энг авалло, дунё миқёсида муайян диний-сиёсий ҳаракатлар фаолиятининг ман этиш орқали ижтимоий барқарорлик ва тинчликни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этишини англаш лозим. Айнан, ушбу омиллар жамият тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солиш орқали салбий ҳолатларни келтириб чиқаришга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм таҳдидларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм таҳдида қарши кураш дунё миқёсида устувор вазифалардан биридир. Айниқса, дунё ҳамжамиятининг мазкур иллатларга қарши олиб бораётган муросасиз курашишини Ўзбекистон ҳукумати ва халқи тўла қўллаб-қувватлайди. Республикаизда миссионерлик ва прозелитизм қарши курашда қилинаётган ишларнинг ижобий ҳолати тўғрисида фикр юритганда энг авалло, барча дин ва диний ташкилотларга teng ҳуқуқ ва ўзаро дўстона муносабатни таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бинобарин, мазкур ҳолат, мамлакатимизда расман фаолият кўрсатаётган диний ташкилотларини қўллаб-қувватлаш орқали юртимиз хавфсизлигига рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизмни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан, мазкур омиллар Ўзбекистон миллий хавфсизликка таҳдид солувчи миссионерлик ва

¹ Хасанбоев Ў. Ўзбекистонда даавлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мағкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа босмахонаси. 2014. Б.120.

прозелитизмга қарши курашда қуйидагиларга алохидა әътибор қаратишни тақоза этади:

– ислом ва христианликнинг инсонпарварлик ғоялари орқали бағрикенглик, эзгуликка мунтазам даъват этувчи таълимотидан миссионерлик ва прозелитизм қарши курашда фойдаланиш;

– юртдошларимиз қалби ва онгини забт этишга уринаётган миссионерлик ва прозелитизмга мойил оқим ва гурӯҳларга қарши тарғибот ва ташвиқотни янада кучайтириш;

–хориждан миссионерлик ва прозелитизм руҳдаги, даъватчилик билан боғлиқ диний адабиётлар ва материаларни кириб келишини олдини олиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, юртимизда мазкур омилларга риоя этиш орқали турли конфессиялар орасида тотувлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган аниқ тадбирларни амалий равишда ҳаётга татбиқ этилаётганлиги миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашда ўзининг ижобий смарасини беришини англаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, миссионерлик ва прозелитизм таҳдидлари нафақат шахс, давлат барқарорлигига, балки минтақавий ва глобал миқёсидаги таҳдид эканлиги билан хатарли ва ташвишлидир. Хусусан, республикамизда демократик қадриятларга асосланган ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари салбий омил вазифасини ўташини англаш лозим. Бинобарин, юртимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларини мустаҳкамлаш орқали миллий, диний, ирқий адоватларни қузғатувчи миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини олдини олишда республикамизда бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар замирида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги ижобий

муҳит яратилганлигини таъкидлаш лозим. Бу борада, республикамизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик борасида ўзаро ижобий ҳамкорлик ўрнатилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу ҳақда, фикр юритганда Президент Ш.Мирзиёев қайд этганидек: “...*Бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги қунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда*”¹, – деган сўzlари замирида нақадар катта ишонч мужассам эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ҳолат, ўз навбатида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳамжиҳатлик иноқлик ва бирдамликнинг нодир тимсоли сифатида намоён бўлиб, барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг ижобий намунаси эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги² Фармонида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, teng ҳуқуқ ва имкониятлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анҷуманда сўзлаган нутқи // Адолат. 2017. № 24. Б.1-2-3.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони <http://uza.uz/oz/documents/millatlararo-munosabatlar-va-khorizhiy-mamlakatlar-bilan-d-s-22-05-2017>

яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек, мазкур фармонда жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги нозик ва айни пайтда, ўта мураккаб шароитда ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи миссионерлик ва прозелитизм иллатларига қарши маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳолатга грифтор этувчи экстремизм, терроризм, миссионерлик ва прозелизмга қарши курашда маърифатни тарғиб этиш ғояси бугунги кунда дунё миқёсда бош мавзуга айланиб улгурди. 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани, уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланниб қолинаётганини, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини алоҳида таъкидлаган эди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қиласар экан: “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш

ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашидан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган... Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз”¹, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда Юртимизнинг бу соҳада олиб бораётган ислоҳатлари дунё миқёсида ўзга мамлакатларга намуна бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Бу хақда фикр юритганда 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли маҳсус резолюция қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мазкур резолюцияни қабул қилиниши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Бу хақда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Ҳелена Фрейзер томонидан билдирилган фикр эътиборга моликдир. Бу хақда Ҳелена Фрейзер: “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинди. 51 давлат Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив так-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

